

А.Т. Фофуров, Ж. Толипова, С.С. Файзуллаев,
И.Т. Азимов, Б. Ахмадалиева



Биологияни үқитишнинг умумий методикаси

(үкув-методик құлланма)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

А.Т.Гофуров, Ж.Толипова, С.С.Файзуллаев,
И.Азимов, Б.Ахмадалиева

БИОЛОГЪ^ ^ КРШВДИИНГ умумда МЕТОДИКАСИ

(ўқув-мето^д^ўлланма)^

АННОТАЦИЯ

Ушбу ўкув кўлланмана муаллифлар жамоаси томондан ёзилган бўлиб, биология ўқитиш методикасининг максад ва вазифалари, ривожланиш тарихи, биолопш ўқитишнинг долзарб муаммоларига доир маълумотларни ўз ичига олган. Ўкув кўлланмадаги мавзулар муаллифлар орасида кўйидагача таксимланган: «Кириш», «Биологик таълимнинг роли», «Биология ўқитиш методикасининг ривожланиш тарихи», «Биологиядан давтшт таглим ставдарти ва ўкув дастури», «Биология дарсларини таҳдиди», «Биологияни ўқитиш воситалари», «Синфдан ташкари машғулотлар» мавзуларини профессор А.Т.Фофуров, доцент С.С.Файзуллаев; «Бисшогак таълим жараёнининг яхлитлиги, ўқитиш принциплари ва конуниятлари», «Умумий ўрта таълим ўкув юргаридан, биологик таълим мазмуни», «Биологияни ўқитишда ўкувчиларда мустакил ва ижодий фаолиятни таркиб топтириш», «Биология ўқитишда фойдаланиладиган методлар», «Биология ўқитишнинг фаол методлари», «Биологиядан йиллик истиқбол мавзули режа тузиш йўллари», «Биология дарсларнда замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланишп», «Биологияни ўқитишда таълим ва тарбиянинг узвийлиги», «Ўкувчи ёштар онга ва қалбига миллий исгиқшл гоясими сингдирин йўллари», «Ўрта махсус касб-хунар муассасаларида биолопш ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари», «Биологиядан факультатив машғулотларни ташкил этиши» мавзуларни доцент Ж.Тсиапова; «Шарқ ўйгониши даврда таълим ва тарбия масалалари», «Туркистон жадидчилик харакати таълим ва тарбия», «Дарсдан ташкари ишлар», «Ўй вазифалари», «Экскурсиялар», «Тирик табиат бурчага», «Мактаб ўкув тажриба участкаси» мавзулари катта ўқитувчи И.Азимов; «Мактабда биология хонасини ташкил этиши» мавзуси ўқитувчи Б.Ахмадалиева томондан ёзилган.

Такризчилар: ТВПХҚТМОИ табиий фанлар кафедраси мудири, биология фанлари номзоди, доцент О.Хайдарова
Низомий номвдаги ТДПУ «Ботаника ва хужайра биологияси» кафедраси мудири, биология фанлари доктори, профессор А.Зикиряев

Лекция курси Низомий номидага Тошкент Давлат педагогика университетининг Илмий Кенгашида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия этилган.

2005 йил «—» даги .—сонли мажлис баёни

Университет ректори

проф. Ф.И.Мухамедов

©Низомий номли ТДПУ

1-Мавзу: Кнриш

Режа:

1. Биология ўқитиш методикасининг максади ва вазифалари.
2. Биология ўқитиш методикаси фан сифатида.
3. Биологии ўқитиш методикасининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.
4. Биология ўқитиш методикасининг ўкув фани сифатида.

Асосий тушунчалар ва таянч билимлар

- 1.Фан ва ўкув фани тушунчалари.
- 2.Педагогика ва хусусий методика.
- 3.Биология ўқитиш методикасининг предмети ва обьекти.
- 41>иология ўқитишнинг илмий тадқиқот методлари.

Биология ўқитиш методикасининг максади ва вазифалари.

Биология ўқитиш методикаси биология фан асослари билан боғлиқ бўлган ўкув, жараёнлар, принциплар ва конуниятлар тўғрисициаги фандир. Мазкур принцип ва конуниятларни билиш ўқитувчига тақбат биология курси билан боғлиқ ўкув-тарбиявий жараёнларни замон талабларига мос холда ташкил этиш ва бошқариш имконини беради.

Биология ўқитиш методикаси биология ўкув фанларининг мазмуни, унинг ўқитиш шакллари, методлари, воситаларини ўзаро богаик холда жорий этишининг максад килиб кўяди.

Биология ўқитиш методикасининг асосий вазифаси ўкувчиларга биологик ўкув фанлар бўйича чукур атрофлича билим бериш, уларнинг хар томонлама ривожланган шахс сифатида камол топишига кўмак берувчи ўкув фанлар мазмунини, ўқитиш шакллари, воситалари ва методларини ишлаб чиқишидан иборат.

Биология ўқитиш методикаси фан сифатида

Хар кандай фан инсоннинг тадқиқот фаолияти билан алокадор бўлиб, у нарса ва ходисалар тўғрисида билимлар тўплашга йўналган, ҳамда тадқиқот қилинаётган нарса ходисалар тўғрисида тўлиқ ва чукур билим олишга қаратилган. Фаннинг асосий функцияси тадқиқот хисобланади.

Биология ўқитиш методикаси фан сифатида мазкур фан билан боғлиқ ўкувчиларнинг билим олиш, тарбияланиш ва ривожланишини назарий ва амалий жihatидан тадқиқ килишни максад килиб кўяди.

Фаннинг асосий белиси бўлиб, максаднинг аниклиги, ўрганиш предмети, билимларни билиш усуллари ва шакллари кисобланади. Шу билан бирга фаннинг ривожланиш тарихи, унинг бойишига сабабчи бўлган қашфиётларни билиш ҳам мухим саналади.

Биология ўқитиш методикаси педагогик фанлар таркибида киради. Шу сабабли унинг олдида турган максад ва вазифалар хам умумпедагогик максад ва вазифалардан келиб чиқади.

Биология ўқитиш методикаси барча ўкув фанларга таалукди бўлган педагогик коидаларни, биологик ўкув материалига тадбиқ этишига йўналган. Шу билан бир каторда биология ўқитиш методикаси табиий, илмий, биологик, психологик, педагогик билимларни ўзида мужассамлаштиради.

Биология ўқитиши методикаси биология ўкув фанининг ўқитиши максадини, мазмунини, биологик билимларнинг танлаш принципини белгилаб беради.

Биология ўқитишининг хозирги даврда самарали бўлиши ўқувчиларнинг ўкув, меҳнат ва жамоат фаолиятларида катнашиши учун зарур бўлган биологик бишмлар, кўниғашлар, малакаларни эталонлаганларни билан белгиланади. Улар эса ўз навбатдан ўқувчиларнинг тарбияланганлик натижасида, дунёкараши, эътиоди, табиат, жамият ва шахстга бўлган муносабатида намоён бўлади. Ўқувчиларнинг ривожланиши даражаси, қобилияти, жисмоний ва аклий жиҳатдан такомилаштириша бўлган эхтиёжи билан ифодаланади.

Биология ўқитишининг максади юкорида кайд килинган омиллардан келиб чиқади. Биология ўқитишининг максадларини билиш ўқитувчига ўқитиши жараёнини бошқариш имкониятини беради.

Фан сифатида биология ўқитиши методикасининг вазифалари тубандагилардан иборат:

1. Ўқувчиларнинг ўқитиши ва тарбиялаш, камолга етказишида ўкув фанининг унни аниклаш;

2. Мактаб ўкув дастурлари ва дарсларни такомилаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва уни мактаб амалиётига тадбиқ этиш;

3. Ўқувчиларнинг ўшига мос равишида ўкув фанларининг мазмуни, ундаги мавзуларнинг ўрганиш изчилигани белгилаш;

4. Биологик ўкув фанларининг ўзига хос томонларини эътиборга олган холда, ўқитиши усусларини, ташкилий шаклларини ишлаб чиқиш;

5. Ўқитиши жараёнида кўллаш учун зарур жихозларни аниклаш. Биология хонаси тирик бурчак, тажриба ер майдонини ташкил этиш, табиий, тасвирий, динамик, аудио, видео воситаларни беялмаш.

Биология ўқитиши методикасининг обьекти бўлиб, мазкур ўкув фани билан алоқадор бўлган ўкув тарбиявий жараён хисобланади.

Биология ўқитиши методикасининг предмети бўлиб биологик бишмларнинг максади, мазмуни, ўқитиши усуслари, шакллари, ўқувчарнинг тарбияси ва ривожланишидидир.

Биология ўқитиши методикасининг илмий - тадқиқот методлари:

1. Мактаб ўқитувчиларнинг иш тажрибасини кузатиши ва фаолиятдаги ижобий, салбий томонларини аниклаш;

2. Бу соҳада тўплланган маълумотларни таҳлил килиш, умумлаштириш ва ҳал этилмаган муаммоларни аянлаштириш ва уларни ҳал этиш учун зарур ишчи фаразларни илгари суриш;

3. Илгари сурилган фаразларнинг қанчалик хақиқатга яқин эканликларини аниклаш максадида мактабларда педагогик тажрибалар ўтказиш ҳамда тажрибавий, назорат синклардан олинган маълумотларни ўзаро тақослаш;

4. Кузатиши ва педагогик экспериментлардан олинган маълумотларни таҳлил килиш, умумлаштириш ва хуласалаш;

5. Олинган маълумотларга асосланиб, методик маколалар, қўлланмалар яратиш ва ишлаб чиқилган фикр мулоҳазаларнинг оммавий мактабларда текширишдан ўтказиш ва тасдиғини олиш.

Хозирга даврга келиб, биология ўқитиши методикасида ўтказилган педагогик тажрибалар натижасида «Биологик тушунчаларни ривожлантириш», «Биологияда ўқитиши шаклларининг системаси», «Биологияда ўқитиши методлари», «Биологияда экологик тушунчаларни ривожлантириш», «Биология ўқитишининг моддий базавий системаси», «Педагогика Олий ўкув юртлари

талаба биологларнинг мактабдаги ишга методик тайёрлаш системаси» каби назариялар ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

Мактабларда ўқитиладиган биология ўкув фанларга караб «Биология ўқитиши методикаси» фани «Биология ўқитишининг умумий методикаси», «Ботаника ўзИши методикаси», «Зоология ўқитиши методикаси», «Одам ва унинг саломатлигани ўқиташиб методикаси» ва ниҳоят «Умумий биологиянинг ўқитиши методикаси» каби хусусий ўқитиши методика фанларига ахрлатилиди.

Биология ўқитишининг умумий методикаси барча биологак ўкув фанларига оид ўқитишининг мақсади, вазифаси, мазмуни, принциппи, усуслари, воситалари, шакллари, биологияни ўқитиши тарихи, босқичлари каби масалаларни камраб олади. Хусусий методикалар эса у ёки бу ўкув фанининг мазмуни ўқувчиларнинг ёши билан боғлик дарс, дарсдан ташкари ишлар, синфдан ташкари машгулотлар, экскурсиялар, амалий ва лаборатория машгулотларини ташкил этиш, жихозлаш кабиларни диккат марказида тулади.

Биология ўқитиши методикасининг бошқа фанлар билан боғликлиги.

Биология ўқитиши методикаси педагогиканинг бир кисми бўлган дидактика билан жуда якин алоқададир. Агар дидактика ўқувчилар томонидан билимлар, кўнімалар ва малакаларни ўзлаштириши конунларни ўрганса ва у мактабдаги барча ўкув фанлари учун ўқитиши назарияларни ва принципларини ишлаб чиқса, биология ўқитиши методикаси биология билан боғлик ўқитиши ва тарбиялаш мазмуни, шакллари, ва методлари воситалари билан боғлик назарий ва амалий масалаларни ишлаб чиқади.

Биология ўқитиши методикаси психология билан узвий алоқададир. Чунки, биологияни ўқитиши ўқувчиларнинг ёши хусусиятларига мос бўлган тақдирдагана самара беради. Масалан ўсмирларда яъни УЎ1 синф ўқувчиларида диккат бекарор бўлгани сабабли биология ўқитувчиси дарс жараёнвда бир неча методлардан фойдаланиб, ўқувчилар фаолиятини алмаштириб туради, ҳамда уларнинг тафаккурини конкрет эканлигини эътиборга олиб, кўргазмали воситалардан кўпроқ фойдаланилади. Юқори синкларда эса ўқувчилар диккати барқарорлашгани ва уларда абстракт тафаккур ривожлангани учун дарслар кўпроқ маъруза шаклида ўтказилиши ва бир, икки методдан фойдаланиш кифоя киласи.

Биология ўқитиши методикаси биология фани билан узвий алоқадор. У биологик фанларнинг деярли барча сокалари: ботаника, зоология, одам анатомииси ва физиологияси, цитология, биокимё, эмбриология, сисегматика, экология, эволюцион таълимот, антропология молекуляр биология фан асосларини ўзида ифода киласи. Тирик табиат вакилларининг ташки, ички тузилишини ҳаёт фаолиятини ташки мухит билан алокасини тўғри тушунтириш ўсимлик, замбуруг, хайвон, микроорганизмларни аниклаш, улардан микро ва макропрепаратлар тайёрлаш, улар устида кузагиши, тажрибалар олиб бориши, ўқитувчидан яхши назарий билим, амалий тайёргарликни талаб киласи. Лекин мактаб биология ўкув фани билан биология фани орасида мухим тафовутлар борлигини ўқитувчи яхши билиш керак. Биология фашишини асосий мақсади тирик ва ўлик табиати тўғрисида тадқиқот орқали янги биошмларни Ҳосил килиш бўлса, мактаб биология ўкув фанининг мақсади, ўқувчарнинг ўшига мос равишида уларга биологак билимлар, яъни биологик тушунча, Конунлар, назариялар беришдан билимлар ва уни тушунтиришдан иборат. Мактаб биология курсида фан эмас, балки фан асослари - ўқувчилар учун зарур асосий маълумотлар мужассамлашган. Шу билан бирга мактаб биология курси

«кичик фан» эмас, балки ўқувчиларнинг ривожланиши ва тарбиясига кўмак берувчи биологияни асосий тушунчалар системаси саналади.

Биология ўқитиш методикаси ўқув фани сифатида

Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим биология ўқитувчини тайёрлашда биология ўқитиш методикаси ўқув фани нихоятда мухим ўрин тутади. Бу ўқув фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг биологияни ўқитиш учун зарур қасбий билим, кўнкимга ва малакалар шаклланади.

Табиийдирки, ўқув фанида фан тўплаган хамма билимлар эмас, балки унинг асослари бернганди. Улар ўқитиш вазифаларидан, ўқувчиларнинг ёши, тайёргарлик даражасини эътиборга олган ҳолда маҳсус сараланган билимлар мажмусидан иборат. Фандан фарқли равишда ўқув фанининг асосий вазифаси билим ва маълумот беришдир. Ўқув фани фаннинг аник нусхаси эмас. Ўқув фанини яратиша фан томонидан тўплланган билимлар ва тажрибалар тизимини талабаларга бериш устунлик қиласди. У факат илмий маълумотларни тўплаш тартиби эмас, балки тушунчаларни умумлаштириш, аниклаштириш, илмий фактларни, фикр - мулоҳазаларни тартибга солишиндан таркиб топади.

Ўқув фани ўзининг асосий билим ва маълумот бериш функциясидан келиб чиккан ҳолда маълум тартиб асосида тузилган. Олий мактаб биология ўқитиш методикаси дарслиги ўз тузилиши ва мазмунига кўра фанга яқинроқ. У ўз таркибига илмий маълумотлардан ташкири фандаги айrim мунозарали масалаларни ечишга каратилган турлича қарашларни, ҳақиқатни топишида мұваффакиятли є мұваффакиятш изланишларни хам ўзида ифода қиласди. Шу билан бир каторда илмий изланишлар методологиясини, усулларини хам яратади. Биология ўқитиш методикаси ўқув фани талабаларни назарий ва амалий жиҳатидан тайёрлаш жараёнида факат мактаб биология курсининг тузилишини баён этиш чекланмайди, умумий ўрта ва ўрта маҳсус қасб - хунар мұассасаларида биология бўйича ўқитишнинг ташкири этишини ўзига хос томонлари билан хам таниширади, биология ўқитиш усуллари, воситаларни кўллаш бўйича кўнкима малакаларни шакллантиришга хамда ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган минимал билимлар мажмусини талаблар томонидан ўзлаштиришга имкон беради. Шу билан биргаликда замонавий педагогик, ахборот технологияларни кўллаш, биология ўқитишда инновациян ёвдашиш кўнкималарни хосил қиласди.

Билимни текшириш учун саволлар.

1. Биология ўқитиш методикасининг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

2. Биология ўқитиш методикасининг ўқув фани билан фани орасида кавдай тафовутлар мавжуд?

3. Биология ўқитиш методикаси фан сифатида нималарни тадқик қиласди?

4. Биология ўқитиш методикаси ўқув фани сифатида кандай вазифаларни бажаради?

5. Биология ўқитиш методикаси билан педагогика фани ўртасида кандай боғланишлар бор?

6. Биология ўқитиш методикаси билан психология фани ўртасида кандай боғланишлар бор?

7. Биологоп фани билан биология ўқитиш методикаси орасвдаги тафовутни ёритиб беринг.

2-мавзу . Биологик таълимнинг роли.

Режа:

1. Биологик таълим ютуклари.
2. Биологик таълимнинг политехник роли.
3. Биологик таълимнинг тарбиявий роли.

Асосий тушунча ва таянч сўзлар.

Биология фаннда эришилган ютуклар. Биология фани ютукларини бошқа фанларга боғликлиги. Бионика, космик биология, биологиянинг тибиёт, агрономиядаги ва политехник роли.

Биологик таълимнинг роли инсоният хаётида катта ахамиятга эга. Биология ўқитувчи биологик билимларнинг хар бир инсон хаёти ва меҳнатидаги ролини чукур англаши, бунга ишонч хосил килиши лозим, бу шундай ишончни ўқувчиларда тарбиялаш учун зарурдир. Мактабда ўқитувчининг муваффакиятли иш олиб боришининг биринчи шарти ана шудир, чунки тарбияловчи таълим жараёни ишончга асосланади.

Биология ўқитувчисининг қасби, ўқувчиларга нега хар бир одам биологияни ўрганиш зарурлигани сингдириши учун юқори савидаги бним ва мустаҳкам ирфани талал этади.

ЙСХ-XXI асрда фан ва техника ривожланиб кетди, натижада инсоният ўзи яшаётган мухит билан қарама-каршиликка дуч келмоқда, мухит унинг соғлигига ва хаётига хавф солмоқда. Сабаби ишлаб чиқариш ва транспорт чиқиндилари, ўрмонларни камайиши, аzon қаватида тешиклар хосил бўлишвдир.

Бутун дунёда табиатни муҳофаза килиш, унинг ресурсларини қайта тиклаш ва улардан унумли фойдаланиш, барча инсоният оддиди турган мухим вазифалардан бўлиб келмоқда. Хар бир киши, давлат ва бутун инсоният учун биологик билимларнинг кенг ёйилиши ва ахамияти мисли кўрилмаган даражада ошди.

Биология фанининг ютуклари ишончли тарзда инсоният янги асрга - биология асрига кириб борганилиги ҳакида далолат бермоқда.

Биология фанининг ютуклари кўп жиҳатидан табиий фанлар физика, химия, математика, астрономия соҳасида эрёшилган ютуклардан фойдаланиш натижасида юз бермоқда. Бу фарларнинг ютуклари ва методлари асосида электрон микроскопия, спектроскопия, рентгеноструктура таҳлиши, ҳужайранинг молекуляр субмолекуляр даражада ўрганиши имконини беради. Биохимия ва биофизика методлари асосида тажрибалар ўтказиш натижоида моддалар алмашиниши айниқса оксил биосинтезининг механизми очиб берилди, фотосинтез сирлари очиди. Ирсиятнинг моддий асоси ДНК ва РНК структураси, функцияси аён бўлади, аминокислоталарнинг генетик коди очиб берилди.

Олимларнинг диккат эътибори хаёт ходисал-тичининг моҳиятини аниқдашга, моддалар алмашиниши, ирсият ва ўзгарувчанликни бошқаришнинг турли усулларини ишлаб чиқаришга каратилган.

Ҳужайра ва унинг органоидларида борадиган кўп жараёнларининг физик-кимёвий ва биологик моҳиятини очиб берган фан ютуклари хаётий жараёилари ооришига актив аралашиши имкониятларини бермоқда. Биология фанининг

ютукпари медицина олдига рак, вирус, юрак, кон-томир ва бошка касалликларни даволаш каби вазифаларини кўймокда ва бу хасталиклар астасекинлик билан ўз давосини топмокда.

Хозирги вактда тирик организмларни тузилиши ва унда борадиган жараёнларга асосланган техника фани - кибернетика асосида табиёт фанларида янга йўналиш - ботаника вужудга келди, бу биологияни физика ва техника билан боғлайдиган фандир.

Бионика организмларнинг морфологик ва функционал мосланишларини мухандислик масалаларини ечиш доирасида аниқдайди ва тахлил килди. Масалан, сезги органлари жуда кичик бўлган ҳашоратлар, тез ва кўп харакатланиб энергияни кам сарфлаши, тез таъсирланиши, танловчанлиги ва ўз-ўзини бошқара олиши кабилар олимлар фикрини жалб этади ва техникага кўллаш усуслари ҳақдага фикрларни тұғдирди. Хозирги вактда жуда кўп курилмалар хайвонот ва ўсимлик оламининг тузилишига асосланган ҳадса ишлаб чиқдиган.

Ҳаётий жараёнларни бошқаришда физиологик фаол моддаларни роли ниҳоятда ортиб бормокда. Шунинг учун биологлар биологик фаол моддалар гормонлар, витаминлар, антибиотиклар, оксиллар хосил қиласидаган микроорганизм штаммларини яратиб ген ва ҳужайра мухандислиги усусларини кўллаб инсоният учун зарур бўлган моддаларни синтез килиб олмокда. Бунга мисол килиб хозирги вактда ичак таёқчаси бактерияси генотипига инсулин синтезини бошқарувчи ген киритиш орқали инсулинни синтез килиш йўлга кўйилган. Бу жараёнлар биотехнологияда кенг кўлланимокда.

Хозирги вактда инсоният, замонавий генетика ва биотехнология ютукларига таяниб, хоссалари олдиндан маълум бўлган микроорганизмларни штаммларини яратадиган бўлади. Микроорганизмлардан ва хайвонлар учун зарур бўлган витаминлар, антибиотиклар ва бошка гормонлари ишлаб чиқарадилар. Бу биопрепаратларни саноат усулида ишлаб чиқиш йўлга кўйилиб, хайвонлар озуксига кўшиб берилмокда. Микроорганизмлар ёрдамида хайвонлар маҳсулдорлигини ошириш, ўсимликларни ўзиш ва ривожланишини тезлаштириш, хосилни ҳамда ўсимликларни касалликларга чицамлигини ошириш усуслари йўлга кўйилган. Ген инженерияси усуслари кўлланиб кўсак куртига чидалмиғ ғўза ва колардо кўнгизига чиаамли картошка нави этиширилган.

Биология фанининг янги соҳаси-космик биология хозирги вактда вужудга кеяган. Ундан коинотдага ҳаётнинг шакллари, тарқалиши ва унинг ҳусусиятлари кандай, ўзга сайёralарда ҳаёт нишоналари бор ёки йўқдиги ҳақвадага оламшумул саволларга жавоб кутилмокда. Биология фани эришган ютукларини ишлаб чиқариши жорий килинган сари одамлар учун биологик таълим професионал тайёргарлик элементи бўлиб колади. Умумий техника тараққёти билан бирга уларнинг ижтисодларига бўлган талаблари ҳам ошмоқда. Улар агрономия ва зоотехника билимларини эгаллаш тоят зарурлигини сезмокдалар ва эгалломоксалар,

Шувдан кўриниб турибдики, ўрта мактабда биология таълими политехник характерга эга бўлмоғи ва у ёш авлоднинг ижтимоий фойдали ҳамда унумли меҳнатдага иштироки билан боғланиши лозим. Бу алока фермер ҳўжаликларида, кўкаламзорлаштиришда, янга фойдали казилмаларни, ўсимликларни кидириб топишда, доривор ўсимликлар тўплашда ва бошка ижтимоий фовдали ишларда амалга оширилади. Бу назарий билимларни

чукурлаштиришга ёрдам килади ва табиат, кишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ мактаб ўқувчиларига касб танлашларига имкон беради.

Биологияни ўрганиш меҳнатга муҳаббат ва хурматни, меҳнатни инсониятнинг барча моддий ва маънавий бойликларининг манбаи сифатида эътироф этишини тарбиялаш учун кенг имкониятлар беради. Мактабда биология курсини ўрганишпи тўғри йўлга кўйилганда у мактабни тамомдаб чиккандан кейин ҳам мустакил равишда маълумот олиш йўли билан билимларни тинмай янгилаш бориши эхтиёжини тұғдирди ва ривожлантиради.

Хозирги замон кишиси ҳаётининг тирик табиат тўғрисидаги илмий билимлариз тасаввур этиб бўлмайди, чунки унинг ҳаёти ўсимликлар ва хайвонот олами билан бутқул боғланган, Лекин ўсимликлар - Ерда органик хом ашё ва энергия олиш манбасидир. Хайвонот дунёси ўз навбагида турли хил озикковат ва саноат хом ашёсининг манбаи бўлиб хизмат килади. Табиий бойликлардан мохирона фойдаланиш ва уларни кўпайтириш ҳалқ ва давлат фарононлигини юкорига кўтариш учун хизмат килади,

Тўғри йўлга кўйилган биологик таълим, илмий дунёкарашни тарбиялашга имкон беради. Ўқувчотар, биологик таълим олатуриб, табиат фактлари ва ходисаларини ўзаро боғланишда, харакат, ўзгариш ва риожланыш холатида тушуниша ўрганадилар.

Биологик таълим кўп жихатдан ёш авлодни эстетик тарбиялашга ёрдам беради. Ажойиб манзара ёш руҳнинг ривожланишига шу қадар улкан даражада тарбиявий таъсир кўрсатадики, педагогнинг таъсири у билан тенгглаша олмайди. Биологияни ўрганишда эстетик тарбияга барча ўқув тарбия жараёнининг узвий кисми сифатида каралади. Илмий вдрок килиш эстетик қабул килиш ва хиссиятларни ўз ичига олади.

Биологик таълим инсоннинг калби ва аклига ижобий таъсир килиш учун хамма имкониятларга эгадир. Табиатни идрок килиш у билан якинрек танишаётган кишига жуда катта ҳузур баҳш этади. Табиат воситалари билан эстетик тарбия бериш ёш авлоднинг умумий эстетик тарбиясига кўмаклашади.

Табиатни севиш - катта ва мураккаб түгоудир. У юксак калб ва акд доираларини камраб олади ва одамнинг онгли маънавий ҳаётининг асосий томонини ташкил этади. Бу туйғу кўп жихатдан ватанпарварлик хисларига мос келади. Жонажон табиатта бўлган муҳаббат билан бирга ёш авлодга жонажон ўлқага, жонажон мамлакатга кўйилган меҳр ўсади. У бевосита болаликда, мактаб йилларида түгилади. Улганиш ва етуклик меҳру муҳаббатни хис этиб олишга олиб келади ва уни мустаҳкамлайди. Биологик таълим бутун ёш авюндот табиатта тўғри муносабатда бўлишга олиб келади: унга нисбатан таъсирчан муҳаббатни тарбиялади, габиатнинг чиройини идрок этишидан ташкири уни муҳофаза килиш, асраш, табиат бойликларини ўз кўллари билан яратиш ва кўпайтиришга ўргатади. Буларнинг барчасига биологик қонуниятларни чукур ва онгли равишида ўзлаштиргандагина эришиш мумкин.

Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1.Нима учун ҳар бир кишига биологик билимлар керак?

2.Ўқувчиларни тарбиялашда биологик таълимни кандай аҳамияти бор?

3.Нима учун биология фанини ишлаб чиқарувчи кучларнинг бири деб аташ мумкин?

3.Мавзу: Шарқ уйғониш даврида таълим ва тарбия масалалари.

Реже:

1. Уйғониш даври.
2. Абу наср Фаробийнинг таълим-тарбия ҳақиқати қарашлари.
3. Абу Райхон Берунийнинг таълим-тарбия ҳақиқати қарашлари.
4. Ибн Синонинг таълим-тарбия ҳақиқати қарашлари.

Асосий түшүнчө ва таянч сұзлар.

УП-ХН асрлар давомында Марказий Осиёда маданият, илм-фен бекиёс ривожланған борди. Айниңса аниқ фанларга кілзиқишилар кескін орта бошлады. Уша тарихий даврда ал-Хоразмий, Фаробий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино каби олимлар дүнёға келди. Улар таъоирида дүнёвий илмлар ривожланды. Уша улут мутафаккирлар инсон мадданий-мәтирифий қарашларини ўстиришда ўз даврда ва кейинчалик хам асосий роль йўнайдилар, инсон камолотига доир бекиёс таълимотни яратадилар.

Бу даврда араб тили илмий ва алока тили эди. X аср ўрталарига кеяиб, форс-тожик тильтіда хам иш юритила бошланды. Бу даврда Бухорода китоб дўконларида бўлиб, унда йирик олимлар ва фозил кишилар учрашиб, илм-фен тўгрисида турли хил баҳслар юритишар эди. Абу Али Ибн Сино китоб дўкондаридан бирвда Фаробийнинг Аристотель «метафизика» сига ёзган шархларини сотиб олганлиги фикримизнинг ёрkin исботкодири.

XI асрда Хоразмда илм-фен айниңса ривожланды. Хоразм шохи Маймун ўз саройига энг забардаст олимларни таклиф этади. У ташкил этган «Байтул хаким», «Донишмандлар уйи» да комусий олимлар Беруний, Ибн Сино, Абу Наср ибн Ирок каби олимлар ижод билан шуғулландилар. Бу кейинчалик «Маймун» академияси номи билан дүнёга машхур бўлган.

Шарқ «Уйғониш даври» да илм-фен ривожланиши уч йўналишида бўлди.

Биринчи йўналиш математика-тибиёт йўналиши бўлиб, буларга математика, астрономия, кимё, география, минералогия, тибиёт, доришунослик каби фанлар киритилиб, ал-Хоразмий, Ахмад Фаробийлар математикага оид, Закариё ар-Розий, Кимё ва тибиётга оид ибн Сино тибиёт ва фалсафа, Беруний тибиётга оид, Журжоний тибиёт ва фалсафага оид йирик асарлар яратдилар.

Иккинчи йўналиш ижтимоий-фалсафий йўналиш бўлиб, бунда фалсафа, тарих, мантрик, руҳшунослик, нотикдик ва бошқа фанлар бўлиб, бу соҳада Фаробий, ал-Киҳий, Ибн Сино, Мухаммад Наршахий кабилар фаолият кўрсатган. Юқорида айтиб ўтилган олимлар комусий олимлардир.

Учинчи йўналиш таълимий-ахдокий йўналиш бўлиб, бу соҳада комусий олимлар ўз қарашларини ижтимоий-фалсафий ва илмий асарлари таркибида ёки ахлоқий асарларида баён этганлар. Шарқ Уйғониш даврида инсон муамоси маънавий соҳасидаги асосий масача бўлган. Шунинг учун хам таълим-тарбия масаласига катта эътибор берилган, яратилган асарларда шаркка хос бўлган инсоннинг ахлоқий-руҳий камолотини улуғлаш етакчи ўрин тутган. Мазкур таълимий-ахлоқий асарларда инсоннинг маънавий камолга етиши юксак хулқодоб, илм-фанини эгаллаши асосидагана амалга ошиши мумкин деган фоя илгари суриди. Илмий билимга асосланувчи метод шаклланди, натижада ақлий тарбия олимлар эътиборида бўлди: Хоразмий, Фаробийлар бу методни асосласп беришган буок мутафаккирлар эди. Табиат ва унга боғлиқ таълим тарбияни

ривожлантириш бўйича Фаробий, Беруний, Ибн Синонларнинг қарашлари алоҳида ахамиятга эга. Булар ҳакида қискача тўхтагиб ўтамиз.

Абу Наср Фаробий - ўрта аср шарқининг машхур мутафаккири, қадимги Юнон фалсафасининг Шарқдага энг йирик давомчиси ва тарбиботчисидир. Фаробий қадимги Юнон илмининг чукур билимдони бўлган, унинг Шарқда тарқалиши ва ривожига катта хисса кўшгани туфайли уни - «Шарқ Аристотели» - «Муаллими Соний» - «Иккинчи муаллим» (биринчи муаллим Аристотель) деб атайдилар.

Фаробий таълим - тарбияга бағищланган асарларида таъдим тарбиянинг мухимлига, унда нималарга эътибор бериш зурулиги, таълим-тарбия усуллари ва услуби ҳақида фикр юритади. «Фозил одамлар шаҳри», «Баҳт-соатдатта эришув тўгрисида», «Ақс махнолари» каби асарларида ижтимоий-тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.

Фаробий «Баҳт-саодатта эришув тўгрисида» асарвда билимларни ўрганиш тартиби ҳакида фикр баён этган унинг таъкнуданишича, аввал билиш зарур бўлган илм ўрганилади, бу олам асосяри ҳақдаги илмдир. Уни ўргангач, табиий билимларни, табиий жисмларни тузилиши, шаклини, осмон ҳақиқати билимларни ўрганиш лозим. Увдан сўнг, умуман, жонли табиат ўсимлик ва хайвонлар ҳақиқати илм ўрганилади, дейди.

Фаробий таълим-тарбияга биринчи марта таъриф берган олим саналади. Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбия-назарий фазилатларни, маълум хунарни эгаллаши учун зарур бўлган хуљ нормаларни ва амалий малакаларни ўргатшцир, дейди олим.

Фаробий ўз асарларида ахлоқий фазилатларга тўхталиб ўз фикрларини баён этади. Ахлоқий фазилатлар дегавда билимдонлик, дононлик ва мулоҳазали бўлиш, вижданлилик, камтарлик, кўпчилик маърифатини юкори кўйиш, ҳақиқат, манавий юксакликка интилиш, адолатлилик каби хиолатларни тушунди. Аммо бу хислатларнинг энг мухими ҳар бир инсоннинг билимли, маърифатли бўлишидир. Шунинг учун Фаробий ахлак тушунчасига акт билан узвий bog'iyat холда тафаккурга асосланган аҳдоқ асосида карайди.

Фаробийнинг таълим-тарбия йўллари, усуллари, воситалари ҳақиқати қарашлари хам кимматлидир. У инсвода гўзал фазилатлар иккى йўл - таълим ва тарбия йўли билан хосил килинади. Таълим назарий фазилатларни бирлаштираса, тарбия назарий ва амалий фазилатларни бирлаштиради, дейди. Ҳар иккалasi бирлашса, етуклик намоён бўлади. Фаробий тамимда барча фанларни назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий ахлоқий коидалар, одоб мёэрлари ўрганилади. Касб - хунарга оид малакалар хосил кўлшинади, деб уқтиради.

Фаробий таълим-тарбияда рагбатлантириш, одаънтириш, мажбур этшип методларини илгари сурган. Ҳар иккى усул хам инсоннинг ҳар камол тамойилга етказиши мақсадини кўзлайди. Фаробийнинг таълим-тарбия ҳақиқати қарашлари хозирча ўз ахамиятини саклаб келмокца. Абу Райхон Беруний - жаҳон фанининг тараккиётiga foят улкан хисса кўшган зўр истеъоддод эгаси ва тадқиқотчи эди. Унинг ўлмас илмий асарлари жаҳон фани тараккетида бенижоя юксак ахамиятга моликдир. Берунийнинг йирик асарларига «Минералогия», «Хиндистон», «Геодезия», «Ўтмиш ёдгорликлари», «Сайдана» кабиларни олиш мумкин. Беруний ҳар бир яратган асарининг киши руҳиятига, Кобилиятига мос, уни толиктиримайдиган бўлишига эътибор беради. Беруний ёзади: «Бизнинг максадимиз ўқувчини толиктириб кўймаслиқдир. Ҳадеб бир нарсани ўкий бериш зерикарли бўлади. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир

масалага ўтиб турса, у худди турли-туман боғ-роғларда сайр қылгандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас, бошқа боғ бошланади. Кейин унинг хаммани кўриши ва томоша қилгиси келади». Берунийнинг илмий билимларини эгаллаш йўллари, усуслари ҳакидаги фикрлари қозиги даврда ҳам долзарбдир. Ўқувчига билим беришда:

- ўқувчини зериктираслик;
- билим беришда бир хиг нарсани ёки бир хил фанни ўргатавермаслик;
- узвийлик, изчиллик;
- янги мавзуларни, қизикарли, асосан, кўргазмали баён этиш керак деб утиради.

Билим олишда тушуниб ўрганиш, илмий тадоцикотчининг поклонкка риоя этишига алоҳида зътобор беради, жамиятнинг равнаки маърифатнинг ривожига боғлиқ деган гояни илгари суради.

Абу Райхон Беруний билим олишни ахлокий тарбия билан боғлайди. Зоро, инсвода комилликнинг муҳим мезони юксак ахлоқлиқдир. Беруний инсон ҳар томонлами камолга етиши учун у илмли бўлиши билан бирга меҳнатсевар ва хунар эгаси бўлиши ҳам керак дейди. У инсон камолотида уч нарса муҳимлигини таъквдайди. Бу ҳозирги давр педагогикасида ҳам ётироф киувчи ирсият, мухит, тарбиядир. Майдум бир даврда инсон камолотига ирсият, мухитнинг таъсирини инкор этиб, факат тарбияни тан оладилар. Лекин Беруний ўз замондошлари-Фаробий, Ибн Синолар каби инсон камолотвда ҳар учаласини ҳам муҳим деб хисоблайди. Яни у инсоннинг камолотга етишида илму маърифат, санъат ва амалиёт асосий рол ўйнасада, насл-насад, ижтимоий мухит ва ижтимоий турмуш конуниятлари ҳам катта ахамиятга эта эканлишини таъкидлайди. Беруний назарвда инсон камолга етишнинг энг муҳим омиллари илм-маърифатли бўлиши ва юксак ахлоқлиқдир. Беруний илмий билимга оид, таълим методлари ҳакидаги қарашлари билан таълим назарясида ўзига хос мактаб яратади. Берунийнинг ҳам табиий, ҳам ижтимоий фанларни камраб олган 150 дан ортиқ асари мавжуддир.

Абу Али **Ибн Сино** - бутун мусулмон Шаркнинг улкан қомусий акпи, жаҳон илми ва маданиятигининг энг машҳур намоёвдаларидан биридир. Ибн Сино ўрта аср фанининг турли соҳалари фалсафа, тиббиёт табиатшунослик, бадиий адабиёт бўйича ёзган асарлари билан ўчмас из колдирган, у ўз даврда «Олимлар раиси» унвони билан тақдирланди. Унинг йирик асарларига қуйдагиларни киритиш мумкин «Тиб конунлари», «Аш-Шифо», «Ал-Қонун», «Ан-Нажоқ», «Донишнома» ва бошжалар.

Ибн Сино ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини ижтимоий-фалсафий қарашлари билан боғлиқ холда ифодалаган ва маҳсус рисолаларда талқин кдпган. Шунингдек фанларни тасниф этади. Бунда у биринчи ўринга тиббиёт фанларини қўяди.

Ибн Сино билим олишда болаларни мактабда ўқитиши зарурлигини кайд этар экан, таълимда қўйидаги томонларга риоя килиш зарурлигини таъкидлайди:

- болага билим беришда бирданга китобга банд килиб қўймаолик;
- таълимда енгилдан огарга бориш орқали билим бериш;
- ўқитишида жамоа бўлиб мактабда ўқитишига эътибор бериш;
- бишшам беришда болаларнинг қизикиши ва қобилиятини хисобга олиш;
- ўқитишини жисмоний машқдар билан қўшиб олиб бориш;

Бу талаблар ҳозирги давр тамойилларига ҳам мос келиши билан кимматлайдир.

Ибн Сино ўқитувчининг қавдай бўлиши кераклига тўғрисида катор фикрларни баён этади. Улар куйвдагалардир:

- болалар билан муомулада босик, жиддий бўлиш;
- берилаётган билимни талабалар қавдай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;
- таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;
- талабанинг хотираси, билимларини эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиши;
- фанга қизиктира олиш;
- берилаётган билимларни энг муҳимларини ажратиб бера олиш;
- билимларни талабларга тушунарли, унинг ёши, аклий даражасига мос равищда бериш;
- ҳар бир сўзнинг болалар хиссиятини уйготиши даражасида бўлишига эришиш зарур, дейди олим.

Ибн Сино таълимотида билишда кайси методлардан фойдаланимасин у оғзаки ифодалаш, тажрибаларини барibir талабада ҳақиқий билим хосил қилиш мустакил, мантикий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, олган билимларини амалиётта тадбик эта олиш қобиштини таркиб топтириш асосий максад бўлган.

Ибн Сино аклий, ахлокий тарбия билан бир каторда инсон камолотвда жисмоний тарбиянинг муҳим аҳамиятини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатидан таҳлил киласди.

Ибн Синогача инсоннинг камолга етишида жисмоний тарбиянинг таъсири ҳакида бизларда бир яхлит таълимот яратилмаган эди.

Жисмоний машқдар, тўғри овқатланиш, уйку, бадани тоза тутиш, тартибиға риоя этиш, инсон соглигани сақлашда муҳим омиллардан эканини ҳам илмий ҳам амалий жиҳатидан асослади.

Хулоса килиб айтганда, Ибн Синонинг таълим-тарбиявий қарашларида инсоннинг ҳам акпий, ҳам аҳдоқий эстетик ҳамда жисмоний томондан ривожланиши унинг камолга етишининг асосий мезони сифатида талқин этилади.

Билимни мустаҳкамлаш учун саволлар.

- 1.Уйғониш даврвда таълим-тарбиянинг ривожига кайси олимлар хисса кўшган?
- 2.ИГНОНІШ даврида табиат фанлари соҳасида кайси олимлар илмий изланишлар олиб борган?
- 3.Ал-Фаробий таълим-тарбия тўғрисидаги қарашлари нималардан иборат:
- 4.Берунийнинг йирик асарларида таълим-тарбия тўғрисида кандай ғоялар илгари сурилган?
- 5.Нима учун Фаробийнинг «Иккинчи муаллим» деб аташган?
- 6.Ибн Синонинг йирик асарларини санаб беринг.
- 7.Ибн Сино асарларида таълим-тарбия ҳақидаги қавдай қарашлар мавжуд?
- 8-Ибн Сино ўқитувчи учун қандай фикрлар берган?

4-мавзу: Туркистон жадидчилик даракатида таълим ва тарбия.

РЕЖА:

1. Жадидлар харакатида таълим ва тарбиянинг ривожлантирилиши.
2. Ўзбекистонда жадидчилик харакати асосида янги усулдага мактабларнинг] очилиши.
3. Ўзбекистондаги асосий жадидчилих харакати намоёндаларининг педагогик карашлари.

Асосий тушунча ва таянч сўзлар.

Жадидчилик, янги усул мактаблари, жадидларнинг илмий карашлари, жадидчилик харакатининг таркалиши, жадвичилик харакатида таълим ва тарбия, Ўзбекистон жадидчилик харакати намоёндаларининг карашлари.

«Жадид» сўзи арабча сўз бўлиб, «янги», «жадидчилик» эса янгалик тарафдорлари деган маънни биддиради. XIX аср охири -XX асрнинг бошларида Туркистонда чор мустамлакачилигининг кучайиши натижасида ўлкада жадидчилик харакатининг вужудга кеяшига сабаб бўди. Жадилаар Миср, Туркия, Кавказ, Туркистон ва бошқа ўлкаларда сиёсий оқим сифатвда юзага кеяди. Жадвилар ўз даврининг энг илгор кишиларидир. Бу кишилар жамиятнинг кайси табакасига мансублигидан катый назар, янгилек, тараккиёт, маърифат ва маданият тарафдори бўлиб чиқдилар.

Туркистонлик жадвилар она Ватанларини мустакил, озод холда кўришни ўзларининг бош максадлари деб билдилар. Миллий озодлик курашида курол кучи билан муваффакият козониб бўлмасди. Шу боис улар миллий истибодга тушшиб колишларининг сабабларини таҳлил қилиб, буларнинг туб илдизлари йўқ қилиб ташлаша лозимлигини англаб етдилар. Натижада жадидларнинг хамма нарсадан олдин хачқка маърифат бериш лозим деган foяси юзага келди. Жадидлар 1906 йилдаёк «Тараккиёт» деб номланган газета нашр эттириб, ўз тоғояларини тарқата бошладилар. Туркистоннинг турии шаҳарларида жадид мактаблари очилиб, уларда диний илмлар билан биргалиқда дунёвий бишмилар жумладан табиат хакидаги билимлар хам тарбиғ килина бошланди. Жадидлар учун илм ва маърифат ягона курол бўлиб, улар шу курол ёрдамвда ўлкада ижтимоий - иктиносидай ва маданий тараккиёт учун курашмокчи бўлдилар. Жадидлар ўз эзгу орзуларини, факат мактаб, маъориф ва таълим тарбияни тўғри ўйла кўйиш, уни ривожлантириш билангана амалга ошириш мумкин, деб билдилар.

Жадидлар маърифати хавфидан гап кетганда дастлаб Қиримлик Исломли Гаспринскийни тилга олиш керак. У Россия мусулмонлари орасида биринчи "мактаби усули жадид" янги усул мактабига" асос оолди. Исломли Гаспринский таклиф этган "Усули жадид" мактабининг тузилиши, дарсларнинг ташкил килиниши, ўқитиши методикаси, назорат турлари кўп жихатдан Европа таълим тизимига яқин бўлган. У мадрасаларни ислоҳ килиш, дунёвий фанларни ўқитиши масалаларини кўтарди. Жумладан, диний фанлар ва араб тили билан бирга тиббиёг, кимё каби фанларни ўрганиш зарурлиги хакида сўз юритади. И.Гаспринский янга усулни тарғаб килиш, жадв мактабларини ташкил эттириш учун турии жойларга сафар кдаади. Туркистонда хам 2 марта бўлиб, маҳаллий халқ ёрдамида, дастлабки янги уеул мактаблари очишига муваффак бўлди.

Жадидлар, энг аввало, ўқитишининг эски усули ярамасиягани, ёшларга замонавий илмларни ўргатиши зарурлигани тушунишлари билан бирга, таълим тизимида она тилини чукурок ўргатиши, она тилидаги дарсларни кўпайтириш, бошқача қилиб айтгаща, ўқув дастурида она тилидаги дарсларни ошириш оркали ўқувчиларни она тилида ўқитиши оркдли ёшларда ватантарварлик, миляттарварлик тунгусини шакллантириш мумкин деган холосага келиш ва бу йўлдага дадил хдракат жадвдиарнинг маърифат соҳасидаги янгача карашлар, аниқрога Концепцияси эди. Аяя шу харакат замонида жадидларнинг педагогик карашлари хам шаклланиб борди. Жадидлар "Тараккиёт" газетасида мактаб дастурига алоҳида эътибор берди. Уларнинг айрим дастурларига кўра, бошланганча мактаб 4-синфдан ташкил топиши керак. Унга 7-ёшдан кичик болалар кабул килинмайди. Дастурда нималар ўқитиши билан бирга мактабнинг ташкилий томонлари хакида хам аник кўрсатмалар бор. Жумладан, йидда тўққиз ой тахсил, уч ой таътил бўлиши хакида, ўқувчиларни мактабга августнинг 15-сидан 1сентябргача кабул килиш, 15 майда имтихон бўлиши хакида карор келтирилган. Дастурда байрамларда бир кун дам олиш бўлиши, мактабда дарслар кетаётгавда мактабга кабул килиш тўхтатилиши тўғрисида карор хам мавжуд.

Жадидларнинг тарбия хакида карашлари хам илор фикрлар билан бойдир. Жадидларнинг тарбия одоб - ахлок, хакдаги фикрлари, асосан қадимдан ислом оламида карор топган карашлар негизида шаклланган. Жадидлар аждодлардан болалар, умуман, инсон тарбиясия мусулмонларга хос диёнатли, саҳоватли, хушахлоқ, хушмуомула бўлиши сингари мухим хислатларни кабул киддилар. Аяя замонда уларнинг педагогик карашлари янга бир тушунча пайдо бўлди. Бу тарбияда мухит, замон, шароитнинг ўрни тўғрисидаги карашлариди. Жадидлар педагогикаси ижтимоий хаёт, унинг таалаблари, энтижёларини хисобга олиш билангича бўлган Шарқ педагогикасидан бир қадам силжиш бўлган эди.

Жадидлар комил инсон - бу, энг замонавий инсондир. Замонавий инсон эса, миллат ва Ватан манфаатини барча нарсадан устун кўювчи, маърифатли, диний ва замонавий илм-фанларни эгаллаган хушахлоқ, тарбияли кишиидир дейди.

Марказий Осиё жадидчилига хакида гап кетганда буни Бехбудий, Мунаввар кори, Шакурий, Фитрат, А.Авлоний каби ўнлаб маърифатпарвар илм даргаларнинг фаолиятисиз тасаввур кдааб бўлмайди, аксинча улар хакида гап кетганда жадидчиликни четгалиб ўтиб бўлмавди:

Махмудхўжа Бехбудий, Туркистонда жадидлар харакати асосчагаравдан бири, жаҳонга машхур бўлган геофафияшунос, атоқли жамоат арбоби, буюк исломшунос, педагог олимидир.

Бехбудийнинг номи Туркистон мактаб маорифида кенг ўрин эшлайди. У биринчи бўлиб ўлкада янгача усуладаги мактабларнинг ташкил этилишини таршботчиларидан ва амалиётчиларидан биридир. Бехбудий "усули жадид" мактабининг конун коидаларини И.Гаспринский ва унинг маколаларидан ўрганади. У "усули жадид" мактаблари учун бир канча дарсияллар эди. "Кискача умумий жўғрофия", "Болалар мактуби", "Ахоли жўғрофиясига кириш", "Россиянинг кискача жўғрофияси", "Амалиёт исломи", "Исломнинг кискача тарихи" ва бошқалар,

Бехбудийнинг янга мактаблар учун ёзган асарлари мактабларнинг исломида катта ходиса бўлди. Айни даврда бу дарсияллар назарий, илмий ва амалий , жихатдан кенг кўлланилади. Бехбудий Туркистонинг келажаги учун янги кадрларида, мутахассисиарида ва ўқимишли ёшларидаги деб билади. Шунинг учун Ҳар бир ёзган маколасида янги тараккиётга жавоб берадиган кадр тарбиялаб этиштириши масаласини кўярди.

Мунаввар кори Абдурашидхон ўғли XX - асрнинг биринчи чорагида факат Туркистовдатда эмас, Россия мусулмони зиёлилари орасвда хам машхур эди. Жамоатчилик уни янги усул мактаблари асосчиси, моҳир муаллим, дарслик ва ўқув китоблари муалифи, жамоат арбоби сифатида хурмат ила тилга оларди.

Мунаввар кори Тошкентда "усули савтия" мактабини очди. У мактабни аввал ўз ховлисида, кейин бошқа жойларда очишга ҳаракат киларади. У мактабни истоҳа қимлай туриб, одамларнинг онгда ўзгариш ясад бўлмаслигани яхши тушуниб етган эди.

Мунаввар кори ёшларни чет элга юбориши, у ерда илм фанни ўрганишини таргид қиласди. У 1916 йили Тошкентда йиғилишида нутқ сўзлаб шундай дейди: "Узбек зиёли болаларининг Германияга бориб ўқитишга жуда мухтожмиз, болалар ўқиб, илм таҳсил олиб келсалар, миллиятта катта хизмат кила оладилар". Мунаввар кори форс, араб, руо, турк тилларини мукаммал бияган. Мунаввар кори 1917 йил май ойвада тараккӣпарвар мусулмон ёшлари ва руҳонийлар иштирокия ўтган курилтайдо "Шўрои исломия" жамдати раисини мувонини этиб сайдланади. Натижада илгор фикрли кишилар унинг атрофидга тўшана бошлайди. У 1918 йил май ойвада Тошкент шаҳрида "Турк ўчоётГ иямий маданий жамияти тузади. У инсоннинг маърифатли бўлиб, кўзи очилмагунча на ўзини, на ҳалқининг эркени мухофаза кила олишини, бу иймониз эканини мугафакирона нозиклик билан ўз асаrlарида ифода этади.

Абдулла Авлоний 1907 йилда Тошкентнинг Миробод махалласида, кейинчалик Дегрез махалласида янги усулдаги мактаблар очди. Ҳадрада "Мактаб кутубхонаси" номли китоб дўкони очди. Авлонийнинг мактаби ўз oddига кўйган максад ва вазифаларида машғулотларни синф - дарс тююми асосида ўз она тилида олиб борилиши билан эски усул мактабларидан фарқ киласди. У ўз мактабида болаларга табиат, география, тарих, адабиёт, тил, хисоб каби фанлардан маълумотлар берар эди. Айникса ўқувчиларни табиат фанлари ўсимликлар, ҳайвонларнинг хилма - хиллиги уларни парвариши килиши усуллари ҳакида маълумотлар берилиши жуда кизиктирган. А.Авлоний мактабларда табиий фанлар ҳам ўз ривожини топган.

А.Авлоний "Усули жадид" мактаблари учун тўрт кисмдан иборат "Адабиёт ёхуд миллый шеърлар", "Биринчи муаллим", "Туркий гулистон ёхуд ахлок", "Иккинчи муаллим", "Мактаб гулистони" каби дарслик ва ўқиши китоблари яратди. Бу асаrlарида дунё ҳалклари асаrlарини улуғлаб, ўз ҳалқини дунёвий имларни эгаллашга, маданиятли ва маърифатли бўлишга чакиради.

А.Авлонийнинг педагогика оид асаrlари ичida "Туркий гулистон ёхуд ахлок" асари XX-аср бошларидаги педагогик фикрларни тараккиётини ўрганиш соҳасида катта аҳамиятта эгадир. Бу асар ахлокий ва таълимий тарбиявий асаrlариди. Ўзбек педагогикаси тарихида А.Авлоний биринчи марта педагогикага таъриф берид "Педагогика бола тарбиясининг фани демавандир" дейди. Авлоний бола тарбиясининг нисбий равишда куйидаги тўрт бўлимга ажратади.

1. Тарбиянинг замони
2. Бадан тарбияси.
3. Фикр тарбияси.
4. Ахлок тарбияси.

Атоний тарбия доирасини кенг маънода тушунади. Уни биргина ахлок билан чегаралаб қўймади. У биринчи навбатда боланинг соғлиги ҳакида ғамхўрлик килиш лозимлигани уқтиради.

Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши аҳдол, илм маърифатга эга бўлиши учун баданни тарбия килиш зарур. «Баданнинг саломат ва кувватли бўлмоги инсонга энг керакия нарсадир. Чунки ўқимок, ўқитмок, ўрганмок ва ўргатмок учун инсонга кучли, касалсиз организм лозимдир».

Болаларда фикрларни тараккиётини ўстириш ва бу тарбия билан мунтазам шутупланиши бениҳоят зарур ва мукаддас бир вазифа. Бинобарин, у муаллимларнинг «диккатларига сунянган, вижданларига юклантган мукаддас бир вазифадир... Негаки фикрнинг куввати, зийнати, кенглиги, муаллимнинг тарбиясига богоикдир».

А.Авлоний илмнинг жамият тараккиётидаги ролини тушунарди. Шунинг учун ёшларни илм сирларини билишга, айникса табиий фаъарни билишга чакиради. Чунки бу фанлар табиатда бўлган ходисаларни мөхиятини ечишга имкон беради. Ёшларни китоб мутоала килишга чакиради. Унинг фикрича, илм агар жамият манфатига хизмат килмаса, калк фаровонлиги йўлида қўлланмаса, у ўлиқдир. А.Авлоний ўз илмини амалда кўллай оладиган кишиларга юксак баҳо беради, уларни доно инсонлар, деб билади.

Абдурауф Фитрат XX-аср бошларида Ватан мустақиллиги ва миллат фаровонлиги учун курашган жадидчилик ҳаракати намоёндалардан бири, у ирик олим, давлат ва сиёsat арбоби, моҳир педагог ва буюк маърифатпарварлардир. Фитрат ўзбек олимлари ичida биринчи бўлиб, ўша даврда профессор унвонига эга бўлган олимдир. Фитрат ўз асаrlарида таълим тарбия ва унинг максаддари мактаб-маориф иЕшари, билим бериш усулларини ва воситалари ҳақвда, маърифатли инсонларни тарбиялаш йўллари ҳакида тўхтатлан. Фитрат ёшларни чет тилларни ўрганишга даъват этган. У мамлакатни ривожланиши учун чет эллар фани, маданиятидан ҳабардор бўлиши лозим деб биларди. У ҳалқ маорифи нозири бўлган даврда таълабаларни Германия, Туркияга у ердага илгор Европа илм-фан, табобат, техника сирларини ўрганиш учун юбориши ташаббускорлардан бири бўлди. Фитрат инсоннинг камолотга етишиш учун бадан тарбия мухим аҳамиятга эга эканligани айтиб, инсоннинг бутун аъзоси саломат ва кувватга эга бўлмаса, ундан инсон узок яшамаслигига кайд қиласди. Болаларнинг илм олиши билан бирга уларнинг бадан тарбиясига аҳамият берилиши лозим. Фитрат болаларнинг соғлом бўлиб, камол топиши ҳақвда гапирад экан, уларни ёшлигидан соғҳо ҳаводан баҳраманд килишни тавсия этади. Фитратнинг ахлокий тарбия ҳақидага фикрлари ҳам мухим аҳамиятта эга. Фитратнинг уқтиришича, болалар сувга ўхшайдилар. Сув кайси рангдаги идишила бўлса, ўша рангда товланган каби болалар ҳам қандай мухитда бўлсалар, ўша мухитнинг ҳар қандай ахлок ва одатни қабул киладилар. Маданиятли миллат бўлиш учун болаларнинг ахлок тарбиясига катта аҳамият бериси кераклиги қайд этади. Фитрат ахлокий тарбияда, аввало, ота-она ва муаялимларнинг ўзлари гўзал ахлокли бўлишлари зарурлигини айтади. Фитрат ватаннинг равнак, топиши учун дунёвий илмларни эгаллашга даъват этади.

Абдуқодир Шакурий жадидлар педагогикасини Абдуқодир Шакурий сиймосисиз тасавур килиш қишин. Чунки у ўз замонасиининг етук олими, маориф фидойиси эди. Шакурий Самарқандца янги усулда биринчи мактабни ташқШ килган кишивдир. Шакурий мактабида аниқ дастур асосвда дунёвий фанлар ҳам ўқитилган .

Таникли олим Жўра Йўлдошев ўзининг «Таълим исқиқоли йўлида» номли китобида Шакурий ишлари ҳакида шундай фикр билдиради «А.Шакурий ўқиши, ўқитиш услубидага янгюшкнинг аҳамияти шундаки, биринчдан у ўша даврда мавжуд бўлган эски ўқитиш усулларини қўлламайди. Иккинчдан мактабда кичик ешдаги ўғил ва киз болаларни бирга ўқитиш услубини жорий килди. Учинчидан,

боловарни она тилисвда ўқитишга кагыйи риоя килди, чет тияларни ўрганишга давват этди. Тўртинчидан, янга усул мактаблари учун жуда содиқ, тушунарли тида дарслослар тузиб, уларни нашр этди. Бешинчидан ўз мактабларига меҳнат ва мусика дарсларини киритди. У ўз ўқувчиликни кишилек хўжалиги ва боғдорчиликка оид ишлар билан танишитирди. Бу машгулутлар учун мактаб дастуридан алоҳида соатлар ажратди». Бу сўзлар Шакурийнинг педагогик фаолиятига берияган энг клска, айни пайтда батафсил таърифдир.

Жадидларнинг таълим-тарбия хакидаги карашлари ва харакатлар натижасвда. Ўрта Осиёда жумладан Ўзбекистонда дунёвий илмлар табиият фанлари, фан техникага, табобатга овд илмларни ривожланишига турткы бўлди. Жадидларнинг таълим-тарбия тўғрисидаги карашлари шу билан характерлики, улар аждодларимизнинг бу борадаги кимматли фикрлари илғор, замонавий карашлар билан уйгунлаширилар. Шу боис уларнинг педагогик карашлари ижтимоий заминга асосланганни билан ҳанузгача ўз аҳамиятини саклаб келмокда.

Билимларни текшириш учун саволлар:

1. Жадидчиларни вужудга келиш сабаби нимада эди?
2. Жадидчиларни дастлаб каерда вужудга келда ва асосчиси ким?
3. Жадидчиларни асосий мақсади нимадан иборат?
4. Жадидчиларнинг таълим ва тарбия хакида кандай карашлари мавжуд?
5. Янги усул мактабларини очилишича кайси олимлар кўп ишлар килдилар?
6. Мунаввар Корининг тамим ва тарбия хакидаги карашлари нимадан иборат?
7. Бехбудий, Шакурий, Фитрат, Авлонийнинг жадидчиларни хакидаги ролини тушунириб беринг?

5-мавзу: Биология ўқитиш методикасининг ривожланиши тарихя.

Режа:

1. Табииётшунослик ўқитиш методикасининг дастлабки даври.
2. Табииётшуносликнинг мактабларда ўқитиш ва унинг методикаси.
3. XX асрда биология ўқитиш методикасининг холати.
4. Ўзбекистонда биология ўқитиш методикаси.

Асосий тушунчапар ва таянч билимлар.

Табииётшунослик ва биология ўқитиш методикаси.
Мактаблардаги табииёт ўкув фанлари.
Мактаблардага биология ўкув фанлари.
Биология ўқитиш методикасига оид дарслар.

1. Табииётшунослик ўқитиш методикасининг дастлабки даври.

Табииётшунослик мактабларга ўкув фани сифатида XVIII аср охирида киритилган. Бу соҳада дастлабки дарсларни В.Ф.Зуев ёзган. Унинг дарслига

"Анорганик табииёт", "Ўсимликлар дунёси", «Хайвонлар дунёси» каби бўлимлардан ташкил топган. Биринчи бўлим тупрок, тошлар, тузлар, ёнили моддалар, тошга айланган организмлар хакидадир. Ўсимликлар дунёси бўлимида эса ўсимликларнинг хужайравий тузилиши, хар хил ўсимликларнинг таснифига оид билимлар берилган. Зоология бўлимида айрим хайвонларни ташкил киёфаси, хаёт кечиришл хикоя килинади.

В.Ф.Зуев дарслигида ўсимликлар, хайвонлар морфологияси, системасидан ташкири экспозицияга оид маълумотлар бор. Дарсликда табииёт, тасвирий кўргазмали куроллардан фойдаланиш хакида кам фикр билдирилган.

XIX асрда нашр килинган А.Ш.Теряев ботаника дарслиги систематиша фанининг асосчиси Карл Линнейнинг "Ботаника фалсафаси" асаридан тўлиқ кўчирилганлиги сабабли ўкувчилар учун тушунарли бўлмади.

Россида 1828-1852 йиллар мобайнида ҳалк таълими соҳасида исяло ўтказилиб табииётшунослик ўкув фани мактаб режасидан олиб ташланди.

Лекин кейинчалик 1853 йишиндан бошшаб мактабларда қайта «габият хакида умумий тушунча», «зоология», «ботаника», «минералогия», «одам анатомияси ва физиологияси» каби фанлар ўқитила бошлавди. Мазкур ўкув фанлар бўйича ёзилган дарсларни хажми ниҳоятда катта бўлиб, ундаги ўкув материаллар жуда мураккаб бўлгани сабабли ўкувчиларда хеч кандай кизикиш уйготмади. Факат В.И.Дачь томонидан ёзилган ботаника дарслиги экология ва табиатни муҳофаза килиш бўйича бой маълумотга эта бўлгани учун у гушунарли бўлиб ўкувчиларда шу фанга нисбатан қизикиш уйгота одди.

2. Табииётшуносликни мактабларда ўқитилиши ва унинг методикаси.

XIX асрнинг иккичи ярмига кетиб Ч.Дарвиннинг органик олам эволюцияси тўғрисидага таълимоти эъян кўлгандан кейин олимлардан А.Н.Бекетов, К.А.Тимириязев мактаб табииётшунослик ўкув фанини асосий вазифаси ўкувчиларнинг мантикий тафаккурни ривожлантириш ва тарбиялашдан иборат эканлигани зътироф этдилар.

А.Н.Бекетов ўкувчиларнинг мустакил равишда мантикий тафаккурини ривожланишида табииётшунослик мухим аҳамиятта эта эканлигини кайд килади. У табииётшуносликни ўқитишига кўргазма куроллардан кенг фойдаланиши, тажрибалар олиб бориш ниҳоятда мухим эканлигини таъкидлайди. А.Н.Бекетовнинг ўқитиш соҳасидаги фикрлари кўп жиҳатдан немис табииётшунос педагоги Август Любен (1804-1873) карашларини эслатади. Табииётшуносликта багашланган унинг дарслигида бу фанинг тарбияий аҳамияти, хусусан, ўкувчилар олиб борадиган иустасиқ ишларда, экскурсияларда уларни тадқикот ишлар ўтказиш кўнгилмаларини хосил этиш лозимлиги таъкидланади. А.Любен методи бўйича ўкувчилар аввало органик оламнинг алоҳида вакиллари билан маҳаллий обьектлар мисолида танишишлари керак. Бунда иложи борича габий ўсимликлар, хайвонлар билан бошка холатларда эса уларнинг яхши ишланган тасвиirlари билан машгул олиб бориш лозимлиги уқтирилади. Ўсувлар ўқитувчи таклиф этган режа асосида мустакил ўкув материалларини ўрганишлари бунда оддийдан мураккаб, маълумдан номалум томон йўналиш яъни индуктив метод асосий ўрин эгаллаши керак. Бирор мактабларда кўргазмали воситапарнинг камлига А.Любеннинг илғор методик кўрсатмаларини жорий этишга тўскинилк килди.

Бундан ташкири А.Любен дарслигида диккат эътибор факат ўсимликлар морфологияси ва систематикасига каратилганлиги табиийти педагогик жамоатчиликни каноатлантирумас эди. Бу эса ўз навбатида табииётшуносликнинг

мазмунига мос бўлган янги педагогак муаммоларни хал зтиш зарурлигини кўрсатарди.

Табииётшунос педагог А.Я.Герднинг (1841-1888) фаолияти ана шу муаммоларни хал этишга қаратилди.

А.Я.Герд фикрича Любен табииётшунослигининг энг катта камчилиги унинг мазмунини замон талабларига мос эмаслигидир.

АЛ.Герд XIX асрнинг табииётшуносликнинг йирик методисти саналади. Унши" кайд этишича мактаб табииётшуносликнинг асосий мақсади ўкувчиларга ривожлантирувчи билим беришдан хамда билим олишдаги уларнинг мустакилигини тарафкӣ этдиришдан иборатдир.

АЛ.Герд фаолиятида дарсларда тажрибаларни намойиш килиш, экскурсиялар ўтказиш, амалий маш'улотлар олиб бориш мухим ўрин тутади. Олимнинг кайд этишича, табииётшуносликнинг ўқитишидан кўзланган вазифа организмларнинг хилма-хиллиги билан танишириш, уларнинг хаёти ёруғлик, харорат, намлиқ, хаво тупроқка ва бошқад организмларга боғликлигани туспунтириши, табиатдаги сабаб билан оқибатнинг ўзаро боишкпигини идрок этивдан иборат бўлмоғи керак.

А.Я.Герд Дарвин томонидан асосланган эволюцион назария таъсирида бўлган ва ўз дарсликлирига эволюцион принципни жорий этган. У мактаб табииётшунослик курси: 1. Анорганик дунё; 2.Ўсимликлар дунёси; 3. «Хайвонот дунёси», «Одам», «Ер тарихи» каби ўкув фанларидан тузилган бўлиши керак деб таъквадайди.

А.Я.Герд фаолияти туфайли табииётшуносликни ўқитиши методикаси педагогпсих алоҳида илмий шахобаси сифатида эътироф этила бошади.

3.XX асрда биология ўқитиши методикасининг холати.

XX асрдага биология ўқитиши методикасига В.В.Половцов катта хисса кўшиди. У 1907 йили "Табийётшуносликнинг умумий методика асослари" китобини нашр килиб, унда методикага оид билимлар системасини ёритди. Половцов дарсликга киритилган ўкув материал мазмуни биринчидан шакл билан функциянинг бирлигага, иккинчидан ўсимлик ва хайвонлар хаёти уларнинг яшатган мухтаб билан боғлиқ холда ўрганилишига, учинчидан бой биологик маълумот берадиган организмларни ўрганишга асосланиши кераклигани таъкидлайди. Бу жараёнда олим амалий машнулотлар, экскурсиялар нюхоятда мухим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтади. В.В.Половцов биринчи маротаба фан билан ўкув фани орасидага ўҳашашлик ва тафовутни очиб беради ва бу соҳада тадқикот ишлар олиб бориш лозимлигини таъкидлайди. Табииётшунослик методикаси тарихида В.В.Половцов экологик билимларни тарғиб қилган олим сифатида юкори баҳоландади.

1917 йилдан бошлаб табииётшунослик фани биология фани деб атала бошланди.

Бу даврда Москва ва Петербург методистлари биология ўқитиши савиясини ошириш, унинг таълим ва тарбиявий аҳамиятини очиб беришга харакат килдилар. 1920-1930 йиллар мобайнида биология ўқитишининг асосий муаммоси бўлиб назария ва амалиётнинг бирлигини жорий этиши хисобланади. Буни амалга ошириш учун билимлар ва кўнникмалар яъни ўкув магериали ўкув фанларга таксимланмай, балки йил фаслларини эътиборга олиб долзарб мавзуларга, масалан «Табиат», «Қишлоқ билан шаҳарнинг боғликлига», «Ердаги каёт ва хаётий жараёнларнинг физик-химик аюслари», «Экиш ва ўсимликларни парваришлаш» каби мавзуларга таксимланган эди. Бундай комплекс дастурлар

табиий равишда ўкувчиларга системали билим бера олмас эди, шунга кўра ўкув материалини лаборатория методи асосица ўрганиш тарғиб килина бошланди. Натижада ўкувчилар синф дарслари ўрнига табиатни кузатиш, тажриба ўтказиши билан шуғулана бошладилар. Лаборатория методи ўкув дастурининг асосий мақсади меҳнат, табиаг ва жамият комплексни ўрганишдан иборат бўлган. Бу комплекс ўкув дастурлари мактабларда ўқитиладиган ўкув фанлари орасидаги тўсикни бартараф килишга қаратилган эди. Лекин бундай комплекс ўкув дастурлари ўкувчиларга системачи билимлар бера олмаслиги тезда маълум бўлиб колди. Шунинг учун 1931 йилдан бошлаб хукumat карори билан бошлангич ва ўрта мактаб ислоҳ килинди ва таълим беришнинг асосий ташкилий шакли дарс бўлиши лозимлиги ўқтирилди. Шу пайтдан бошлаб мактабларда ботаника, зоология, одам анатомияси, дарвинизм ўкув фанлари мактаб режасига киритилди ва ана шу ўкув фанлар бўйича ўкув дастурлари ва дарсликлари яратилди, хамда мактаб хаётига жорий этилди.

Бирок, 1964 йилга кадар мактаб дарсликлирадиги билимлар биология фанининг 1930-40 йилларидаги ривожланниш холатини ёритиб кевди. Ваҳоланки дидактиканинг илмийлик принципига кўра мактаб ўкув фанлари ўз мазмунига кўра фаннинг кейинги ютукларини ўзида ифода килиши лозим эди. Россия ва Ўзбекистонда чиқарилган биология дарсликарининг биология фани ютукларидан орқада колгандигага асосий сабаб шуки 1935-65 йиллар мобайнида биология фанида қаттиқ гоявий кураш давом этди. Академик Т.Д.Лисенко бошлиқ бир гурух олимлар чет мамлакатларда кўлга киригилган фан ютукларини тан олмадилар ва уларни буржуза олимларининг кашифиётлари, уяр гоявий жиҳатдан бизнинг дунёкарашларимизга зид деган баҳона билан биология фанининг сўнгти ютукларини дарслик саҳифаларидан ўрин олишига тўсқинлик килдилар. Факат 1964 йил октябрь ойвада академик Лисенко шахсиятга сиганиш барбод бўлганидан кейин мактабдага барча биологик дастур ва ботаника, зоология, одам анатомияси, физиологияси, умумий биология дарсликлири мазмунига генетика, экология, цигология, биохимия, молекуляр биология ва шу каби фанларнинг сўнгти ютуклари киритилди. Янги дарслик билан бирга уларнинг ўқитиши методикасига оид кўлланмалар хам нашр килинди.

Булар категорига проф. П.И.Боровицкий таҳрири оствда чиккан "Биология ўқитиши методикаси" М.1962, проф.Б.В.Всесвягийнинг Биологишининг умумий ўқитиши методикаси" М.1960, Н.М.Верзилин ва В.М.Корсунскаяларнинг "Биология ўқитишининг умумий методикаси" М.1983, проф. И.Н.Понамарёва таҳрири остида нашр килинган "Биология ўқитишининг умумий методикаси" М.2003 кабиларни киритиш мумкин.

4.Ўзбекистонда биология ўқитиши методикаси.

Республикамизда биология ўқитиши методикасига оид тадқиқотлар XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Ўзбекистонда сабиқ Иттифоқ марказида нашр килинган дарсликлар жорий этилгани ва ундан кўпгина ўкув материаллар нотаниш бўлгани сабабли, ўкувчиларнинг билим даражаси паст эди. Шу сабабли Республика методист олимларининг эътибори мактаб ботаника, зоология, умумий бисяюгая дарслирида маҳаллий материаллардан фойдаланиш муаммосини счишга қаратилди. (Е.М.Бельская, А.Е.Сухарев, А.Т.Фофуров). Шу билан бир вактда ботаник, зоологик билимларни мактаб тажриба ер участкасида ва тирик бурҷактида олиб борилаётган амалий ишлар билан боғлаш масалалари тадқик килинди (М.Жабборов, Т.Исхаков, Х.Шокиров).

1961 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти (хозирги пед. университет)да "Биология ўқитиши методикаси" кафедраси ташкил

килинди. Мазкур кафедрани ташкил этилганлиги бир томондан юкори малакали методист олимларни тайёрлашга, иккинчи томондан биологаяни ўқитишдаги тури мавзулар бўйича илмий тадқикот ишларни олиб бориша имкон яратди.

Биология ўқитиш методикаси кафедраси фақат Ўзбекистон учун эмас, балки кардош Қозогистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон реепубликалари учун хам 15 дан ортиқ юкори малакага методист олимлар-фан номзодлари этишириб берди. Методист олимлардан И.А.Норбеков, М.Махкамов, А.Т.Фоуров ботаника, зоология фанидан ўтказиладиган экскурсияларнинг хиллари, уларни ўтказиш методикаси, унда ўқувчилар томонидан олиб бориладиган кузатишлар, тажрибаларни хал килдилар.

Мактаб ботаника курсини ўқитишга бўлган дидактик талаблар, ботаника дарсларвда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш масалалари Е.М.Бельскаянинг "Ботаника дидактикаси" кўлланмаоидаги ўз ифодасини топди. М.Ортиков эса ўзининг мактабларда ўтказган тажрибаларига асосланниб, биология дарсларвда экран воситалари (ўкув фильмилар, диафильмлар, диапозитивлардан) фойдаланиш ўқувчиларда биологик ўкув материалини ўзлаштиришга бўлган кизиқишини ортиришига, уларнинг бюшмини мустахкам бўлишида алоҳида ахамиятга эга эканлигини ишботлаб берди. Ж.Толипова дарсларни хилма хиллаштириш, ноанъанавий дарслар (семинар, конференция, муаммоли мунозарали) ўтказиш ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда, мустакиллигини ривожлантиришда, пухта билим эгаллашларида катта роль ўйнашини кўрсатиб берди. Мактабдаги бишшмлар тушунчалардан ташкил топган. 1950 йиллардан бошлаб Н.М.Верзилин бошлиқ, бир гурӯх рус методистлари хусусий биологик тушунчаларни тадқик килдилар. Улардан фарқида равишда 1970 йилдан бошлаб А.Т.Фоуров умумибиологик тушунчаларни, хусусан, "хужайра", "моддалар ва энергия алмашинуви", "ирсият ва ўзгарувчаник", "органик олам эволюцияси" каби тушунчаларни ўқувчилар кандай ўзлаштириши хакида кузатиш, тажриба ишларини олиб борди ва бу соҳада "умумий биологик тушунчаларни шакллантириши" деган мавзуда ўкув методик кўлланма яратди. Одам анатомияси ва физиологияси ўкув фани бўйича лаборатория машғулотларни олиб бориши тўғрисида А.М.Кодировнинг ўкув кўлланмаси мактаблар хаётида кенг кўлланилмоқда. Махаллий материалларга асосланган холда синфдан ташкари машғулотларни кандай шаклда мазмунда ўтказиш кераклиги А.Т.Фоуров, С.К.Хабироваларнинг кўлланмасида ёритилган. Кўлланмада айрим ўкувчилар, ўқувчилар гурухи хамда оммавий равишида ташкил этиладиган синфдан ташкари машғулотларнинг хиллари, уларнинг мазмуни ва ўзаро боғликлиги мактабларда ўтказилган педагогик тажрибалар асосида очиб берилган. Кейинги пайтларда экологик мувозанатнинг бузилиши оқибатига сув, хаво, тупроқ турли чикиндила билан ифлосланиши ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ўсимликлар ва хайвонотлар, одамлар хаётига хавф солмоқда. Шу ўринда мактабларда олиб бориладиган экологик таълимтарбияга нихоятда ахамият бериш зарурлигини кўрсатади. Мазкур масаланинг долзарблигани ўтиборга олиб А.Т.Фоуров, О.Н.Носиров мактабларда ўқитувчилар билан хамкорликда ўтказилган тажрибаларга асосланниб "Мактаб биология курсида табиат муҳофазаси тушунчасини шакллантириш", М.Нишинбоева "Мактабда экологик таълим-тарбияни амалга ошириш" каби кўлланмаларни чон этдилар.

Мактаб биология курсини ўқитишсан максад ўкувчиларни факат билимлар билан эмас, шу билан бир каторда уларда ўкув кўнимка ва малакаларни хосил килишдан иборат. Бу соҳада лаборатория машғулотларни олиб бориш нихоятда

муҳим саналади. Шуни ўтиборга олган холда А.М.Кодиров "Одам физиологиясидан лаборатория машғулотлар", А.М.Кодиров, К.Хайдаров "Биология ўқитиш методикасидан лаборатория машғулотлари" каби кўлланмаларни нашр этдилар.

Мустакиллик йилларida республика методистларининг диккат ўтибори ўкувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш масаласига каратилди. Бу ўринда биологиядан ноанъанавий дарслар ўтказишга (хамкорликда ўқитиш коғиференаия дарслари модули таълим ва х) каратилди. (Ж.Толипова, А.Т.Фоуров).

Республикаму методистлари биологиянинг факат умумий ўқитиш методикаси билан эмас, балки хусусий методикаси билан хам шуғулана бошладилар, (Ж.Толипова ва бошқалар)

Мактаб биология курсвда чет тишардан олинган кўпгина атамалар мавжуд. Мазкур атамаларнинг туб маъносини билиш биологик билимларни оягли ўзлаштиришга яқиндан кўмак беради. Ўзбек биолог олимлари ботаник, физиологик, биологик атамаларнинг изоҳи лугатини тузишга муваффак бўлдилар. (М.Набиев, Ш.Курбанов, А.Зикиряев, С.С.Файзулаев). Мазкур изоҳи лугатлардан фойдаланиш ўқувчилар билимини онгли бўлишида ижобий натижка бериши мукаррардир.

Билимни назорат килиш учун савол ва топшириклар.

1. В.Ф.Зуев асарида биология ўқитишнинг қандай масалалари хал килинган.
2. А.Я.Гердинг биология ўқитиш методикасидаги хизматлари нималардан иборат.
3. Асрнинг 20-30 йилларида мактабларда биология ўқитиш қандай усуспарда ва шаклларда амала оширилган.
4. Нима сабабдан ўтган асрнинг 30-65 йилларида мактаб биология дарсликдариниња холати фан ривожидан оркада қолди.
5. Ўзбекистоқда биология ўқитиш методикаси кайси вактдан бошлаб ривожланган.
6. Республикада нашр килинган биология ўқитиш методикасига оид қандай кўлланмаларни биласиз.
7. Е.М.Бельская, А.Т.Фоуровларнинг биология ўқитиш методикасига Кўшган хиссаларини ёритиб беринг.

Мустакил бажариш учун топшириклар.

1. Биология бўйича таълим стандартлари билан танишинг ва унда бисшогак билимлар қандай йўналишларда берилганлигини аникданг.
2. Мактаб биология ўкув дастури билан танишинг ва унинг асосий компонентларини беягиланг.

6- МАВЗУ. БИОЛОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ЯХЛITILIЛГИ, ЎҚИТИШ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ҚОНУНИЯТЛАРИ.

Режа:

1. Замонавий таълим-гарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий ва узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўрсатиш принциплари.
3. Ўқитиши принциплари ва крнуниятлари.
4. Биологик таълим жараёнининг яхлитлилги.

Ўзбекистон Республикасининг мустакилликка эришиши, жаҳон ҳамжамиятига юз тутиши, ривожланган мамлакатлар билан иктисадий, маданий-маърифий, дипломатик алокаларнинг йўлга кўйилиши барча жабхалар каби таълим тизимини ислоҳ килишни талаб этди.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конунида таълим мамлакатимизнинг ижтимоий тараккӣт соҳасида устувор йўналиш деб эълон килинган.

Мазкур хужжатда мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари этиб, кўйидагилар қайд этилган:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, деиократик характерда эканлиги;
- таълим узлуксизлиги ва изчиллиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлига;
- давлат таълим стацдартлари доирасвда таълим олишнинг ҳамма учун очикдига;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табакалаштирилган ёндошув;
- билимли бўлиш ва истеъоддни раббатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини ўйғулаштириш;

Маълумки, мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари узвий равииада узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўрсатиш принципларига бевосита таъсир кўйидаги ва уларни такозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимини тубдан ислоҳ килиш, замон талаблари асосида кайта куриш, узлуксиз таълим тизимининг турлари, таълим муассасалари олдидаги вазифалар, кадрлар тайёрлаш миллий модеяни амалиётга ютб ўз; этиш масалалари билан бир каторда узлуксиз таълим тизимининг кўйидаги фаолият кўрсатиш принциплари кайд этилган.

1. Таълимнинг устуворлиги - таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этилиши ва ривожлантиришиб жамиятимиздаги устувор йўналиш саналади. Таълимнинг устуворлиги юксак маънавиятли, билимли ва салоҳиятли баркамол шахснинг шаклланисига замин яратади.
2. Таълимнинг демократлашви - таълим ва тарбия услубларини танлашда, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқарышда устоз ва таҳсил олувчининг ҳамкоригага асосланади.
3. Таълимнинг инсонпарварлашви - инсон қобилиятларини тўлиқ очилиши ва билим олишга бўлган эҳтиёжларнинг кондирилиши, миллий ва умуминсоний қадриялар устуворлиганинг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-мухитнинг ўзаро муносабатларини ўйғулаштиришга асосланади.
4. Таълимнинг ижтимоийлашви - таълим олувчиларда онгли интизом, инсоний кадр - киммат туйғуси, юксак маънавият, ижтимоий нормаларга

асосланган хулк-атвор, эстетик бой дунёкараш, мантикий ва ижодий фикрлашни таркиб топтириш назарда тутилади.

5. Таълимнинг миллий йўналтирилганлиги - таълимнинг миллий тарихимиз, ҳалк анъаналари ва урф-одатлари билан узвий ўйғуллиги, Ўзбекистон ҳалқдарининг маданиятини саклаб колиши ва бойитиши, таълимни миллий тараккӣтнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиши, бошқа ҳалқларнинг тарихи ва маданиятини хурматлашни таъминлайди.
6. Таълим ва тарбиянинг узвий боғликлари хар томонлама камол топган инсонни шакллантириши назарда тутади.
7. Иктидорли ёшларни аниклиша - таълим жараёнини дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштириш, иктидорли ёшларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишида фундаментал ва маҳсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратишни кўзда тутади.

Республикамиздаги олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг муваффакияти узлуксиз таълим тизимининг барча турларида таълим-тарбия жараённи ташкил этиладиган ўқитиши принциплари таълим ооҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари ва узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўрсатиш принципларига канчалик мос келиши ва уларни амалиётта жорий этишга сафарбар этилганлигига боғлиқ.

Маълумки, ўқитиши принциплари - ўқитиши тизимининг тузилиши, моҳияти, унинг конунлари ва конуниятлари ҳакидаги, шунингдек, фаолиятни ташкил этадиган, амалиётни бошкаршида намоён бўладиган билимлар мажмуси саналади.

Республикамиздага ижтимоий-иктисадий, маънавий-маърифий ўзгаришлар биологик таълим жараёнинда илмийлик, системалик, фундаменталлик, изчиллик, кўргазмалик, онглилик, мустакиллик, ижтимоий-иктисадий ривожланишининг методологик принципи, назарияни амалиёт билан боғлаш, самарадорлик, тушунардлилик, мантикий кетма-кетлик, узвийлик, таълимни дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштириш, индивидуал ва гурухларда ўқитиши ўйғулаштириш, ўқигиши максади, мазмуни, воситалари ва шаклларининг ижтимоий муҳитга боғлиқлиги, ўқитиши максади, воситалари ва натижалар бирлиги, баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш принципи билан бир каторда, таълимни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш каби принципларга хам амал килиниши зарурлигини кўрсатди.

Таълимни дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштириш эса ўқитиши жараёнинда ивидивидуал ва гурухли ёндашиши принципини талаб этади.

**ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ПРИНЦИПЛАРИ ҲАМДА ЎҚИТИШ ПРИНЦИПЛАРИ ЎРТАСИДАГИ
УЗВИЙЛИК**

1-жадвал

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ДАВлат СИЕСАТИНИНГ АСЕСИЙ ПРИНЦИПОГАРИ (сайланма)	УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ ПРИНЦИПЛАРИ	ЎҚИТИШ ПРИНЦИПЛАРИ
1. Таълим тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлига Таълимнинг узлуксизиги ва изчиллига Таълим тизимининг дунёвий характердалиги Таълим дастурини танлашга ягона ва табакалаштирилган ёндашув Билимли бўлишини ва истебодни рағбатлантириш	таълимни демократлашуви, таълимнинг инсонпарварлашуви, таълимнинг устуворлити, таълимнинг ижтимоийлашуви, миълий йўнантирилганлиги, таълим тарбиянинг узвий беклилиги, иктеворли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юкори даражасида, изчил равишда фундаментал ва маҳсус' билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш	таълим жараенини демократлашириш ва инсонпарварлашириш, ижмийлик, систематикик, фундаменталик, Кўргазмалик, самарадорлик, тушунарлилик, онглилик, мустакиллик, назария билан амалиётнинг бирлиги, мантиқий кетма-кетлик, узвийлик, ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг методологик принципи, таълимни диференци&члаштириш ва индивидуаллаштириш, индивидуаллаштириш ва гурӯхларда ўқитишини йўғунлаштириш, ўқитиши мазмuni, воситалари ва шаклларининг ижтимоий муҳитга боғлиқлиги, ўқитиши мазмuni, воситалари ва натижалар бирлиги, баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш принципи
2.		
3.		
4.		
5.		

Ўқитиши приодиплари негазвода ўқитиши конунлари ва конуниятлари ётади. Ўқитиши конунлари ва конуниятлари ўқитиши привидипининг назарий асосларини ишлаб чиқишига ва педагогик фаолият амалиётига кўллашга замин тайёрлади.

Шуни қайд этиш лозимки, ўқитиши конунлари ва конуниятлари узлуксиз таълим тизимининг оддига кўйилган давлат ва ижтимоий буюртмалар, жамиятнинг ижтимоий хаётидаги маънавий-маърифий ўзгаришлар, таълим-тарбия жараёнининг максади ва вазифалари, фаннинг ривожланиш даражасига бевосига боғлик ходда ўзгариб, яшиланиб туради.

Ўқитиши принциплари аввало муайян давлатнинг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўрсатиш принциплари, сўнгра таълим тизими олдиаги буюртмаларига мос келяши, шунингдек, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий, иктиносидий, сиёсий, хукукий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ўзида акс эттириб янгилашиб, ўзгариб, ривожланиб, ўзгача ахамият касб этадиган жараёндир.

Ўқитиши принциплари биологияни ўқитишининг максади ва вазифаларига боғлик ходда таълим-тарбия жараёнининг йўналиши ва педагогик фаолиятнинг мазмунини белглайди.

Ўқитиши принципи - дидактик категория бўлиб, у таълим-тарбия жараёнининг максади ва вазифаларига боғлик ходда ўқитиши конунлари ва конуниятларининг амалиётига кўлланиши усулини белгилайди.

Агар ўқитиши принциплари ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг хамкорликда ўқитиши максадларига эришиш йўналишини беяпноаса, ўқитиши конунлари педагогик жараённинг характеристерини ўзида акс эттиради.

Барча жабхаларда конунларнинг максади ва истиқболдаги кўзланган натижаси бўлгани каби ўқитиши конунлари хам методика фанийнинг мантиқий таркибий кисми саналиб, педагогик жараённинг объектив, ташки, ички, муайян ва нисбий боғланишларини акс эттириб, таълим-тарбия жараённинг мазмуну, методлари, воситалари ва шаклларининг узвийлигини, мазкур жараённинг илмий асосда ташкил этилиши ва бошкадриши, олинажак натижалар ва самарадорликни ортириш ўйларини белглайди.

Республикамизда таълим жараёнини ислоҳ килиш ва узлуксиз таълим тизимини жорий этишнинг илмий назарий асоси саналғаи Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг таълим соҳасини тубдан ислоҳ килиш, уни ўтмишдан колган мағкуравий карашлар ва сарқитлардан тўла холос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий таябларга жавоб беруву юкори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратиш каби максадини амалга ошириш ўйлуди, шунингдек, узлуксиз таълим тизими олдивдага давлат ва ижтимоий буюртмалари, ўқитиши принциплари хисобга олинган ходда биологияни ўқитишида кўйилага ўқитиши конуниятларини педаҳхзик амалиётига кўллаш максадга мувофик деб топилди.

1. Ўқитиши максади, мазмуни, воситалари ва шаклларининг ижтимоий мухитта боғлиқдиги конуни. Мазкур конуният таълим-тарбия жараённинг таркибий кисмларини танлаш ва шакллантириша жамиятдаги ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий ўзгаришлар, ижтимоий муносабатларнинг таъсирини ўзида акс эттиради. Мазкур конуният таълум олувчиларда юксак маънавияти, маданияти ва ижодий фикрларни шакллантиришга имкон беради. Кейинги йилларда юкорида кайд этилган фикрлар, ўқитиши максади ва вазифалари хисобга олинган ходда биологик таълим мазмуни янгиланди, таълим тизими жамиятда амалга оширилаётган янгилини, ривожланган демократик хукукий давлат курилиши жараёнларига мосланди. Ўкув фанлари бўйича давлат таълим ставдартлари, ўкув дастурлари, дарслеклар ва ўкув-методик кўзланманларнинг янги авлоди яратилди. Кадрлар тайёрлаш дастурда ўкув жараёнини илгор педагогик технологиялар билан таъминлаш мухим вазифалардан бири этиб беяшланган. Шуни назарда тутган ходда, биологияни ўқитишида педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиши ўйлари ишиш чиқилиши зарур.

2. Тарбияловчи ва ривожлантирувчи таълим конунияти шахснинг таҳсил олиш жараёни, билим, фаолият усулларини ўзлаштириши учуннинг ривожланишига ва шахсий сифатларининг шаклланишига асосланади. Ушбу конуният хар

томонлама камол топган инсонни шакллантиришга имкон беради. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модеяила шахс мухим ўрин тутади ва узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс, фукарони шахллантириш назарда тутила ЕШ. Ўқтубучи биологияни ўқитишида таълим-тарбиянинг узвийлигини таъминлаши, ўрганилаётган мавзу мазмунига боғлик холда ўкувчилариинг маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик, экологик, эстетик, иктиносидий, хукукий, жисмоний, жинсий, меҳнат ва байналминал тарбиясини амалга ошириши лозим.

3. Таълим-тарбия жараёнининг таҳсил олувчиларнинг фаолияти характеристига боғликлиги конуни. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиши усули ва олинажак натижа, педагогик бошқариш ва таҳсил олувчиларнинг фаоллигини ортириш ўргасидага узвий боғлиқдикни акс эттиради.

Мазкур конун Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларя асосида таълим-тарбия жараёнига илгор педагогик технологияларни кўллаш, шу асосда замонавий ўкув-услубий мажмуаяарни яратиш ва ўкув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаши, ўкувчиларнинг кобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишида таълимта табакалаштирилган ёвдашувни жорий этиши, ўкувчиларни ўз ўкув-билиш фаолиятининг тўла конли субъектига айлантириши кўзда тутади. Биологияни ўқитишида ўқтубучи ўкувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштирадиган технологиялар, жумладан, дидактик ўйин, муаммоли, модули таълим, ҳамкорликда ўқитиши, лойихалаш ва ахборот технологияларидан фойдаланган холда самарадорликни оширишга эришиши лозим.

4. Ўкув фаолиятини индивидуаллаштириш ва гурухли ўқитишини ташкил этиши бирлига ва ўзаро боғликлиги конуни. Ўқитиши жараёнининг мақсади ва вазифасига мувофиқ таҳсил олувчиларнинг барчаси, шу жумладан ҳар бир шахснинг таҳсил олишга бўлган эҳтиёжини қондириш, кизиқишини ортиришга асосланади. Бу конуниятни биологияни ўқитиши жараёнини табакалаштириш асосида иктидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг эҳтиёжи ва кизиқишига яраша билим олишларига имкон яратади. Шунингдек, биологияни ўқитишида ўқитишини индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштириш, шахсга йўналтирилган технологияларни кўллаш заруратини кеятириб чиқаради.

5. Ўқитишида назария, ва амалиётнинг бирлиги ва узвий боғликлиги конуни. Таҳсил олувчиларнинг ўқитиши жараённида билимлар, тушунчалар, ғоялар, назарияларни онгли ва мустахкам ўзлаштиришига эришиш, уларни амалиётда кўллаш кўнникларини шакллантиришга асосланади. Ушбу конуниятни фан, техника, ишлаб чиқариш ва амалий тажрибаларнинг ўкув жараённи билан интеграциясиш, ўйғунилганни амалга оширишга имкон беради. Мазкур конун Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий - сиёсий хаётда мустакил равишида мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истикбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишига кодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш каби вазифаларни амалга оширишни назарда тутади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун биологияни ўқитишида ўкув дастуридан ўрин олган лаборатория, аматай машғулотлар ва экспериментларни ўз ўрнида самарави маданиятига кўллаш, амалий ва ўкув меҳнати кўнникмапарини таркиб топтиришга эътиборни карашиб лозим.

6. Педагогик жараён бирлиги ва яхлитлиги конуни. Педагогик жараёнининг яхлит ва таркибий қисмлари ўргасидаги узвий боғланишларни, шунингдек,

таълим жараёнининг мазмуни, воситалари, методлари, шакллари, ўқитувчи ва ўқтубучи фаолиятининг ўқитиши мақсадлари билан ўйғун равишида боғликлигини таъминлаяди.


Юкоридаги фикрлар хисобга олинган холда ўқитиши жараённи давлат ва ижтимоий буюртмаларга мувофиқ мақсадларни, таълим мазмунни, педагогик мулокот воситалари (ўқтиши воситалари, методлари ва шакллари), ўқитувчи ва ўкувчилар фаолияти шакллари, ўкув-билиш жараёнини ташкил этиши ва назорат килишни ўз ичига олади. (2- жадвалга кадранг.)

Узлуксиз таълим тизими олдидағи давлат буюртмалари куйвдагалардан иборат:

- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиши;
- ўқишини, мустакил билим олицига индивидуаллаштириш хамда дистацион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;
- янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ходда талабаларни ўқитишини жадаллаштириш;
- халкнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш;
- Узлуксиз таълим тизими олдидағи ижтимоий буюртмаларга куйидагиларни келтириш мумкин;
- миллий мустакиллик принциплари ва халкнинг бой интеллектуал мероси хамда умумбашарий қадриятлар устуворлига асоссва таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш;
- таълим беришнинг барча даражаларида таълим олувчиларни хукукий, иктиносидий, экологик ва санитария-гигиеник таълими хамда тарбиясини тақомиллаштириш;
- ўкувчи-ёшлар онги ва қалбига миллий истиқяол мағкурасини сингдириш, таълим муассасаларида мағкуравий тарбияни бутунги кун даражасига кўтариш;
- педагог кадрларнинг мағкура борасидаги билимларини чукурлаштириш кабиларни олиш мумкин.

Давлат ва ижтимоий буюртмалар асосида биологик таълим мазмуни белгиланади, таълим мазмунининг янгилашини ўқитиши воситачари, методлари, шаклларининг янгилашини талаб этади.

Юкорида қайд этилган буюртмалар асосида биологик таълим мазмуни ўзгаришида. Бу эса ўз навбатида ўкувчиларнинг ўкув мотивлари, билиш фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Биологиядан ДТС, дастур, дарслклар



таҳиали, ўқитувчи ва ўкувчиларнинг фаолштини ташкил этиш, бошқариш масалалари, таълим мазмунининг таркибий кисмлари ва уларни шакллантириш йўллари хаквда кейинга мавзууларда батафсил фикр юритилади.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ САВОЛЛАРИ

1. Замонавий таълим-тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятларини аникданг.
2. Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принципларини аникданг.
3. Узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўрсатиш принципларини кўрсатинг.
4. Биологик таълимда қўлланиладиган ўқлтиш принципини аникланг.

5. Биологияни ўқитишда фойдаланиладиган қонуниятлар ва уларнинг моҳиятини аникянг.

6. Узлуксиз таълим тизими олдидағи давлат буюртмадарини аникданг.

7. Узлуксиз таълим тизими олдидаға ижтимоий буюртмаларни аникданг.

8. Биологик таълимнинг яхлитлилигини исботланг.

Асосий тушунча ва таяяч атамалар

Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари, узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўрсатиш принциплари, ўқитиш принципи ва конуниятлари, давлат ва ижтимоий буюртмалар, биологик таълимнинг яхлитлилига.

7-Мавзу: Биологаядан давлат таълим стандарти ва ўкув дастури.

Режа:

1. Таълим стандарти хакица умумий тушунча.
2. Биологая таълим стандартининг таркибий клсмлари.
3. Ўкув дастури хакида тушунча.
4. Биология ўкув дастурининг тузилиши.

Асосий тушунчалар ва таянч билимлар.

Стандарт атамаси.

Таълим стандарти.

Биологая таълим стандарти.

Ўкув дастури.

Биология ўкув дастури.

1. Таълим стандарти хакида умумий тушунча

1997 йили Республика Олий Мажлисининг IX сессиясида таълим тўғрисида иккинчи маротаба конуи кабул килинди, ҳамда узок муддатга мўлжалланган кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чикилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш уч боскичдан иборат бўлиб, унинг биринчи боскичи умумий ўрта ва ўрта маҳсус қасб -хунар таълимнинг давлат стандартини ишлаб чикиш, ҳар бир ўкув фани бўйича ўкув дастурларини, уларга асосласни дарслкларини яратишга бағишланди-1997-1998 йилларда умумий ўрта таълимнинг давлат таадим стандарти ва ўкув дастурлари ишлаб чикилиб, республиканинг барча вилоятлардаги мактабларнинг тажриба-синов майдончаларида синовдан ўтказилди. Ўқитувчилар, методиотлар, ҳалқ таълими ходимларининг кенг муҳокамасидан ўтқадан сўнг умумий ўрта таълим, давлат таълим ставдари ҳамда барча ўкув фанлар бўйича ўкув дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 август карори билан тасдиклавди. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва биология ўкув дастури «Таълим тараккиёт» журналининг 1999 йил 3-март сонида кўп нусхада нашр килиниб, республиканинг барча мактаблари, ҳалқ таълими бўлимларига юборилди ва у кенг жамоатчиликка, ота-оналарга, ўкувчиларга маълум клипнди.

Стандарт сўз инглизча бўлиб, нусха, ўлчам, меъёр деган маъноларни англатади. Шу сабабли ҳам умумий ўрта таълимнинг давлат таълим

стандартини асосий ковдаларидан «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти» ўқувчиларнинг умумтаълим тайёргарлигага, савиасига кўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради, деб таъкидланган.

2.Биология таълим стандартининг таркибий қисмлари,

Биология таълим стандарти биология таълимининг максад ва вазифаларини ёритишдан бошланади. Биология таълимнинг бош максади ўкувчи шахснинг тарбиялашди иборат. Биологая таълим стандартида биология таълимнинг асосий вазифалари атрофлама ёритиб берилган.

Хозирги даврда ҳаётнинг тузилиш даражалари молекула, хужайра, организм, популяция - тур, биогеоценоз, биосфера кўярнянида бўлишилиги эътироф килинади. Ҳаёт тузилишини ана шу даражалари орасида организм даражаси марказий ўрвуда туради. Бир томондан у ҳаёт тузилишининг кўйи даражаяри бўлмиш молекула, хужайра даражасини ўзда мужассамлаторса, иккинчи томондан организмнинг ўзи ҳаёт тузилишининг юкори даражаси бўлмиш популяция - тур, биогеоденоз, биосфера даражалар таркибига киришини эътиборга олиб биология таълим ставдартининг таълим йўналишларидан биринчи қшагб «Организм биологик система» олинган.

Давлат таълим стандартини ишашиб чиқшваги асосий прици Еларидан бири «давлат таълим стандартини давлат, жамият, талабларига, шахс эҳтиёжига мослиге» дир. Мъалумки, кейинги йилларда жамият аъзоларида экологик билимларнинг етишмаслиги оқибаттуда сув, тупрок, хавони ифлосланиши, ўсимлик, хайвон турларини камайиши рўй бермоқда. Экологик мувозанатни бузилиши хатто одамлар хаётига ҳам хавф тугдирмокца. Бундай шароитда ёшларни экологик бишгамлар билан куроллантириш, табиий ресурсларга оқилона ёвдоши, ўсимлик, хайвон турларини асрар, тупрок шўрланиши, эрозиясига карши курашиш, сув, хаво, тупрок тозалалигини саклаш тадбирлари билан таништириш нихоятда долзарб саналади. Шуни эътиборга олиб биология таълим стандартида таълим мазмунининг иккинчи йўналиши сифатида «экологик системалар» олинган.

Кейинга йилларда динга эркинлик берилиши муносабати билан айrim шахслар дунёвий билимларнинг жамият ривожланишидаги ролини инкор этиб, ёшларга факат диний билим бериш тарафдори бўлмоқдалар. Улар органик оламдаги тарихий жараённи, ўсимликлар, хайвонлар, одамлар миллион йиллар мобайнида ўзгартганлигини тан олмаяодилар. Шунинг учун жамиятнинг хозирга ривожланишида ёшларга диний одоб-ахлоқ нормаларини сингдириш билан органик оламнинг тарихи ривожланиши тўғрисидаги билимларни бериш, улarda табиат ва жамият тараққиётини тўғри тушунишга имкон яратади. Шу сабабли ҳам, биология таълим стандартидаги ўқувчиларга бериладиган билимлар мажмуасинининг учинчи йўналиши «Органик олам эволюсиси» деб номланган. Юкорида кайд килинган уч таълим йўналиши бўйича биология таълим стандартида ўқувчilar ўзлаштириши лозим бўлган мажбурий минимал билимлар мажмуаси кеятирилган.

Биология таълим стандартида билимнинг минимал талабларини ўқувчилар кандай ўзлаштирганлигани аниқлаш масадида ҳар бир ўкув фанида тест топшириклар борилган.

3.Ўкув дастури ҳақида тушунча

Мактабларда ўқитилган ҳар бир ўкув фанининг мазмуни ўқувчилар билиши лозим бўлган билимлар, ўзлаштириши керак бўлган ўкув кўнімлар, малакалар йигандисини ифода килувчи хужжат - ўкув дастури хисобланади, Унда ўкув фанини ўқитишдан масада, вазифалар, ўқувчилар

ўзлаштириш керак бўлган билимлар, кўнімлар комгшекси ўз ифодасини топади.

4.Биология ўқув дастурининг тузилиши.

Биология курсининг ўкув дастурини бошида ўқитириш хати берилган. Унда биология курсининг қандай фан эканлиги, у қандай ўкув фанлардан ташкш топганлига ана шу ўкув фанлар мазмундага ўзгаришлар кискача баён этилган. Хусусан ботаника У-Ү1 синфларда, зоология VII синфда одам ва унинг саломатлиги VIII синфда, умумий биология ўкув фани IX-XI синфда ўқитилиши кайд килинган.

Биология курсининг ўқитишига оид методик кўрсатмаларда «дарсда ва синфдан ташкари машғулотларда далиллар, ходисалар билан чехланмай, асосий ғоялар, тушунчаларнинг ўқувчилар томонидан пухта ва онгли ўзлаштирилишига эътиборни қаратиш лозимлиги кайд килинган. Биология ўқитишида асосий ғоялар бўлиб «Органик олам эволюсиси», «Тирик табиат тузилишининг турли даражалари», «Орган тузилиши билан функциясининг ўзаро боғликлига», «Биологик системаларнинг табиий мухит билан боғликлига», ўз-ўзини бошқариши», «Назария билан амалиётнинг ўзаро бошқлиги» хисобланади. Асосий тушунчалар катори ўкув дастурига «Эволюцион», «Цитолопж», «Экологпж» тушунчалар киритилган.

Ўкув дастуридан кўзланган яна бир максад таълим билан тарбиянинг уйғунлигини амалга оширишдан иборат. Биология ўқитишида ўқитиладиган мавзулар мазмуни билан узвий богаик холда, ўқувчиларнинг ахлокий, ватанпарварлик, эстетик, экологик, гагиеник, иктисадий ва жинсий тарбиясига ахамият бериш лозимлиги таъкидланган.

Ўкув дастурининг методик тавсияларида яна биологиянинг муаммоли мавзуларни ўқитишида хур фикрлик анъаналарига риоя килиш лозимлиги, ҳар бир дунёкарашининг ўзига хос ижобий томонлари, камгчиликлари ўқувчилар онгига етказилиши керашиб айтиб ўтилган.

Биологиж ўкув мавзуларга ўқувчиларнинг кизиқувчанлигини ошириш учун табиий-тасвирий, динамик, схематик кўргазмали ва аудио, видео воситалардан таълим бериш жараённида самарали фойдаланиш ва ўқувчилар фаоллаштириш ҳамча мустакил билан олишини ташкил этиш масадида фаоллаштирувчи методларидан замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан кенг фойдаланиш тавсия этилган.

Ўкув дастурининг методик тавсияларида назария билан амалиётни боғлаш учун масалалар ечишига ҳам эътибор қаратилган. Шунингдек ўқувчиларнинг билимларини, кўнімларини баҳолашща рейтинг усувлдан фойдаланиш тўғрисида ҳам маълумот берилган.

Ўкув дастурида ботаника ўкув фани учун 102 соат вакт ажратилганлиги ва у У-Ү1 синфда зоология ўкув фанига 68 соат вакт ажратилганлиги ва у VII-синфда ўқитилиши, одам ва унинг саломатлигига 68 соат вакт ажратайланлиги ва у УШ-синфда ўқитилиши ва нихоят, IX-XI синфларда умумий биология ўқитилиши таъкидланади.

Ўкув дастурида ҳар бир ўкув фани бўйича ўқитиладиган асосий мавзулар мазмуми, уларни ўтиш учун керакли жихозлар кеятирилган. Ўкув дастурида ана шу мавзуларнинг қандай дарс типларидан фойланниб ўқитиши кераклиги Ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Бунда оддий дарслардан ташкари кайси мавзулар бўйича лаборатория машғулотларвда амалий ишлаб экспурсиялар ташкил этиш кўзда тутилган. Масалан, мактаб ботаника ўкув дастур бўлимида гулли ўсимликлар билан умумий танишиш, хужайра, илдиз, поя,

барг, ўсимликларнинг вегетатив кўпайиши, гул, мевалар, уруғлар, ўсимлик яхлит организм, ўсимликларнинг асосий бўлимлари, гулли ўсимликларнинг асосий оиласлари, ўсимликлар копшами, манзарали ўсимликлар, Ерда ўсимликлар дунёсининг пайдо бўлиши каби асосий мавзулар ўтилади.

Зоология ўкув фанида эса хайвонот дунёси тўғрисида умумий маълумот, содда хайвонлар, ковакичиллар, ясси чувалчанглар, юматоқ чуватланглар, халкалди чуватчангяар, моллиоскалар, бўғимоёқчишлар, хордали хайвонлар, тубан хордалилар, баликдар, сувда ва курукда яшовчилар, судралиб юрувчилар, кушлар, суг эмизувчилар, Ерда хайвонот дунёсининг пайдо бўлиши ва ривожланиши каби мавзулар ўтилади.

Одам ва унинг саломатлиги ўкув фанида эса кириш, одам организмининг умумий обзори, таянчхаракатланиш системаси, кон, коннинг айланниш системаи, нафас олиш системаси, овқат хазм килиш системаси, моддалар ва энергия алмашинуви, айриши системаси - ички секреция безлари, нерв системаси, олий нерв фаолияти, сезги органлари, одам организмининг кўпайиши ва ривожланиши, одамнинг пайдо бўлиши каби мавзулар диккат марказида бўлади.

Умумий биологая ўкув фанида кириш, органик оламнинг-турли туманлиги, цигология асослари, хаётӣ жараёнларнинг кимёвий асослари, организмларнинг кўпайиши ва индивидуал ривожланиши, генетика ва селекция асослари, генетик инженерия ва биотехнология, эволюцион таълимот, эволюция далиллари, органик оламнинг пайдо бўлиши ва ривожлашиб, экология асослари, биосфера ва унинг эволюцияси каби мавзуларни ўтиш кўзда тутилган.

Ўкув дастури ҳар бир мавзуни ўтиш учун соатлар ажратилган, жиҳозлар, дарс шакиллари кўрсатилган. Ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳоратини оширишни максад килиб, ҳар бир ўкув фани сўнгидаги ўқитувчилар учун илмий ва методик адабиётлар рўйхати келтирилган.

Билимни текшириш учун саволлар ва тест топшириклар:

- 1.Таълим стандартининг лугавий маъноси нимани биддиради;
 2. Биология бўйича умумий ўрта таълим давлат ставдарида ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган таълим кандай йўналишларда берилган;
 - 3.Биология ўкув дастурида методик тавсиялар неча банддан иборат;
 - 4.Мактаб биология курси кандай ўкув фанлардан ташкил топган;
- Тест топшириклар:

Мактаб ботаника ўкув фани учун неча соат вакт ажратилган?

A - 68 B - 102 C - 34 D - 54 E - 64

2.Мактаб зоология ўкув фани учун неча соат вакт берилган?
(1-топширик)

3.Одам ва унинг саломатлиги ўкув фани учун канча соат вакт кўрсатилган?
(1-топширик)

4.Мактаб ботаника ўкув фанида мавзулар тубакчаги изчиликда берилган
А гулли ўсимликлар билан умумий танишиш, хужайра, илдиз, поя барг ва бошқалар

В кириш, хужайра, илдиз, барг, поя ва бошқалар

С хужайра, илдиз, барг, поя, ўсимликларнинг вегетатив кўпайиши

Д гулли ўсимликлар билан умумий танишиш, илдиз, поя, барг, гул ва бошқалар

Е хужайра, илдиз, барг, поя, гул ва бошқалар

8-мавзу. Биология дарсларининг таҳлили.

Режа:

- Б.Мактаб дарслиги хақида умумий тушунча.
2.Мактаб дарслигига кўйилган асосий талаблар.
3.Мактаб ботаника дарслигининг мазмуни ва тузилиши.
4.Мактаб зоология дарслигининг мазмуни ва тузилиши.
5.Одам ва унинг саломатлиги дарслигининг мазмуни, тузилиши.
6.Мактаб умумий биология дарслигининг мазмуни ва тузилиши.

Асосий тушунча ва таянч билимлар.

Дарслик ва ўкув кўлланма.

Дарсларнинг вазифаси.

Дарслик структураои.

Жиҳозлар.

Мактаб ботаника, зоология, одам ва унинг саломатлига, умумий биология дарсларини.

1.Мактаб дарслиги қакида умумий тушунча.

Мактаб биология курсини ўқитишида кўлланиладиган воситалар орасида дарсларнинг алоқида ўрин тутиди. Дарслик ўкувчиларнинг мустакил билим олишини асосий манбай хисобланади. Ҳар бир дарслик ўкув кўлланмадан фарқли равишда ўкув дастури асосида ёзилади. Ўқитишининг максади ва вазифаларига, ўкувчиларнинг ёш хусусиятларига, тайёргарлик даражасига қараб дарслик хажми ва билимлар системаси белгиланади.

2.Мактаб дарслигига кўйилган асосий талаблар.

Биринчидан, мактаб дарслиги илмий бўлиши, яъни фаннинг ривожланишини, сўнги ютукларини ўзва ифода этмоғи;

Иккинчидан, у ўкувчилар учун тушунарли, яъни уларяяиг ёшига, тайёргарлик даражасига мос бўлиши;

Учинчидан, дарслик ўкувчи учун қизиқарли бўлиши, унда ҳар бир мавзуга мос ранган расмлар, схемалар, жадваллар, кўшимча қизиқарли маълумотлар, топшириклар, саволлар ўрин олмоғи;

Тўртинчидан, дарслик ўкувчиларнинг мустакил билим олишига, ижодий ривожланишига, мантикий тафаккурини ўстиришга қаратилган бўлиши;

Бешинчидан, дарслик миллий истикодол мағкурасини ўкувчилар онигига сингдириш учун йўналтирилган бўлиши;

Олтинчидан, дарслик маҳаллий шароитда кенг тар卡尔ган ўсимликлар, хайвонлар, одамларнинг ташкии ва ички тузилиши, хаёт фаолияти ёритиши;

Еттинчидан, даролик ўкувчи саломатлигени сакдашга қаратилиши;

Саккизинчидан, табиатни муҳофаза килиш, табиият ресурслардан тежаб терраб фойдаланишга ўкувчиларни ўргатишга қаратилиши керак.

3.Мактаб ботаника дарслигининг мазмуни ва тузилиши.

Хозирга вактда республикамиз мактабларида ботаника 5-6-синфларда ўқитилади. Унинг асосий максади ўсимликлар дунёсининг хилма-хил вакиллари, уларнинг ташкл, ички тузилиши, хаёт фаолияти, табиат ва инсон хаётидаги туттаган ўрни билан ўкувчиларни танишитиришдан иборат.

5- синфда 34 соат, 6- синфда 68 соат хажмда ўкувчиларга ботаник билимларни бериш кўзда тутилган. Мактабларда кўлланилаётган 5- синф ботаника дарслиги 95 сахифадан иборат бўлиб, 64 рангли расмлар билан безатилган. У 6 бобдан, 34 параграфдан ташкил топган. Дарслик мукаддимасида асосий эътибор ботаника сўзининг луғавий маъноси, мазкур фаннинг шахобчалари, Ер юзидағи ва Ўзбекистондаги ўсимлик турларини сони, уларнинг табигат ва инсон хаётидаги аҳамияти хаквда маълумотлар ёритилган. Шундан кейин ўкувчилар ўсимлик хужайраси, илдиз, поя, барг, ўсимликнинг вегетатив кўпайиши хакида маълумот оладилар. Дарслик сўнгидага гербарий тайёрлаш ва дарсликка кирган ўсимликлар рўйхати илова тарзида келтирилган. Хар бир параграфида таянч тушунчалар, параграфлар сўнгидаги саволлар, айрим холларда тест топширихдар, кўшимча маълумотлар кеятирилган.

Умуман олганда 5- синф ботаника дарслигига ижобий баҳо бериш мумкин. Айниқса унинг дизайнни жуда юкори. Шу билан биргаликда дарсликнинг яратилиши айрим камчиликлар хам учрабди:

Юкорида кайд килингандек дарсликлар таълим стандарти, ўкув дастури талаблари асосида ёзилиши керак. Дарслик факат ўкувчиларга билим бериш билан чекланмай, уларнинг ўкув кўнинма, малакаларини ривожлантиришни хам кўзда тутиш керак. Бу масала 5- синф ботаника дарслигига етарлича ўз ифодасини топмаган, Масалан 6 та лаборатория машгулотининг алоҳида ажратилмаганлиги, уларни ўтказишига оид методик тавсияларини етарлича ёритилмаганлиги, ўкувчиларнинг ўкув кўнинма ва малакаларининг ривожланишига салбий таъсир этади деб ўйлаймиз, Дарсликда айрим холларда тушунчаларни изчилик билан ривожлятиришга эътибор берилмаган. Чунончи, ўсимликларда моддаларнинг харакатланиши «поя» мавзусида берилган. Унда бир вактнинг ўзида сув ва сувда эриган минерал моддаларни хамда органик моддаларнинг харакатланиши тўғрисида маълумот келтирган. Вахоланки органик моддаларни синтезланиши барг мавзуси билан узвий алокдзор. «Барг» эса «поя» мавзусидан сўнг ўтилади. Худди шунингдек дарсликнинг бошида берилган «Куз фаслида ўсимликлар хаётида рўй берадиган ўзгаришлар» мавзусини 30 параграфидан «Ҳазонрезпнлик» мавзуси билан бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

6-синф ботаника дарслиги 142 та сахифадан иборат. Унда мукаддима ва 52 параграф, 85 та рангли расмлар мавжуд. Дарслик юкори сифатли оқ коғозга чоп этилган ва чиройли расмлар билан безатилган. Хар бир параграфда ботаника атамалар, ўсимликларнинг номлари, рангли харфлар билан ажратиб берилган. Матнлар ўкувчиларга мос тушуннали килиб баён этилган

Агар 5-синф ботаника дарслиги ўзида цитологик, анатомик, морфологик, физиологик, экологик билимларни мужассамлаштирган бўлса, 6-синф ботаника дарслигига кўпроқ систематик тушунчаларни ривожлантиришга эътибор қилинган. Дарсликнинг 4- бобида бу хақиқати билимлар изчилиб баён этилади. Ўсимлик гурӯхлари, бактериялар, замбуруғлар, лишайниклар, сув ўтлар, йўсинлар, киркбўғимлар, кирккулоклар, очик. урутилар, ёпик уруғиллар шу бобларда берилган. Дарсликда гулли ўсимликларнинг оиласлари, туркумлари, тур вакиллари хавдаги билимлар ва хар бир оиласнинг ўзига хос гул тузилиши ёритилган. Дарсликнинг бешинчи боби «Ўзбекистоннинг ўсимликлар бойлиги», олтинчи боби «Ўсимлик ва атроф мухит», еттичинчи боби «Ерда ўсимликлар дунёсининг ривожланиши» деб аталган. Дарсликда «Манзарали ўсимликлар» деб номланган

параграфлар хам мавжуд. Параграфларда таянч атамалар, саволлар келтирилган. 30 параграф сўнгидаги ўкувчилар бажариши лозим бўлган топширикпар, 19 параграф сўнгидаги амалий ишлар, 2 параграфда қўшимча маълумотлар, тест саволлари, чайнворд, кроссвордлар келтирилган. Буларнинг хаммаси ўкувчиларнинг ботаник билимларни ўзлаштиришига кўмак беради, билим олишга кизиқиши ўйтогатди, хамда назарияни амаяиёт билан боғлайди.

Дарсликнинг ижобий томонларини таъкидлаш билан, унда ўйл кўйилган айрим камчиликлар хусусида тўхтаб ўтиш жоиздир. Аввало дарслик отруктураси хусусида хақида гапириб III бобдаги «Ўсимлик яхлит организм» мавзуси билан олтинчи бобдаги «Ўсимлик ва атроф-мухит» деган мавзуларни бир-бирига кўшиш мантикан тўғри бўлади, шунингдек «Ўзбекистонда ботаника фанининг ривожланиш тарихи» деб аталган бобни 5-синфдаги мукаддима мавзусига кўшиш ўринли бўлади деб хисоблаймиз. «Манзарали ўсимликлар» дегая бобни «Ерда ўсимликлар дунёсининг ривожланиши» бобдиган олдин берилиши мантикан тўғри бўлади деб ўйлаймиз.

Дарсликнинг илмийлиги хаквда тўхтаб «Бактериялар, замбуругаар, лишайниклар» бўлнимини ботаника дарслигига киритилиши органик оламнинг хозирги замон системаси тўғрисидаги билимларга тўғри келмайди деб айтиш керак. Чунки улар тузилиши ва хаёт кечириши тарзи билан яшил ўсимликлардан тубдан фарқ. килади.

Ботаника дарслигига «тип» систематик бирликни ўрнига «бўлим» тушунчасини «авлод» систематик бирлиги ўрнига «туркум» систематик бирликни кўлланилиши кейинчалик 7-синфда зоологияни ўкиш мобайнида систематик бирликлар тўғрисидаги ўкувчиларнинг тушунчаларини чалкаштириб юборади, бу ўз навбатида ўкувчилар томонидан систематик тушунчадарни саёз ўзлаштиришга олиб келади деб хисоблаймиз. Мактаб дарслигага барча олимлар томонидан эътироф килинган билимлар мажмуси киритилиши керак. Мунозарачи масалалар ундан ўрин олмасянига жоиз.

4.Мактаб зоология дарслигининг мазмунни ва тузилиши.

Мактаб зоология дарслигининг музалифи профессор О.Мавлонов бўлиб, у 172 сахифадан, 60 параграфдан иборат. Унда 134 та рангли расмлар бор. Хар бир параграф сўнгидаги билимларни назорат килиш учун саволлар ва тест топшириклар берилган. Дарсликда билимлар бериш билан ўкувчиларнинг кўнинма, малакаларини шакллантиришга хам эътибор қилинган. Мазкур масала 5ta лаборатория машгулотларида ўз ифодасини топган.

Зоология дарслиги тузилиши жихатидан ботаника дарслигидан тубдан фарқ килади. Агар ботаника дарслигининг 5-синф учун мўлжалланган ўкув материалилар морфологик, анатомик, физиологик, экологик билимлар мажмусида ташкил топган бўлиб, 6-синф ботаника дарслигига асосий эътибор систематик тушунчаларнинг ўзлаштиришга карагилдиш бўлса, зоология дарслигига бир вактнинг ўзида систематик, анатомик, морфологик, физиолопик, экологик, гагиеник билимлар баён этилади. Зоология Дарслигининг иккинчи ўзига хос жихати хайвонлар билан танишиши эволюцион принципи асосида амалга оширилганлигидир. Одатда зоология дарслиги ўкувчиларни умурткасиз хайвонларнинг бўларни ўзлаштиришадан бошланиб, то сут эмизувчиларнинг энг юксак вакиллари бўлмиш приматлар туркуми вакиллари билан якунланади.

5.Одам ва унинг саломатлиги.

Мазкур дарсликнинг муаллифлари профессорлар Б.Аминов, Т.Тилововлардир. Дарслик 68 соатга мўлжалланган ўкув дастури асосида ёзилган. У XVI бобдан, 55 параграфдан ташкил топган. Дарсликда «Кириш»дан сўнг одам организми ҳақида умумий маълумот, таянч харакатланиш системаси, кон, кон айланиш системаси, нафоа олиш, овқат ҳазм килиш, моддалар ва энергия алмашуви, айриши, ички секреция безлари, нерв системаси, олий нерв фолиати, сезги органлари, кўпайиши ва ривожланиш, одамнинг пайдо бўлиши тўғрисида маълумотлар баён этилган. Дарсликда ҳужайранинг тузилиши, тўқималарга, суюкларнинг тузилиши, мускуларнинг динамик ҳаракати ва функциясини кузатишга, одам конининг шакли элеменларини ўрганишга, кон кетгавда биринчи ёрдам, кўкрак қафасини, нафас олганда ва чикарилганда карбонат ангидридни аниклашга сийдик айриши органларининг тузилишига, марказий нерв системаси тузилишини ўрганишга, кўриш ўтирилган аниклашга оид лаборатория машгулотларини ўтказиши методикаси ёритилган. Дарсликка 92 рангли расмлар, дарслик сўнпада ўкув фани бўйича тест саволлари ва хотима берилган. Дарсликнинг ижобий томонлари ҳақида гапириб, унинг ўкув дастурига тўлиқ мос холда ёзилгани, ўтмишда ва хозирги даврда ижод қилаётган олимларнинг фанга кўшган хиссалари, республикадаги об-хаво шароитини ўтиборга олган холда кенг тарқалдиган касалликлар ҳақида маълумот берилганлигини кайд килиш лозим. Дарсликнинг салбий томони ҳақида тўхтаб дарсликда одам анатомия, физиологиясига нисбатан тибиёт, хусусан ҳар хил касалликлар, уларнинг келиб чиқиши сабаблари ва даволаш ҳақидаги маълумотларнинг ортиқча берилганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Шу билан бирга бальзи параграфлар (масалан 1, 33, 42§) даги маълумотларни ниҳоятда камлига, бошка парафифдаги (2,5,24,27,24,38) маълумотларни кўплигани, бальзи параграфлар мундарижкада бўлиб матвда учрамаслиги (24§) ҳам кўрсатиб ўтиш зарур.

Баъзи бир мавзуулар, масапан ички секреция безлари жуда мураккаб килиб берилган. Унда келтирилган гормонлар сони 25 тадан ортади. Дарсликда илмий чалкашликлар анчагана. «Мехнат туфайли ибтидой одамлар аввал тик юришга, сўнгра кўл бармоқлари билан меҳнат куролларни ушлашга ўргаетан (1§)

9-синф биология дарслиги.

Дарсликнинг асосий бўлимлари органик оламнинг хилма-хиллиги, цитология асослари, организмларнинг кўпайиши ва индивидуал ривожланиши, генетика, сеякция асослари хисобланади. Дарслик 14 бобдан 49 параграфдан ташкил топган.

Дарсликда ҳужайранинг ташки, ички тузилиши айниекса органоидларнинг тузилиши, функцияси, ҳужайранинг кимёвий таркиби - анорганик моддалар, органик моддалар, оксиллар, углеводлар, ёғяр, нуклеин кислоталар, моддалар ва энергия алмашиниши ҳақида маълумотлар берилган. Организмларнинг кўпайиши ва индивидуал ривожланиши бўлимида эса жинссиз, жинсий кўпайиши, ҳужайраларнинг мигоз, меизоз бўлининиши, организмларнинг эмбрионал, постэмбрионал ривожланиши ҳақда билимлар көлтирилган. Генетика ва сеякция асослари бўлимнда эса генетик тушунчалар, ирсият қонунлари, ўзгарувчалик қонунлари, одам генетисаси, унинг ўрганиши методлари, ўсимликлар, хайвонлар, микроорганизмлар сеякцияси тўғрисидаги маъдумотлар ёритилган. Дарсликда 75 расмлар берилган. Уларнинг кўпчилига ранги

расмлардир. Ҳар бир параграф сўнгала билимни текшириш учун саволлар, тест топшириклар берилган.

Дарслик биринчи маротаба нашр клингандиги сабабли унда бир канча етишмовчиликлар мавжуд. Аввало унинг структураси монографийк шаклда ифодалавганлигини айтиб ўтиш жоиз. Дарсликда бир-бирига зид фикрлар учрайди, Бир томондан дарслик муаллифлари тариликнинг молекула даражасини эътироф этиб, ҳаётнинг ҳужайрасиз шаклларига мисол қилиб вирусларни оладилар ва уларнинг тузилиши, қаёт циклини тушунтирадилар. Иккинчи томовдан эса «вируслар тирик организм хисобланмайди, чунки улар ҳаётнинг хусусиятларини ўзида намоён килмайди» деб ўзларига ўзлари карши фикрда бўладилар.

Дарсликнинг бошка саҳифаларида ҳам илмий камчиликлар учрайди. Ирсий белгилар нуклеотидларда жойлашган (15 б) одатда хивчиниз оддий тузилган (15 б) ўсимликлар кайвонат дунёсининг ящаини белгилаб беради (22 б). Ядроли организмларнинг барча ҳужайралари юксак тузилишига эта бўлиб, кислород билан озикланишига мослашган (36 б) ва бошка шу каби иборалар бунга яккол мисолдир. Бувдай камчиликлар дарсликнинг бошка саҳифаларида ҳам учрайди. Чамаси дарслик муаллифлари рус тилидага дарслик матнларни ўзбек тишшга таржими килаётгандарларда бундай чалкашликларга йўл қўйганлар. Дарсликнинг ўкув материалини 14 бобга бўлиш ҳам нотўриди. Баъзи боблар битта ёки иккита параграфдан тузилганлиги буига яккол мисолдир. Одатда дарслик боблари мантикий жихатдан бир-бирига яқин бўлган ўкув материалини камраб олиши керак. Дарслик «Организмларнинг хилма-хиллиги», «Ҳужайра», «Организмларнинг кўпайиши ва шахсий ривожланиши», «Генетика ва селекция асослари» каби 4 бобдан тузилса максадга мувоффик бўлур эди. Боблар сонини эмас, параграф сонини аксинча кўцайтириш, уларни 59-60 га етказиш зарур эди.

Билимни назорат қилиш учун саволлар.

1. Дарслик билан ўкув кўлланманинг фарқини айтиб беринг.
2. Дарсликнинг асосий компонентлари нималардан иборат?
3. Ботаника дарслигининг тузилишини ва мазмунини тушунтириб беринг.
4. Зоология дарслиги ботаника дарслигидан нималари билан тафовут киласид?
5. Зоология дарслигада билимларни ёритиши кандай принципга асосланган.
6. Одам ва унинг саломатлик дарслигининг ютуқ камчиликлари нималардан иборат?

7. 9-синф биология дарслигада кандай асосий мавзуулар ёритилган?

8. Биологая дарслигдаги камчиликлар тўғрисида сизнинг фикрингиз?

Мустакил бажариш учун топшириклар.

1. Мактаб ботаника дарслигининг тузилиши ва мазмуни билан танишиб чикинг.
2. Мактаб зоология дарслигининг тузилиши ва мазмуни билан танишиб чикинг.
3. Одам ва унинг саломатлиги дарслиги тузилиши ва мазмуни билан танишиб чикинг.
4. Биологая дарслигининг тузилиши ва мазмуни билан танишиб чикинг.
5. Тубандаги жадвални тўлдиринг.

Мактаб биология дарслерлари.

Дарслерлар	Саҳифалар еони	Параграфлар еони	Рәсемлар сони	Лабаратория машрутлар сони
Ботаника				
Биология				
Одам ва унинг саломатлиги				
биология				

9-мавзу: Умумий ўрта таълим ўку» юргларида биологик таълим мазмуни.

Режа:

1. Умумий ўрта таълим ўкув юргларида биологик таълим мазмуни асослари.
2. Биологик таълимнинг мақсад ва вазифалари.
3. Биологик таълим компонентлари.
4. Ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган биологик билимлар минимуми.

Асосий тушунчалар ва таянч билимлар.

1. Биологик таълим асослари.
2. Биологик таълим мазмуни.
3. Биологик таълим компоненти.
4. Биологик билимлар минимуми.

1.Умумий ўрта таълим ўкув юргларида биологик таълим мазмуни асослари.

Умумий ўрта таълим ўкув юргларида биологик таълим мазмуни хозирга даврда биологик фанлар ривожланиш даражасини ўзда акс эттириши замон такозосидир.

Ўкувчилар учун биологик ўкув материалини танлаш биология ўқитиши методикасида нихоят мураккаб масалаларидан бири саналади. У мактаб ўқитувчилари, педагоглари, биолог олимлар хамкорлигидан ҳал этилади. Ўкувчилар учун таълим мазмунининг танлашни кийинлиги илмий ахборатнинг бенихоят кўтшиги ва тез ўсиши билан узвий алокадор. Кейинга даврда биология тобора тез ривожланаётган мустакил фанлар тизимидан иборатлиги маълиб колди. У ботаника, зоология, физиология, анатомия, морфология, генетика, цитология, антропология, эмбриология, палеонтология, микробиология, гидробиология, биогеография, биотехнология, биоэтика, биоэстетика, эволюцион таълимот ва бошқа хусусий фанлар мажмусидан ташкил топган. Биология фанининг бундай тез ривожланиши бир томондан организмларнинг турли жижатдан ўрганиш, иккинчи томондан хаётнинг хар хил даражаларини тадқик килиш билан боғлик бўлса, учинчи томондан биологиянинг табиётшуносликнинг бошқа - хусусан математика,

кибернетика, химия, физика соҳалари билан интеграцияси билан тушунтириллади. Биология фанининг табакаланиши ва бошқа табии фанлар билан хамкорлик килиши янга-янга ахборотларни тўпланишига сабабчи бўлкоқда. Хужайра органойларининг ултраструктуря гузилиши, функцияси, хужайрининг келиб чишиши тўгрисвда симбиотенез назарияси, нуклеин кислоталарнинг тузилиши ва функцияси, ирсият ва ўзгарувчанликнинг моддий асослари, нолитипик тур, популяцияларнинг, экологик генетик тузилиши, кариосистематика, хаёт тузушшининг турли даражалари тўгрисидаги бишмлар биологиянинг XX асрдаги ютуклари саналади. Биология фанида тўшанган билимлар, ахборотлар ҳажми нихоятда кўп ва хилма-хил.

Ўрта таълим ўкув юргларида биология фани тўплаган барча ахборот ва билимларни табиий равища ўкувчиларга бериб бўлмайди. Шунга кўра улар орасидан ўкувчиларнинг ёши хамда ўқдтишининг хозирги замон мақсад ва вазифаларига мос бўлган билимлар мажмусини танлаб олиш зарур. Танлаб олинган билимлар мажмуси умумий ўрта таълим ўкув юргларвда давлат, жамият, шахс эҳтиёжига мос бўлиши, хамда жамиятнинг ижтимоий, иктиносидий тараққиётини ва фан техника ривожланиши ўзида ифода килиши ва таълим берисида кўрсатилган мақсад вазифаларини амалга оширишга сафарбар килинган бўлиши лозим.

2. Биологик таълимнинг мақсад ва вазифалари.

Умумий ўрта таълим ўкув юргларидағи биологик таълим умумий педагогик жараёнининг ажралмас таркибий кисми сифатвда таълимнинг умумий мақсадларига мувофиқ ўкувчи шахсини хар томоняма ривожланишига, тарбияланисига йўналган бўлади.

Умумий ўрта таълим ўкув юргларида биологик таълим вазифалари кўйидагилар бўлиб:

- ўкувчиларни асосий биологик тушунчалар, етакчи гоялар, илмий далиллар, конунлар, назариялар, илмий билиш усуллари, органик оламнинг манзарасига оид билимлар билан танишитириш;
- тирик табиат унинг тараққиёт туфайли организмларда пайдо бўлган мосланиш механизmlари ҳақда маълумот бериш;
- ўкувчиларни организмларнинг асосий конунпари билан куроллантириш
- хаёт тузилишининг турли: молекула, хужайра, организм, популяция -тур, биогеоценоз, биосфера даражалари билан танишитириш;
- табиати унинг барча бойликларига оқилона муносабатда бўлиш фазилатларини ўкувчилар онгага сингдириш;
- ўкувчиларни ўзларининг ва ўзгаларнинг саломатлигани саклашга, соғлем турмуш тарзини таркиб топтиришга йўналтириш;
- биология таълим мазмунини козирги ижтимоий хаёт, фан - техника тараққиёти билан мустаҳкми боялганни таъминлаш асосида ўкувчиларнинг касб танлашга онгли равища йўналтириш;
- биология таълим мазмунини кадимда яшаб жаҳон фани - маданиятига улкан хисса кўшган ва хозирги даврда яшаётган биолог олимлар фаолияти билан боғлаш орқали ўкувчиларни ватанпарварлик рухва тарбиялашдан иборатdir.

3.Биологик таълим мазмуни ва таркибий кисмлари.

Хар қақдай ўкув фанини ўқитишида унинг мазмуни нихоятда катта ахамиятта эга бўлади. Унга асосий сабаб ўкув фани мазмуни ўша фаннинг ўзига хос йўналишини, ўқитиш тизимини, методларини, воситаларини

белгелаб беради. Ўқув фанининг мазмуни ўқув даструрлари, дарсликлари, ўқув Кўлланмалари орқали конкретлаширилади.

Умумий ўрга таълим ўқув юртларвда биологик таълимнинг таркибий қисмлари бўлиб, ботаника, зоология, одам анатомияси ва физиологияси хамда цитология, биокимё, генетика, эволюцион таълимот мажмуасидан иборат бўлган умумий биология ўқув фанлари хисобланади. Мазкур ўқув фанларида турли хил ўсимликлар, хайвонлар, одамларнинг ташки, ички тузилиши хаёт фаолияти, ташки мухит билан боғликлиги тўғрисида хамда хужайранинг унинг организмларининг тузилиши, функцияси, ирсият ўзгарувчанлик эволюцион таълим ва шу каби билимлар берилади. Мактаб биология таълимини айрим ўқув фанларига ажратиш конуни бўлиб, кўп йиллик педагогик тажрибалар асосида ўзини оқлаган. Бирок биологик таълимнинг турли ўқув фанларига ажралиши тирик табиатдаги нарса ходисаларни алоҳида-алоҳида ўрганишга эмас, балки уларнинг бир бутунлигини, ўзаро боғлислигини ифода этган ходда ўқитилишини такозо киласди. Биология ўқув фанининг таркибий қисмларига биринчи навбатда илмий тушунчалар киради. Улар биологиянинг айрим соҳаларига оид хусусий ва биологиянинг барча соҳаларига хос бўлган умумий биологик тушунчаярдан ташкил топади. Ана шувдай умумий биолопик тушунчалар категорига организмларнинг хужайранинг тузилиши, модда ва энергиянинг алмашинуви, организм ва мухитнинг ўзаро бирлиги, ирсият ўзгарувчанлик органик олам эволюцияси тушунчалари киради. Биология ўқув фани мазмунининг яна бир компоненти бўлиб гоялар хисобланади. Биология таъгош мазмунида ўқувчилар онгига органик олам эволюцияси, тирик табиат тузилашининг хар даражада эканлига, орган тузилиши билан функциясининг ўзаро боғликлига, биологик системаларнинг табиият мухит билан алокадорлиги, ўз-ўзини бошқариш ва ниҳоят назария билан амалиётнинг бирлиги каби гоялар сингдирилади. Биология ўқув фанининг мазмунини яна бир компоненти бўлиб биологик конунлар хисобланади. Ана шундай биологик конунлардан ўқувчилар Менделев ва Морганнинг ирсият конунлари, Бэр конуни, Харди-Вайнберг конуни, В.И.Вернадскийнинг атомларнинг биоген миграцияси конуни кабилар билан танишадилар. Биология фан мазмунининг яна бир компоненти илмий назариялардир. Умумий ўрга таълим биология ўқув таълим мазмунига Ч.Дарвиннинг органик оламнинг эволюцион назарияси, А.Н.Северцовнинг филэмбрионез назарияси, Т.Морганнинг хромосома назарияси ва ниҳоят хозирги замон ген назарияси кирилтган.

4.Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган биологик билимлар минимуми.

Ўсимлик организмнинг тузилиши, хужайра, тўқималар, органлар. Ўсимликларнинг хаёт фаолияти: илдиз ва барг орқали озиқланиши, нафас олиши, ўсиши ва ривожланиши. Кўпайиш. Ўсимликларнинг турли тумаялиги: сув ўтлар, ўйсингилар, киркбўймлар, кирквуслоклар, очик уруғилар, ёникуруғилар, ёпик ургуталарнинг синфлари, оиласари, ўсимликлар коплами. Ўсимликларнинг табиат ва инсон хаётидаги ахамияти. Ўсимликларни муҳофаза килиш.

Хайвон организмнинг тузилиши. Хужайра, тўқималари, органлар системаси. Ҳаёт фаолиятининг жараёнлари: озиқпаниш, нафас олиш, моддалар харакатланиши, айриш, ўсиш, ривожланиши ва уларни бошхариши. Кўпайиш. Хайвонларнинг хатти харакати - рефлекслар, инстанктлар. Хайвонларнинг турли туманлиги. Уларнинг систематикаси: бир хужайралилар, кўп хужайралилар (ковак ичилар, ясси, юмалок, халкали чувалчанглар,

моллюскалар, бўғамоёклилар, хордалилар). Бўпшоёқпилар ва хордали хайвонларнинг синфлари, туркумлари, уларнинг табиат ва инсон хаётва тутган ўрни. Хайвонларни муҳофаза килиш. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши. Одамнинг хайвонот системасидаги тутган ўрни.

Одам ва хайвонлар тана тузилишидаги ўҳшашлик ва тафовутлар. Одам ва унинг пайдо бўлиши. Ижтимоий ва табиий мухитга одамнинг мосланиши. Одамдаги органлар системаси, уларнинг тузилиши ва функцияси. Одам хаёт фаолиятини нейро-уморал бошқарилиши. Одамнинг олий нерв фаолияти. Одамдага юкумли касалликлар, улардан сакпаниш ўйлари. Спвд ва ундан сакланши. Нормал турмуш кечиришга ёрдам берувчи омиллар.

Хаётнинг тузилиши даражалари: молекула, хужайра, организм популядаш - тур биогеоценоз, биосфера. Хаётнинг хужайрасиз шакллари.

Прокариот ва эукариот хужайралар. Хужайра - тирикликтин тузилиш, функционал, генетик бирлиги. Хужайранинг кимёвий таркиби. Анорганик ва органик моддалар, уларнинг хужайрадаги роли. Хужайра тузилиши. Ядро. Хромосомалар. ДНК ирсий ахборотая ташувчи эканлиги. Хужайра органоидларининг тузилиши ва функцияси. Оксиллар биосинтези. Хужайра. Моддалар ва энергиянинг алмашинуви. Фотосинтез унинг табиатдаги роли. Хужайранинг бўлининиши. Жинсиз ва жинсий кўпайиш. Уруғланиш. Организмларнинг индивидуал ривожланиши. Ирсият ва ўзгарувчашш. Генлар ва бидгилар. Генетик атамалар ва символлар. Генетик методлари. Мевдель, Морганларнинг ирсият конунлари. Ўзгарувчанлик. Мутагенлар ва уларнинг организмларга таъсири. Генетиканинг тиббийт ва селекциадаги ахамияти. Одамлардага ирсий касалликлар уларнинг оддини олиш. Селекция методлари. Генетик инженерияга асосланган биотехнология.

Эволюцион гояларнинг пайдо бўлиш тарихи. Эволюцион таълимот. Эволюционни исботловчи фан далиллари. Микро ва макро эволюция. Эвояциянинг бошланиши бирлиги ва омиллари. Табиий танланыш - эволюциянинг ўйналирувчи омили эканлиги. Биологик прогресс ва биологик регрес. Организмларнинг мухитга мосланиши ва унинг хиллари. Тирик табиатига хос беягалар. Хаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги фаразлар. Ерда органик оламнинг ривожланишини асосий босқичлари. Экологик омиллар. Экосистемалар. Экосистемалардаги модда ва энергиянинг айланиси. Экосистема динамикаси. Агрозкосистемалар. Биосфера. Биомасса. Биосфера хакидага. В.И.Вернадский таълимоти. Одамнинг биосферага таъсири. Биосфера эволюцияси. Ноосфера.

Билимни назорат килиш учун саволлар.

1. Умумий ўрга таълим ўқув юртларида биологик таълим асослари деганда нимани тушунасиз?
2. Умумий ўрга таълим ўқув юртларида биологик таълимнинг максади ва вазифалари нималардан иборат.
3. Умумий ўрга таълим ўқув юртларида биологик таълим мазмунини ёритинг.
4. Умумий ўрга таълим ўқув юртларвда биология таълим таркибий қисмларига нималар киради?
5. Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган биологик билимлар минимуми деганда нимани тушунасиз?

10-МАВЗУ. БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧШАРДА

МУСТАҚИЛ ВА.

ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ.

РЕЖА:

- Ўқувчиларда мустакил ва ижодий фикрлашни ривожлантириш йўллари.
- Ўқув мунозаралари, баҳслар, фикрларни асослаш, ўз - ўзини баҳолаш, ўзаро назорат килиш.
- Диалог, полилог ўқув мулоқотлари.
- Ўкувлар жамоасида ижодий изланиш ишларини ташкил этиш боскячлари.

Фикр инсон фаолияти, унинг ўз кучи, қудрати ва билимини ташкил этувчи маънавий-инсоний сифатидир. Фикр ривожи ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг асосий харакатлантирувчи кучи бўлганилига учун, биологияни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустакил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш зарур.

Биологияни ўқитишида ўқитувчи ўқувчиларнинг мустакил ва ижодий фикр юритиши кўникмаларини ривожлантириш учун аввало:

- Ўқувчиларнинг дарсда мустакил ишлашлари учун ўқув топширикларяни тузиши;
- Биологик обьектлар, табиатдаги мавсумий ўзгаришларни ўрганиш максадида тажриба ва кузатиш ўтказиши юзасвдан кўрсатмизир тайёрлаши;
- Ўқувчиларнинг қизикишларини хисобга олган холда уларнинг мустакил таълими учун кўшимча адабиётлар ва мультимедиаларни танлаши лозим.

Ўқувчиларнинг мустакил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш учун, таълим-тарбия жараёнида ривожлантирувчи таълим технологиясини қўллаш зарур.

Ривожлантирувчи таълим технологиясининг асосий гояси ўқувчиларни хар томонлама ривожлантириш саналади. Мазкур технологиянинг асосий хусусиятлари:

- ўқувчиларни ўз билиш фаолиятини субъектига айлантириб, фикр юритиш механизмини шакллантиради, ривожлантиради.
- ўқувчиларнинг билиш фаолияти эмперик ва назарий билиш яхлитлигига ташкил этилиб, ўқитиш жараёнида билимларни дедуктив усуслу ўрганиш устувор бўлади.
- ўқитиш жараёнининг асосини ўқувчиларнинг ўқув топшириклариня бажариш орқали вужудга келтириладиган мустакил фаолияти ташкил этади.
- ўқувчиларнинг акдий ривожланшиига замин тайёрлаб, бу жараёнда танқидий ва ижодий фикр юритишни шакллантириши устувор йўналиш саналади. Фикр юритишнинг бу икки типи бир-бирини тўлдиради ва такозо этади.

Танқидий фикр юритиш шахснинг вокса ва ходисалар хакидаги муносабати ва фикрини вужудга келтириб, унинг таркибига кўйидагалар киради:

- Тахлилий фикр юритиш (ахборотни таҳлил килиш, зарур фактларни танлаш, тақкослаш, фактлар ва ходисаларни чоғишириш).

Ўқувчиларда таҳдилий фикр юритиш кўникмаларини шакллантириш учун биология ўқитувчиси хар бир дарсда аввал ўрганилаётган обьектлар билан ўрганилган обьект ўртасидаги боғланишларни аниқдайдиган топширикларни бериши керак. Жумладан, «Дарё қисқичбақасининг ички тузилиши» мавзусини ўргангандага ўқувчиларни кичик гурухларга ажратиб, уларга ўқув топшириклари билан бир каторда куйидаги жадвални тўлдириш тавсия этади:

Органлар системаси	Оқ планария	Емғар чувалчангি	Сув шиллик курти	Дарё қисқичбақаси
Мускул ва тана бўшлифи Ҳазм қилиш системаси. Кон айланиши. Нафас олиши Айриши. Нерв системаси Сезги органлари Кўйайиши	1		I	

Ўқувчилар дарсликда берилган ўқув ахборотини таҳдил килади, органлар системаси хакидаги фактларни танлайди, уларни аввали обьектлар билан таққослаб, хуласа чиқарди. Демак, дарё қисқичбақасининг ички тузилишини таҳлил килиб, аввал ўрганилган оқ планария, ёмғир чувалчангига, сув шиллик курти билан таққослаб ўрганади. Ўқув материалларининг бу тарзда ўрганилиши ўқувчиларда таҳлилий фикр юритиш кўникмаларининг таркиб топтиришга замин тайёрлайди,

- Боғланишли (ассоциатив) фикр юритиши (аввал ўрганилган билимлар, фактлар орасидаги боғланишларни аниқлаш, таниш обьект ва ходисаларнинг янга хусусиятлари ва сифатларини топиши).
Боғланишли фикр юритиш ўқувчиларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўнимка ва малакаларини кутилмаган, ноодатий вазиятларда кўллаб янги билим ва кўнималарни ўзлаштиришларига замин тайёрлайди.

Ўқитувчи «Органик олам эволюциясининг йўналишлари» мавзусини ўрганишда ўқувчиларнинг ботаника ва зоология ўқув фанларидан ўзлаштирган билимларини фаоллаштириши максадида уларга ўқув топшириклири билан бирга куйидаги жадвални тўлдириш тавсия этади.

I - топширик

1- Кирккулоклар, очик уруғилар ва ёпик уруғиларнинг тузилишини *; штақкосланг. Уларнинг тузилишидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқданг.

Тақкосланадиган жиҳатлар	Кирккулоклар	Очик уруғилар	Ёпик уруғилар
Хаётин шакли.		*	
Илдизи.			
Пояси.			

Барги.
Кўпайиш органлари.
Кўпайиш жараёнининг ташки мухит омилларига боишклиги.

2. Нима сабабдан ёпик уруғлилар ўсимликлар оламида хукмонлигани аникланг.

II - топширик

1. Сувда ҳамда куруқтшқда яшовчилар, судралиб юрувчилар ва кушларнинг тузилишини таккосланг. Улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни яцгизгянг.

Таккосланадиган жихатлар	Сувда ҳамда куруқтқуда яшовчилар	Судралиб юрувчилар	Кушлар
Тана коплами. Ҳазм килиши системаси. Кон айланиши. Юраги. Нафас олиши. Айриши. Нерв системаси. Сезги органлари. Кўпайиши.			

2. Нима сабабдан кушларнинг хайвонот оламида хукмонлигани аникланг.

Ўкувчилар ушбу топширикларни бажарип бўлганларидан сўнг, ўқитувчи биологик процесс, араморфоз, идиоадаптация, умумий дегенерация хакида маълумот беради ва ўкувчиларга мисол келтиришни тавсия этади. Ўкувчилар ўзлари тўлдириган жадвалдан фойдаланиб ёпик уруғлилар ва кушлардаги араморфозларни аниклади.

Шу тарзда ўкувчиларда боғланишли фикр юритиш кўнималари шаклантирилади ва ривожлантирилади.

- Мустакил фикр юритиш (муаммоли вазиятларни таҳлил килиш, фаразларни илгари суриш, аввал ўзлаштирган билим, кўнимка ва малакаларни янги вазиятларда кўллаб, янги билим, кўнимка ва малакаларни эгаллаш, ўз фикрини далиллаш).

Мустакил фикр юритиш шахс хаётida мухим аҳамият касб этади. Шу сабабли биологияни ўқитишнинг барча шаклларда, ўкувчиларда мустакил фикр юритиш кўнималарини ривожлантиришга аҳамият бериш зарур.

Мустакил фикр юритиш кўйидага боскичларда амалга оширилади:

- Муаммоли вазиятларни таҳлил килиш.
- Фаразларни илгари суриш.
- Аввал ўзлаштирган билим, кўнимка ва малакаларни янги вазиятларда кўллаб, янги билим, кўнимка ва малакаларни эгаллаш.
- Ўз фикрини далиллаш.

V. Жавобнинг тўғрилигини текшириб кўриш.

Ўкувчиларда мустакил фикр юритишни ривожлантириш учун ўқитувчи хар бир мавзуни ўрганишида муаммоли вазиятларни вужудга келтириши ва ўкувчиларнинг билиш фаолиятини муаммоли вазиятларни хал килишга йўллаши лозим.

Масалан, «Бир уруғ паллалилар. Лоладошлар оилаои» мавзусини ўрганишида муаммоли вазият вужудга келтирилиб, ўкувчиларнинг иккى паллалилар синфи оиласининг ўрганишида ўзлаштирган билимларини яни кутгилмаган вазиятларда кўллашига имкон яратиши лозим. Жумладан, ўкувчиларга кўйидаги ўкув топширикларини бажариш тавсия этилади.

Топширикнинг дидактик мақсади:

Бир уруғ паллали ўсимликлар, лоладошлар оиласининг ўзига хос хусусиятлари, оиласининг ёввойи ва мадданий вакилларининг аҳамиятини ўрганиши:

№	Укувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материалда юзасидан ўкув топширикларий	Топширикни бажариш бўйича кўрсатмалар
	Дарслидаги матнни диккат билан ўқиб кўйидаги саволларга жавоб топинг ва топширикларни бажаринг:	Ўкувчилар гурухи билан хамкорликда ишланг.
1.	Бир уруғ паллали ўсимликларнинг ўзига хос хусусиятларини аникланг.	
2.	Бир уруғ паллали ўсимликлар синфига кайси оиласар мансублигини аникланг.	
3.	Лоладошлар оиласининг ўзига хос хусусиятларини аникланг.	
4.	Лоладошлар оиласи вакилларининг гул тузувиши ва формуласини ўрганинг.	
5.	Лоланинг гулини олма гули билан таккосланг. Ўхшашлик ва фарқларини аникланг.	
6.	Лоланинг тузилишини наъматакнинг тузилиши билан таккосланг ва кўйидага жадвални тўлдиринг.	Ўкувчилар билан ўтказилиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг.

Таккосланадиган жихатлар	Лола	Наъматак
Хаётӣ шакли		
Илдизи		
Пояси		
Барги		
Гул формуласи		
Гулкўргони		
Чанганиш тури		
Меваси		

• Мантикий фикр юритиш (муаммони кал этишнинг ички ва ташқи мантиқини хисобга олган холда мантиқан далиллаш, усулларнинг мантиқан кетма-кетлигини аникдаш).

Мантикий фикр юритиш кўнималарини ривожлантириш кўйидаги боскичлардан иборат бўлади:

- Муаммоли вазиятни англаш.
- Муаммони хал этиш йўлларини аниклаш.

АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЯНЧ АТАМАЛАР:
Интерфаоллик, таҳқидий, бағланишы, ижодий, мұстакил, мантикий, тизимли фикр юритиш

11-МАВЗУ. БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИЩДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МЕТОДЛАР

РЕЖА:

1. Ўқитиши методларининг умумий тасвиғи.
2. Оғзаки методлар ва уларнинг турлари.
3. Күргазмалы методлар ва улар таркибига кирадиган услублар.
4. Амалий методлар ва уларнинг турлари.

Мәдениет, таъяим жараёни ўкувчиларнинг билим олиш, қўнишка ва малакаларни эгаллаш, уларнинг илмий дунёкараши, ижодий изланишларини ривожлантириш мақсадига йўғрилган ўқиятчиши ва ўкувчиларнинг ўзаро ҳамкорлига санаҷади.

Бошқача айтганда, таълим мазмунининг ўқитиши методлари ёрдамвда ўзлаштирилишига эришишдир.

Метод сўзи умумий маънода муайян мақсадга эришиши усулидир.

Ўқитиши методлари том маънода ўқитувчининг билимларни ўкувчилар онгига етказиш ва айни пайтда уларни ўкувчилар томонидан ўзлаштириб олиш усувиидир.

Дидактикада ўқитиши методлари қўйидаги методологияк ва назарий қоидаларга асосан таърифланади:

1. Ўқитиши методи ўқитиши жараёнининг ўзига хос педагогик шароитида обьектив реаликни билиш методларининг ифодаси саналади, яъни ўқитиши методлари ёрдамида ўкувчиларнинг бияниш фаолияти ташкил этилади ва бошқарилади.
2. Ўқитиши методлари ўкувчиларни ўқитиши, тарбашлаш ва ривожлантириш мақсадида қўлланилиади. Бу уларнинг асосий функцияларни саналади, шунингдек, мазкур методларнинг ундовчи, рағбатлантирувчи, уюштирувчи ва назорат килувчи функцияларни ҳам мавжуд.
3. Ўқитиши методлари ягона таълим жараёнининг иккита субъекти бўлган ўқитувчининг педагогик ва ўкувчиларнинг ўкув-билиш фаолиятини уйғушаштирувчи, ҳамкорлигини таъминловчи фаолият усулидир.
4. Ўқитиши методлари ўқитишининг моддий воситалари бўлган дарслик, кўргазмали, дидактик ва тарқатма материаллар билан узвий боғлангандир.
5. Ўқитиши методлари аниқ ўқитиши усуларадан таркиб топади ва педагогик жараёнга қўлланилади.
6. Ўқитиши методлари ўзаро боғланган фаолият усуллари сифатида дарснинг барча босқичлари, ташкилий қисм, ўкувчиларнинг билиш мотивларини фаоллаштириш, янги мавзуни ўрганиш, ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ташкия этиши ва бошқариш, ўкувчиларнинг ўзлаштириган билимларини назорат килиш ва баҳолаш, олинган натижаларни таҳлил килиш, уй вазифасини беришда фойдаланилади.
7. Дарсда ўқитиши методлари доимо муайян бирикма холида қўлланилади. Дарснинг ҳар бир босқичвда методларнинг у ёки бу

бирикмаларидан фойдаланилади. Мазкур босқичдага вазифаларни мұваффакиятли хал этишини таъминяючи метод устунлик килувчи етакчи тизим хосил қилувчи метод хисобланади, колган методлар унга бўйсунади. Биологияни ўқитишида аксарият холларда кўргазмали метод етакчи ўринни эгаллаиди, бошқа методлар унга бўйсунади ёки сингаб кетади.

8. Инсон фаолияти методларининг ўзгариши, ўқитиши методларининг бойишига ва янгиланишига олиб келади. Ахборотларнинг глобализациеси шароитида дастурли ўқитиши, ЭХМ дастурлари воситасада ўйдитиш ва х.к. методлар вужудга келди. Дидактикада ўқитиши методларини таснифлаш мунозарали масала бўлиб, таснифлаш турили асослар бўйича амалга оширилган. Академик И.Д.Зверев методларни ўқитиши манбалари ва ўкувчилар фаоллик даражасига кўра куйидагача таснифлашия тавсия этган.

Мазкур жаявалга мувоғик, ўқитиши методларининг 9 гурухини танлаб олиш имконини беради.

Ўқитиши манбалари бўйича	Ўкувчилар фаоллик даражасига кўра		
	Репродуктив (қайта айтиб бериш)	Кисман кидирув	тадқиқотчилик
Оғзаки	+	+	±
Кўргазмали	+	+	+
Амалий	+	‡	‡

Таникли дидактик олим Ю.К. Бабанский ўқитиши методларини қўйидаги гурухларга ажратган:

1. Ўққишининг оғзаки методлари (хикоя, сухбат, ўкув маъruzаси).
2. Ўқитишининг кўргазмали методлари.
3. Ўқитишининг амалий методлари.
4. Ўқитишининг муммомли-изланиш методлари.
5. Ўқитишининг мангикий методлари.
6. Мустакил ишлаш методлари.
7. Ўқитишида ўкувчилар фаолиятини рағбатлантириш ва асослаш методлари.
8. Ўқитишининг назорат ва ўз-ўзини назорат килиш методлари.

Кўйида ўқитишининг репродуктив методлари бўлган оғзаки методлари (хикоя, сухбат, ўкув маъruzаси), кўргазмали, амалий методларининг тасвиғи берилади:

Ўқитишининг оғзаки баён методлари гурухи. Ўқитиши жараёнида оғзаки методлардан доимо ва мунтазам фойдаланиб келинган. Бу методлар методларнига ичида устунлик килган даврлар ҳам бўлган. Хозирга кувда анъанавий таълим тизимида оғзаки методлар устунлик килади. Кейинги йияларда оғзаки методларни таҳқид килиш, уларни ўкувчилар фаолиятига фаол таъсири кўрсатмайдиган методларга киритиш одат тусига айланган. Методларга баҳо берилади холисонало ёвдашиб зарур, унинг аҳамиятини мутлакпаштириш, бўрттириб кўрсатиш мумкин эмас, шунингдек, пасайтиришга ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Ўқитишининг оғзаки баён методлари қўлланилганда ўқитувчининг сўзи ўкувчиларнинг билим олишлари учун асосий манба хисобланади, яъни ўқитувчи ўкувчиларга сўзлар воситасида билим беради, ўкувчилар

фаолиятини эштиши, фикр юритиш, берилган саволларга жавоб топишга йўналгиради. Шунинг учун ўқитувчининг сўзи оддий ахборот бўлмасдан, балки ишончли, асословчи, ўқувчиларнинг фаолиятини фаоллаштирувчи тасир кучига эга бўлиши керак.

Ўқитувчининг ёрқин, хиссиятли, далилларга асосланган, мантикий кетма-кетлиқда тузилган, кўргазмали хикоя, сухбат, маърузалари хозир хам ўз кимматини йўкотмаган. Оғзаки методлар киска мудаатда катта ҳажмадиги ўкув материалини ўқувчилар онгига етказиш, муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, уларни хал этиши ўйларини кўрсатиш, ўқувчиларнинг нуткини ривожлантириш имконини яратади. Шунингдек, кўпчилик методлар ўқитиш жарабёнвда оғзаки методаар билан уйғушаштирилган холда кўлланилади. Оғзаки методларнинг муваффакиятли кўлланилиши, ўқитувчининг:

- нутк маданиятини эгаллаганлик, жумладан, нуткнинг равонлиги, овоз кучи, интонация, ахборотларнинг образилиги, ишонччилиги, асословчи, исботловчи, эмоцияли, шахсий муносабат билан йўғирғанлик даражасига;
- ахборот технологиялари асосида яратилган электрон дарслкларда овоз, анимация, харакатларнинг уйғулини даражасига боғлик бўлади. Оғзаки баён методлари гурхни ўз ичига сухбат, хикоя, маъруза меғоддарини олади. Хикоя методи ўқувчиларга ўкув материалини яхлит холда саволлар бериб, узмасдан баён этишини назарда тутади. Янга мавзу мазмунидан янга тушунчалар, илмий ахборот кўп бўлган тақдира, шунингдек, ўқитувчи ўкув материали юзасидан фаол сухбат ўтказиш имкони бўлмаган, изоҳлаш ва тушунтириши лозим бўлган, ўкув материалининг ҳажми катта бўляб, уни дастурда бўттиланган вактда ўрганиш зарур бўлган холларда хикоя методидан фойдаланади. Хикоя методидан дарснинг кайси боскичидаги тақдира, жараёнини ёнгиллатиш, ўқувчиларнинг назарий билимларни ўлаштириш жараёнини ёнгиллатиш, ўқувчиларнинг аввал ўлаштириган билим ва кўникмалари фаоллаштирилади, тизимга солинади, умумлаштирилади, холоса чиқарилади ва янги ўрганилаётган тушунча билан ўзаро алоқадорлиги ёритилади. Шуни қайд этиш кераки, ўқувчиларнинг аввал ўлаштарган билимлари асосида янги мавзуни саволлар ёрдамида ўлаштириши имконини берадиган мавзуулар сухбат методи воситасида ўрганиш тавсия этилади. Сухбат методи ўқувчиларнинг назарий билимларни ўлаштириш жараёнини ёнгиллатиш, ўқувчиларнинг аввал ўлаштириган билим ва кўникмалари, хаётий тажрибалардан фойдаланиб, катор саволлар ёрдамида янги билимларни ўлаштириш, мазкур билимлардан амалиётта кўллашни англашиб олишига замин тайёрлашни кўзда тутади.

Дарснинг кириши кисмидаги фойдаланиладиган хикоя методи ўқувчиларнинг янга мавзу мазмунини идрок килишга тайёрлаш саналади. Мазкур жараёвда хикоя методи мазмун жихатдан ўқувчиларда янга мавзуни ўлаштиришга бўлган эҳтиёжни вужудга келтириш, барқарор кизикини ўйтотиш, дарс давомида бажарилиши лозим бўлгага ўкув топширикдарининг максадини англашни таъминлашга қарагилади.

Янги мавзуни ўрганиш жараёнида фойдаланиладиган хикоя методи мазмун жихатдан янги мавзу мазмуни мантикий кетма-кетлиқда, изчиликда, ривожлантирилиб борилади, асосий тушунча ва атамалар алоҳида таъкидланиб, кўргазмали воситалари ва ишонарли мисоллар фойдаланидган холда баён этилади.

Дарснинг якунлаш кисмидаги фойдаланилган хикоя методида ўқитувчи ўрганилган мавзу мазмунни юзасидан асосий фикрларни умулаштириди, якунлади, холоса чиқаради, ўқувчиларга мустакил иш топширикларини тавсия этиади.

Ўқувчиларнинг билимларини назорат килиш ва баҳолашда фойдаланиладиган хикоя методи ўқувчиларнинг муайян мавзуларни хикоя килишини тақозо этади. Ўқувчиларнинг хикоялари уларнинг илмий дунёқараши, нутк ва мулокот маданиятини ривожлантиришга замин тайёрлайди. Бунда ўқувчилар янги мавзу мазмунидага асосий гояни ажрагиши, ўз фикриш асослаш ва

далиллаш, киска ва лўвда, мантикий кетма-кетлиқда баён этиш, кўникмаларини эгаллади.

Хикоя методини кўллашнинг самарадорлиги ўқитувчининг дарс режасини пухта тузиши, мавзу мазмунини ёритишнинг энг изил ўйлини танлаши, кўргазмали воситалар, тарқатма ва дидактик материалларни топлаши, баённинг тегиши даражадаги кўтаринки руҳини таъминлашни такоза этади. Хикоя методининг таркибида куйидаги методик услублар киради:

Ўкув материалини жонли, объектларга хос хусусиятларни баён килиш, ахборотнинг илмийлига, изчилига, тушунарлилиги, нуткнинг равонлига ва ифодалилига услуби.

Сухбат методи ўқитувчининг ўқувчилар томонидан янги мавзу мазмунидаги конуният, тушунча ва атамаларнинг изчиликда фаол ўлаштиришини таъминловчи пухта ўйланган саволлар воситасида ишлашини назарда тутади. Сухбат методи ёрдамида ўқувчиларнинг аввал ўлаштириган билим ва кўникмалари фаоллаштирилади, тизимга солинади, умумлаштирилади, холоса чиқарилади ва янги ўрганилаётган тушунча билан ўзаро алоқадорлиги ёритилади. Шуни қайд этиш кераки, ўқувчиларнинг аввал ўлаштарган билимлари асосида янги мавзуни саволлар ёрдамида ўлаштириши имконини берадиган мавзуулар сухбат методи воситасида ўрганиш тавсия этилади. Сухбат методи ўқувчиларнинг назарий билимларни ўлаштириш жараёнини ёнгиллатиш, ўқувчиларнинг аввал ўлаштириган билим ва кўникмалари, хаётий тажрибалардан фойдаланиб, катор саволлар ёрдамида янги билимларни ўлаштириш, мазкур билимлардан амалиётта кўллашни англашиб олишига замин тайёрлашни кўзда тутади.

Ўкув материалининг мураккаблик даражаси ўртача бўлиб, мавзу мазмунини мантикий туталланган фикрли кисмларга ажратиш, мазкур кисмлар бўйича саволлар тузиши имкони бўлган, ўқувчиларнинг дастлабки билимлари етарли даражада, улар сухбат давомида ўз фикрларини айтишлари, асослашшири ва шу билан бир каторда янга билимларни шунчаки эслаб колмассан, балки мустакил идрок этишлари, фаол эгаллашлари мумкин бўлган холларда сухбат методидан фойдаланилади.

Сухбат методи ўқувчиларнинг назарий билимларни ўлаштириш учунгина эмас, балки уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш, нуткини ривожлантириш, тақкослаш, таҳлил қилиш, мантикий фикр юритиш кўникмаларини таркиб топтиришга ёрдам беради.

Сухбат методининг самарадорлиги ўқитувчининг мавзу мазмунни мантикий туталланган кисмларга ажратиш, хар бир кисм бўйича саволлар занжирини тузиш, дарс давомида мазкур саволлардан ўз ўрнада фовдаланиш, синф ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва саволларга жавоб топишга ўйлаши, хар бир ўқувчининг рағбатлантириши, ўқувчиларнинг эса ўз фикрини лўвда ва киска баён этиш, далиллаш кўникмаларини эгаллаганлик даражасига боғлик бўяди.

Мазкур метод таркибига сухбат саволларини кегма-кетлиқда кўйиш, ёрдамчи ва кўшимча саволларни ўз вактида бериш, ўқувчиларни фаоллаштириш, ўқувчилар жавобидаги хатоларни тўғрилаш, холоса ва умумлаштиришини таркиб топтириш услублари киради.

Ўкув маъруслари методидан ўкув материалининг ҳажми катта, мантикий тузилиши мураккаб, тушунча ва атамаларга бой бўлган холларда фойдаланилади.

Ўкув маърузаси методидан фойдаланилганда куйвдаги талабларга эътибор каратиш лозим:

1. Маъруза мазмуни чукур илмий, тоявий ва мантикий кетма-кетлиқца кўргазма восигаларга асосланган холда баён этилиши.

2. Ўкувчилар учун тушунарли, хиссиятга бой ва содда тилда ёритилиши.

3. Ўкувчиларнинг ёшлик ва руҳий холатларини хисобга олган холда 15-20 минутдан сўнг киска мустакил иш ёки савол-жавоб ўтказиш, ўкувчиларнинг билиш фаолияти фаоллашгандан сўнг давом этирилиши лозим.

Таълим жараёнка ўкув маърузасини кўллаш ўқлутувидан жиддий тайёргарлик кўришни талаб этади ва у:

1. Дарс мавзуси, максади ва долзарб муаммоларни аниқлаши;
2. Танланган мавзу бўйича дарслюс, илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар билан танишиши;
3. Ўкувчиларнинг ёш ва психологияк хусусиятлари ҳамда қизиқишиларини хисобга олган холда маъруза режаси, мазмунини тузиши;
4. Юкори самара берадиган ўқитиш воситалари ва мегодларини танлаши керак.

Маърузанинг муваффакияти ўтиши, аввало ўкувчиларнинг ўкув-билиш фаолияти қандай ташкил этилганингага боетик.

Унда ўкувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштирадиган кўргазма воситалари - ЎТВ, мультимедаалар, табиий, тасвирий жихозлар ва бошқа ўқитиш восигаларвдан фойдаланиш ҳамда маъруза давомида ўкувчилар унинг режаси, мазмунини киска ёзib олиши, саюлларга жавоб топишга эришиши ўқитувчининг диккат марказида бўлмоғи лозим.

Дарснинг кириш кисмida фойдаланилган ўкув маърузаси методи ёрдамида ўкувчиларнинг диккати жамланади, билиш фаолияти фаоллаштирилади, билимларни кўлди килишга замин тайёрланади. Бунинг учун маърузани бошлашда унинг мазмунига оид клзик мисоллар, ёрқин ва хиссиятга бой воеалар келтирилиб, ўкувчилар олдига муаммолар кўйилади.

Дарснинг асосий кисмida фойдаланилган ўкув маърузаси методи ўкув материали дидактик тамойилларга амал килинган ҳодса таълим мазмуни мантикий изчиликда, кўргазма воситалари - ЎТВ, мультимедиалар, табиий, тасвирий жихозлар ва бошқа ўқитиш воситаларидан фойдалантган холда баён килишини такоза этади.

Дарснинг хулоса кисмida фойдаланилган ўкув маърузаси методи ёрдамида ўкувчиларнинг билимлари тартибга солиниб умумлаштирилади, хулосалар чиқарилади.

Маъруза якунида ўқитувчи ўкувчиларнинг билимларини чукурлаштиришга, умумлаштиришга каратилган хулосаларни яна бир бор тақрорлайди. Сўнг ўкув топшириклари юзасидан ўкувчиларнинг жавоблари текширичади ва жадвалнинг тўлдирилиши кўздан кечирилади. Савол-жавоб, ўкув бахси ўтказилади.

Ўқитувчининг маърузаси мазмуни ва ўкувчилар фаолиятининг ташкил этилишига кўра индуктив дедуктив равшаша тузилган бўлиши мумкин.

Маъруза индуктив тузилашда, аввал ўкувчилар ҳодса ва обьектлар билан таништирилиб, кейин умумий хулоса келтириб чиқарилади.

Дедуктив маърузада эса бунинг акси бўлади, яъни, аввал умумий тушунчалар берилади, кейин обьектлар ва ҳодисалар ёрдамида унинг мазмуни очиб берилади.

Мазкур метод таркибига ўкув материаши мантикий кетма-кетлиқда баён қилиш, муаммоларни кўйиш, обьектларни аниқлаш, тақкослаш, хулоса чиқариш, умумлаштириш, ўкувчиларнинг диккатини жалб қилиш услублари киради.

Кўргазмали методлар туруги. Ўқитиш жараёнда кўргазмали методларнинг кўлланилиши, ўкув материали мазмунидан келиб чиқкан холда обьектлар ва ҳодисамрни хиссий идрок этиши, уларни тақкослаш, ўзига хос хусусиятларни аниқлаш, умумлашгириш, синтезлаш, хулоса ясашга имкон беради. Кўргазмали методлар ўқитиш жараёнда огааки, амалий, мантикий, муаммоли методлар билан ўйғун холда кўлланилади.

Масалан, ўкувчиларга кўргазма асосида ўкув материалини ўрганиш бўйича топшириклар ўқитувчи томонидан оғзаки берилади. Топширикдарни бажариш жараёнда кўргазмаллик амалий методлар билан бирикиб кетади, дарсда вужудга келган муаммоли вазиятларни ҳал этишда муаммоли методлар билан мужассамлашиб кетади.

Ўқитиш жараёнда кўргазмали методлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланишнинг кўйидага афзалликлари мавжуд:

- ўкувчиларда кўргазмали-образли гафаккурни ривожлантириш, ўкувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, акдий фаолият усуулларни эгаллаш;
- ўрганилаётган назарий масалаларни аниқлаштириш, дарсда бевосита кузатиш имкони бўлмаган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш;
- биологик обьектларни кузатиш, улар устида тажрибалар ўтказиш, олинган назарий билимларни амалиёта кўллаш, ўрганилган ҳодисаларни схема, жадваллар асосида аниқлаштириш ва таснифлаш имконини беради.

Биологияни ўқитишда фойдаланиладиган кўргазмали воситалар сирасига кўйидагилар киради:

- табиий ва тирик обьектлар - гербариyllар, коллекциялар, микро ва хўл препаратлар, хона ўсимликлари, тирик табиат бурчагида боқшадиган хайвонлар ва х.к;
- реал обьектларни акс эттирувчи маҳсус тайёрланадиган тасвирий воситалар - жадваллар, схемалар, расмлар, моделлар, муляжлар ва бошкалар;
- кўргазмаликнинг шартли-раший воситалари - биогеографик обласларнинг карталари, тлобуслар;
- ўқитишининг техник восита[^]ари - ўкув кинофильми, диафильм, диапозитвлар, видеолавхалар ва х.к.
- ўқитишининг мультимедиали воситатари - ЭХМ нинг таълим дастурлари, электрон версия ва дарслеклар, овоз, анимация, динамик харакат ва уч кўламли тасвирий ўзида мужассамлаштирган мультимедиалар ва х.к.

Кўргазмали методлар таркибига табиий ва тирик обьектлар, тасвирий кўргазма, экран воситалари, ЭХМнинг кўргазмали дастурлари, мультимедиаларни намойиш килиш методлари кириб, муайян коэда кўйидага кўргазмали воситаларни намойиш килиш, иллюстрация, демонстрация, ўкув кинофильмлари, видеофильмлар, ЭХМнинг таълимий, моделлаштирилган дастурлари, электрон дарслеклар, мультимедиаларни намойиш килиш, кўргазманинг дид ва эстетик талабларга жавоб бериси, дарс мазмунини

еритиш, кетма-кетликда ўкувчилар фаолиятини ташкил этиш усяубларидан ташкил топади.

Амалий методлар гурухи. Ўкувчиларнинг ўзлаштирган назарий билимларини амалиётда кўлаш, ўкув ва меҳнат, кўнигма хамда малакаларини шакллантириш, ижодий кобилиятларини ўстириш, хаётга тайёрлаш, касбга йўллаш имконини беради. Ушбу метод ўқитиш жараёнца кўргазмали, муаммоли, оғзаки методлар билан уйғунлашган холда кўлланилиади. Ўкувчилар томонидан бажариладиган амалий ишлар билим манбаи бўлиб хомат киласди. Бунинг учун ўқитувчи амалий ишларнинг мақсадини аниклаши, мақсадга эришиш учун зарур бўладиган кўргазмали воситаларни танлаши, ўкув топширикпарини аник тузиши лозим. Амалий ишларни бажариш учун бериладиган ўкув топшириклари мазмунан аник, ихчам, тушунарли ва мақсадга йўналтирилган бўлиши зарур.

Бу методлар гурухига табиий объектларни таниб олиш ва аникдаш, кузатиш, биологик тажрибани ташкил этиш ва ўқизиш, ўсимликларни парвариш килиш ва хайвонларни бокиши каби методлар кириб, улар мос холда, объектларни таниб олиш ва аниклаши, кузатиш ва тажрибалар ўқизиш, ўкувчиларга амалий ишнинг боришини баён килиш, амалий ишларни бажариш режасини тузиши, амалий иш топширикларини бажарилишини назорат килиш, топширикдарни бажариш натижаларини таҳдил килиш, ўз-ўзини назорат килиш, амалий иш, кузатиш ва тажрибаларни якунлаш ва расмийлаштириш услубларидан иборат бўлади.

Табиий объектларни таниб олиш ва аниҳаш методи биологияни ўқитишида етакчи мавқеига эга, чунки ботаника дарсларида ўсимлик органлари, ўсимлик тури, туркуми, оиласи, синфга мансублига аникандади. Бунинг учун ўқитувчи етариғи дараражага тарқатма ва дидактик материаллар, гербарийлар, мажмуалари гайёрланган бўлиши ва улардан ўз ўрнида самарали фойдаланишга лозим.

Зоология дарсларида хайвонларнинг органлари, уларнинг вазифаларини билиш билан бир каторда хайвонларнинг қайси тип, синф, туркум, оиласа мансублини анослайди. Мазкур методнинг самарадорлиги хайвонот оламининг турли-туманлигидан акс эттирувчи хайюнлар ва уларнинг органларидан тайёрланган хўл препаратлар, мулжалар, тулумлар, мажмуалар каби дидактик ва тарқатма материалларнинг мавжудлигини такозо эгади. Мазкур методдан факат биология дарсларидагана эмас, балки дарслан ташкири ишлар, синфдан ташкири машҳулотлар ва экспурсияларда хам кенг кўлланилиади.

Кузатиш методи - бу тирик организмларда борадиган жараёнлар ва табиият жисмларida содир бўладиган ходисаларни ўкувчиларнинг мақсадга мувоффик холда идрок этиши хисобланади. Бу методда ўкувчиларнинг кузатиши бўйича тўплланган маълумотлари билим манбаи саналади. Кузатиш методидан биологияни ўқитишининг барча шаклларida фойдаланилиади. Кузатиш методидан дарс жараёнвда фойсаланилганда ўкувчилар дарс мазмунига оид кўргазма воситаларини мустакил кузатадилар, натижада кузатиш объектларидаги ўзига хос хусусиятларни исботловчи д&чилларга эга бўладилар. Бундай кузатиш киска муддатли бўлиб, маълум бир мақсадни амалга оширишга хизмат киласди.

Ўсимликлар хаётидаги баҳорги, кузги мавсумий ўзгаришлар, келиб кетувчи күшларнинг хаётини кузатиш, хашоратларнинг ривожланишини ўрганиш каби кузатишлар узок муддатли давомли кузагишилар саналади.

Биологик тажрибаларни ўтказиш методи - ўз ичига биологик объектларни таниш ва аникдаш, кузатишларни камраб олади, лекин мазмунни жихатдан улардан фарқ киласди. Биологик тажрибаларни ўтказиш ўкувчиларни ўрганилаётган жараён ёки ходисанинг мояхитини англешга, улар ўртасидага сабаб-оқибат боғланышларини тушунишга, биологик конуниятларни «қайта кашф» этиюшига имкон беради. Тажриба натижаларини умумлаотириш, хулоса ясаш, уни расмийлаштириш ўкувчиларда тадқикотчиликни ривожлантиради. Биологик тажрибалар дарсда, дарслан ташкири ишларда, тирик табиат бурчагида ва ўкув тажриба майдончасида ўтказилиши мумкин. Биологик тажрибалар хам давомийлигига қараб, киска ва узок муддатли бўлиши мумкин.

«Ургунинг таркибини аниклаш», «Ўсимлик хужайрасида плазмолиз ва деплазмолиз», «Амилазанинг крахмалга таъсири» юзасидан ўтказиладиган тажрибалар киска муддатли, «Ургунинг униб чикиши учун зарур шартшароитлар», «Уруғларнинг нафас олиши», «Баргларнинг сув буглатиши», «Баргларда крахмал хосил бўлиши», «Ёмғир чувалчанганинг тупрок хосил бўлишидаги роли», «Ўсимликларда белгиларнинг ирсийланиш конунларини ўрганиш» каби тажрибалар узок муддатли тажрибалар хисобланади,

Мазкур методнинг самарадорлига ўқитувчи томонидан ўтказиладиган тажрибаларнинг муайян тизимда ташкил этиши, тажриба мавзулари, мақсадини аниклаши, хар бир тажриба учун аник кўрсатмалар, ўкув топшириклари тайёрлаши, ўкувчиларни тажриба ўтказиладиган объектлар, кераоти асбоб ва жихозлар билан таъминлаши, тажриба ўтказадиган ўкувчиларнинг фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва назорат килиш, олинган натижалардан дарсда ўз ўрнида фойдаланишига боғлик.

Биологияни ўқитишида амалий методлардан ўсимликларни парвариш клаши, хайвонларни бокиши ва кўпайтиришида кент фойдаланилиади. Бу метод ўкувчиларнинг биологияидан ўзлаштирган билимлари, кузатиш ва жисмоний мекнат кўнижмаларини камраб олиб, ўкувчиларни кишлок хўжалиги меҳнати асосларини эгалаш ва касбга йўллаш, экологик ва иқтисодий тарбия беришида мухим аҳамият касб этади.

Биологияни ўқитишида маҳаллий иқтисодий шароит ва кишлок хўжалиги муассасаларининг ихтисослигига боғлик холда ўсимликларни парвариш килиш ва хайвонларни бокиши бўйича амалий иш мавзулари хилма-хилдир. Амалий ишлар қайси мақсадни кўзлаши ва мазмунига боғлик холда биология ўқитувчиси унинг режасини пухта тузиши, олиб бориладиган ишларнинг мазмунини тўлиқ ёритиши, олинадиган натижашмри кандай расмийлаштириш бўйича ўкувчиларга аник кўрсатма бериши лозим.

^ ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ САВОЛЛАРИ:

1. Ўқитиш методларига таъриф беринг.
2. Ўқитиш методларини методологик ва назарий коидаларига асосан таърифланг.
3. И.Д. Зверев ўқитиш методларини қайси асосларга кўра таснифлаган?
4. Ю.К. Бабанский таснифига мувоффик ўқитишининг репродуктив методлари гурухига қайси мостодлар киритилган?
5. Ўқитишининг оғзаки баён методлари гурухига қайси методлари киритилган?
6. Хикоя методининг мояхитини тушунтиринг.
7. Суҳбат методи хикоя методидан қайси жиҳатлари билан фарқланади?
8. Ўкув маъруzasи методи кўллаш учун ўқитувчи эътиборини нималарга каратиши зарур?

9. Кўргазмали методаарнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг.
Ю.Амалий методаар гурухига мансуб методларнинг тавсифланг.

АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЯНЧ АТАМАЛАР:
Ўқитиш методлари, ўқитиш методларининг функциялари, ўқитиш
методаарининг таснифи ва тавсифи, ўқитишнинг репродуктив методлари.

12-МАВЗУ. БИОЛОГИЯ ЎҚИТИШНИНГ ФАОЛ МЕТОДЛАРИ

РЕЖА:

1. Ўқитишнинг интерфаол методлари.
2. Муаммоли излашш методлари.
3. Ўқитишнинг мантикий методлари.
4. Мустакдл шплаш методлари.
5. Ўқитишда ўкувчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва асослаш методлари.
6. Ўқитишдаги назорат ва ўз-ўзини назорат методлари.

Интерфааш ингаизча тіегак1 сўзидан олшган бўлиб, шег- хамкорликда ак1- харакат киммоқ маъносини билдиради.

Интерфаоллик дегавда ўкувчининг ўкувчи билан хамкорликда ёки компютёр билан мулокоти ўзаро таъсир кўрсатиш режимвда ишлаши тушунилади.

Интерфаол ўқлтиш - бу аввало диалог тарзда ўқитиш, мулокот жараёнвда барча иштирокчилар томонидан хамкорликда муаммоларни хал этилишидир.

Интерфаол ўқитишнинг асосий мояхият - ўқитиш жараёнвда барча ўкувчилар билиш жараёнинг фаол иштироқчисига айланади, улар мухокама этилаётган муаммоларни, воеа ва ходисаларнинг ривожини тушуниади, муаммоли вазиятларни англайди, уни хал этиш йўлларини излаб, энг макбул варианти тавсия этади.

Ўкув материалини ўрганиш, муаммони хал этиш бўйича турли вариантдаш ечимни тавсия этишига асосланган билиш жараёнида ўкувчиларнинг хамкорлиги хар бир ўкувчига, гурух муваффакияти учун ўз улушини кўшишга, улар ўртасвда фикр, ахборот ва тажриба аямашинувига замин тайёрлайди. Ушбу хамкорлик самимий, кулагай ижтимоий психологик, ўзаро ёрдам мухитвда содир бўлганлиги учун, ўкувчилар нафакат янги билимларни ўзлаштирадилар, балки ўзининг билиш фаолиятларини ривожлантиради, уни юкори даражага кўтариб, хамкорликка киришишга имкон беради.

Ўқигиши жараёнида интерфаол усусларни кўлаш жараёнида ўкувчиларнинг ўзаро мулокотга киришишини ташкил этиш ва бошқаришни такоза этади, бунда ўкувчилар хамкорликда изланни умумий, шу билан бир каторда хар бир ўкувчи учун аҳамиятта молик бўлган муаммони хал этишига киришиб улар ўртасвда бир-бирини тушуниш, хамкорликда ишлаш ва хамжихатлик вужудга келади.

Интерфаол усуслардан фойдалангшган дарсларда битта ўкувчининг устунилк килиши, унинг ўз фикрини ўтказишига йўл кўйилмайди.

Интерфаол усуслар кўлланилганида ўкувчилар танқидий фикр юритиш, ахборот манбалари ва вазиятни тахлил килиш, мураккаб муаммоли вазиятларни хал этиш, ўртоқдарининг фикрини тахлил килиб, асосланган

хулосалар чиқариш, мунозарада иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулокотга киришиш кўнинмаларини эгаллади.

- Ўқитишнинг ингерфаол методларининг куйидаги хусусиятлари мавжуд:
- Инсоннинг муҳим ҳаётий эҳтиёжи бўлган мулокот - ўқитиш жараёнининг барча босқичларида кўлланилади.
 - Ўқитиш жараёнида ўкувчиларга ўз кучи, билими, иқтидорини намоён этишига тент имкониятлар берилади.
 - Ўкувчиларнинг кичик гурухларда хамкорликда ишлашида ижтимоий психологияк жиҳатдан кулагай мукит яратилиб, мулокотда босқичма-босқич ва самарали иштирок этишига замин тайёрланади.
 - Ўкувчилар мулокотда фаол иштирок этишилари учун факат эшишилари етарли эмас, балки эшиштандарини тахлил килиш, фикр юритиш, фикрларнинг асосли ва тушунарли бўлишига эришиш лозимлигани англайдилар.
 - Ўкувчилар билан хамкорликда, кичик гурухларда ишлаши оркали кўйилган вазифаларни талаб даражасида бажариш, олинган натижаларни тахлил килиш, уларнинг тўғрилигини текшириб кўриш, тақдим этиши ва бошқа гурухлар томонидан эътироф этишиларига эришишлари лозим.

Биологияни ўқитишда фойдаланиладиган фаол методлар гурухига ўқитишнинг муаммоли-изланни методлари, мантикий методлар, мустакдл ишлаш методлари, ўкувчилар фаолиятини рағбатлантириш ва асослаш методлари, назорат ва ўз-ўзини назорат килиш методдари киради.

Фаол методлар муаммоли вазиятларни вужудга келтириб, ўкувчиларнинг кичик гурухларида хамкорликда ишлаб, муаммони хал этиш, мураккаб саволларга жавоб топиш жараёнида алоҳида объект, ҳодиса ва конунларни тахлил килиш кўнинмалари ва билимларни фаоллаштиришига асосланган фаол билиш фаолиятни тақозо этади.

Шу сабабли, биологяни ўқитишда ўқитишнинг репродуктив методлари бўлган оғзаки баён, кўргазмали ва амалий методлар билан биргаликда муаммоли изланниш ва мантикий методлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ўқитувчи мазкур методларининг ўзига хос хусусиятлари, улар таркибига кирадиган методик услубларни тўғри Англиши ва ўз ўрнида самарали фойдаланиши кўнинмаларини эгаллаган бўлиши лозим.

Муаммоли изланниш методлари дарс давомида изчига ва максадга йўнайтирилган ходда вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни ўкувчилар аввал ўзлаштириган билим ва кўнинмаларини янги вазиятларда кўллаши оркали ўкув материалини фаол ўзлаштиришига хизмат киласди. Бу методлар гурухи ўкувчиларнинг аклий ривожланиши, ижодий ва мустакил фикр юритиш кўнинмаларини ривожлантириш, муаммоли вазиятларни тахлил килиш ва ундан чиқишининг энг макбул йўлини топиши, мўлжални тўғри олишига замин тайёрлайди.

Муаммоли изланниш методлари гурухига мансуб муаммоли-изланниш характеридаги сухбат методидан фойдаланганда, аввал муаммоли вазиятлар яратилиди, аввалидан тайёрланган муаммоли саволлар занжири баён этилади, ўкувчиларнинг ўқитувчи билан биргаликда мантикий мулҳоза юритишига, ўкув фаразларини хосил килиш ва исботлаш, сухбат жараёнида муаммоли саволларга жавоб топишига имкон яратилиди.

Муаммоли хикоя методида, ўқитувчи янги мавзуни ўрганиш жараёнида муаммоли вазиятларни яратади, ўкувчилар билан хамкорликда хикоя жараёнида муаммоли саволларга жавоб топишга, ўкув фаразларини хосил

килиш ва далиллашга имкон яратилади, ўкувчиларнинг жавоблари асосида муаммолар хал этилади.

Муаммоли-амалий методдан фойдаланганда муаммоли топшириклар тузилади, шу асосда тажрибалар ўтказилади, муаммояни вазиятларни хал этиш юзасидан ўкув фаразларини ҳосил килинади ва ўкув-тадқикот тажрибалари ўтказилиб, ўкув хулосалари ва умумлашмаадрини таърифлаб муаммолар хал этилади.

Муаммоли методлардан фойдаланилдиган дарсларни кейинги йилларда янга ном билан («Тафаккур бўрони» Б.Р.Кодиров), («Мияга хужум», «Фикрлар тўкнашуви», «Фикрлар жанг» В.М.Каримова, Ф.А.Акрамова), («Ақлий хужум» Ж.Ф.Йўлдошев) номлаш расм бўлди.

Муаммоли методдан фойдаланилган дарс («Ақлий хужум») куйвдаги босқич асосида ташкил этилади:

I - босқич. Психологик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган ўкувчилардан тенг сонли кичик гурухларни шакллантириш.

II - босқич. Кичик гурухларга муаммоли саволлардан иборат бўлган ўкув топширикларини тарқатиш ва уларни топширик нинг дидактик максади билан таништириш.

III - босқич. Ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ўкув муаммоларини хал этишга йўналтириш.

IV - босқич. Ўкувчиларнинг муаммоли вазиятларни хал этиш бўйича ахборотларини тинглаш.

V - босқич. Кичик гурухлар ўртаовда ўкув баҳси ва мунозара ўтказиш.

VI - босқич. Умумий хулоса ясаш.

«Ақлий хужум» да ўкувчилар аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятлarda кўллаб, билимларини кенгайтиради, чукурлаштиради, ақлий фаолияти усулларини эгаллаиди.

Бу методлар муаммоли вазиятларни яратиш, муаммоли саволлар занжирини тузиш, муаммоли топшириклар тузиш ва тажрибалар ўтказиш, муаммоли вазиятларни хал этиш юзасидан ўкув фаразларини ҳосил килиш, ўкув фаразларини исботлаш, обьектларни таъкидлаш, мантикий мулоҳаза юритиш, ўкув-тадқикот тажрибаларини ўтказиш, ўкув хулосалари ва умумлашмаадрини таърифлаш услубларини ўз ичига олади.

Ўқитишининг мантикий методлари гурухи. Мазкур метод ўкув материали мазмунининг йўналишини беғилаб, ўкувчиларнинг бош гояни ажратиш, ўрганилаётган обьектни таҳлил килиш, киёслаш, умумлаштириш кўнікмалари, ақлий фаолияти усулларини эгаллаш, абстракт тафаккурни ривожлантириш, сабаб-оқибат боғланишларни англаш имконини яратади.

Ўқитишининг мантикий методлари гурухига индуктив, дедуктив, таҳлил, бош гояни ажратиш, киёслаш, умумлаштириш методлари киради.

Индуктив методда - ўкувчиларнинг эътибори аввал хусусий фактларни ўрганишга жалб килинади, сўнгра хусусийдан умумий хулосалар чиқаришга йўналтирилади.

Дедуктив меғодда ўкувчилар аввал умумий конунларни ўрганади, сўнгра умумицан хусусий хулоса чиқаришга ўргатилади.

Ўкувчилар таҳлил методи ёрдамида ахборотни ангааб идрок этади, ўрганилган обьектларнинг ўхшашлик ва фарқли томонларни аниклайди, ўрганилган обьектларни таркибий кисмларга ажратиб, улар ўртаоидаги бошланишлар, сабаб оқибатларни аниклайди.

Бош гояни ажратиш методи мухим аҳамият касб этиб, ўкув материалидага асосий ғояни ажратиш ва саралаш, ахборотни мантикий тугалланган фикрли кисмларга ажратиш, асосий ғоя ва иккинчи даражали фикрларни ажратиш, таъинч сўзлар ва тушунчаларни ажратиш, асосий фикр хакида хулооа чиқаришга замин тайёрлади.

Ўкувчилар киёслаш методи воситасида, ўкув топширикларида берилган киёсий обьектларни аниклаш, обьектларнинг асосий белгиларини аниклаш, таъкидлаш, ўхшашлик ва фарқларни аниклаш, киёслаш натижаларини шартли белгилар билан расмийлаштиришга ўрганади.

Умумлаштириш методи муаммоларни хал этиш жараённида ўкув материалидаги типик фактларни аниклаш, киёслаш, даствабки хулосалар, ходисанинг ривожланиш динамикасини тасаввур килиш, умумлаштириш натижаларини шартли белгилар ёрдамида расмийлаштириш, умумий хулоса чиқаришга замин гайёрлади. Мазкур методлар мос ходда:

а) индуктив метод - хусусий фактларни муаммоли баён килиш, ўкувчилар фаолиятини хусусийдан умумий хулосалар чиқаришга йўналтириш, муаммоли топширикларни бериш услубларини;

б) дедуктив метод умумий конунларни баён килиш, ўкувчиларнинг фаолиятини умумийдан хусусий хулоса чиқаришга йўналтириш услубларини;

в) таҳлил методи ахборотни англаб идрок этиш, ўрганилган обьектларнинг ўхшашлик ва фарқли томонларни аниклаш, ўрганилган обьектларни таркибий кисмларга ажратиш, улар ўртасидаги бошланишларни аниклаш услубларини;

г) бош гояни ажратиш методи ўкув материалидаги асосий ғояни ажратиш ва саралаш, ахборотни мантикий тугалланган фикрли кисмларга ажратиш, асосий ғоя ва иккинчи даражали фикрларни ажратиш, таъинч сўзлар ва тушунчаларни* ажратиш, асосий фикр хакида хулоса чиқариш услубларини;

д) киёслаш методи киёсий обьектларни аниклаш, обьектларнинг асосий белгиларини аниклаш, таъкидлаш, ўхшашлик ва фарқларни аниклаш, киёслаш натижаларини шартли белгилар билан расмийлаштириш услубларини;

г) умумлаштириш методи ўкув материалидаги типик фактларни аниклаш, киёслаш, даствабки хулосалар, ходисанинг ривожланиш динамикасини тасаввур килиш, умумлаштириш натижаларини шартли белгилар ёрдамида расмийлаштириш, умумий хулоса чиқариш услубларини ўзида мұжассамлаштиради.

Мустакил иш методлари гурухига дарслик, кўшимча ўкув адабиётлари ва кўргазма воситалари устида мустакил ишлаш методлари киради. Мустакил ишлаш методининг ўзига хос хусусиятлардан бири ўкувчиларнинг ўкув топширикларини ўқитувчининг бевосита бошқарувисиз бажаришидир. Мустакил ишлаш методида ўкувчиларнинг мустакил ўқ->в-билиш фаолиятини ташкил этиши ва бошқариш назарда тутилади. Мазкур методда дарслик, кўшимча ўкув адабиётлари, кўргазма воситалари устида мустакил ўтказилган кузатиш ва тажриба натижалари, масала ва машқлар ишлаш билим манбай саналади.

Барча методлар каби мустакил ишлаш методининг таълими, тарбиявий ва ривожлантируви вазифаси мавжуд.

Таълими вазифаси сифатида - ўкувчиларнинг билим ва кўнікмаларни мустакил эгаллашлари, билимларни чукурлаштириш, мустахкамлаш ва тақорорлашни таъминлашни қайд этиш мумкин. Улар ўкувчиларнинг амалий

ўкув кўнікмалари ва малакаларни яхши ўзлаштиришларвда айникса кимматга эга, чунки мустакил харакатсиз кўнікмаларни автоматлашган ва ижодий характеристидаги малака даражасига кўтариб бўлмайди.

Тарбиявий йўналишдаги вазифаси ўкувчиларда мустакиллик, билиш фаоллиги, мъянавият, фаол хаётий позициянин эгаллаш, меҳнатсеварлик ва инсоний фазилатларни таркиб топтиришга ёрдам беради.

Ривожлантирувчи йўналишдаги вазифаи - ўкувчиларнинг илмий дунёкараши, тафаккури, кўнікма ва малакаларни ривожлантиришга ёрдам беради, иродани чиникгиради.

Мустакил ишлаш методлари таркибига мустакил иш топширикларини бериш, ўкув фаолиятида мустакилликни ривожлантириш, ўкув меҳнати малакаларини таркиб топтириш, намунага мувоғиқ мустакил ишшарни ташкил этиш, ижодий тошпириклар бериш усувлари киради.

Ўқитишида ўкувчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва асослаш методлари гурухи таълим жараённи педагогик рағбатлантириш оркали ўкувчиларнинг янга ўкув материалини эгаллашларида иштиёқ ва фаолликни таъминловчи ижобий асосланишларни вужудга келтиради. Мазкур методлар ўкувчиларнинг билишга бўлган кдеикишлари, акдий фаолликлари, янги бишшларни эгаллашга бўлган эхтиёжлари, мулокот маданийти, ўз-ўзини назорат килиш ва бошқариш, баҳолаш кўнікмаларини ривожлантиришга замин тайёрлади. Шунингдек, таълимнинг ижтимоий аҳамиятини тушунтириш, ўкувчиларда онгли интизом, бурч ва маъсулиятни таркиб топтириди.

Ўқишига бўлган қизиқишини орттириш, дидактик-ўйин, ўкув мунозаралари, ўкувчиларнинг тахсил олишдага бурч ва маъсулиятни шакллантириш методлари мансуб бўлиб, улар кўйидаги:

а) ўқишига бўлган қизиқишини орттириш методлари ўкувчиларда ижобий хиссиятни вужудга кеятириш, қизиқарли аналогиялардан фойдаланиш, таажжубланиш эффиқти, билиш кувончини вужудга келтириш, ўкувчиларни рағбатлантириши ва танбех берishi услуби.

б) дидактик-ўйин методи ўйин сюжетини танлаш, ўйин вазиятларини вужудга келтириш, ўкув-башшига оид ўйинларни танлаш, ўкувчиларни рағбатлантириш ва танбех берishi услуби.

в) ўкув мунозаралари методи ўкув баҳсларини келтириб чиқарадиган вазиятни яратиш, илмий баҳсларни вужудга кеятириш. Ўкувчиларни муваффакиятларга йўллаш, ўкувчилар фикрини баён килиши, улар жавобидаги хатоларни тўғрилаш, ўкувчиларни рағбатлантириш услуби.

д) ўкувчиларнинг тахсил оливидаги бурч ва маъсулиятни шакллантириш методи гаълим-тарбиянинг ижтимоий аҳамиятини тушунтириш, ўқишининг шахсий аҳамиятини тушунтириш, ўкув талабларини кўйиш, ўқитшада рағбатлантириши ва танбех берishi каби услубларни мужассамлаштиради.

Ўқитишидаги назорат ва ўз-ўзини назорат методлари. Назорат таълим жараёнининг ажралмас кисмларидан бири саналади. Назоратнинг мунтазамлиги ва изчиллиги ўкувчиларнинг фаол аклий меҳнат килишга ундиҳи, уларда маъсулият, бурч, диккат, хотира, ўз-ўзини назорат кишиш ва баҳолаш кўнікмаларини ривожлантиришга замин тайёрлади.

Назоратнинг тўликлилиги, хакконийлиги, кенг кўламлилиги, мунтазамлилиги барча методлар каби бу методларнинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи ва ўкувчиларга тафовутлаб ёндашиш каби функцияларини амалга ошириш имконини беради.

Бу методлар гурухига оғзаки ва ёзма назорат, лаборатория ва амалий иш ёрдамида назорат, ўз-ўзини назорат, ўзаро назорат вараги ва тестлар ёрдамида назорат методлари мисол бўлади ва кўйидаги:

а) оғзаки ва ёзма назорат методлари ўкувчиларнинг билимларни мантиқий изчил баён килишга ўргатиш, нутгни ўстириш, ўкувчилар жавобидаги типик хатоликларни аниклаша ва уига барҳам бериш услуби.

б) лаборатория ва амалий иш ёрдамида назорат методлари ўкув ва амалий кўнікмаларни аниклаша, ўкувчиларнинг ўкув жихозлари ва асборлар билан ишлаш кўнікмаларини аниклаша, бажарилган топширикларнинг сифатини аниклаша ва баҳолаш, иш мазмунига боғлиқ холда обьектлар ва асборларни тўғри танлаш, ишни якунлаш ва натижасини расмийлаштириш, олинган натижаларнинг тўғрилигани аниклаша услуби.

в) ўз-ўзини назорат килиш методлари ўкув материали юзасидан қиска режа, саволлар тузиш, асосий ғояни ажратиш, саволларга жавоблар топиш, мавсалалар ечиш ва уларни намунага мувоғиқ текшириб кўриш, тақкослаш, олинган натижаларнинг тўғрилигани текшириш услуби.

г) ўзаро назорат вараги ёрдамида назорат методлари ўрганилган боб, мавзу бўйича назорат тестларни тузиш, тест саволлари ва жавобларнинг методик жихатдан тўғрилиги, мантиқий кетма-кетлиги, ўкувчилар билимини назорат килишининг хакконийлиги, кенг кўламлилиги каби услублардан иборат.

Барча методлар каби ўқитишидаги назорат ва ўз-ўзини назорат методларининг ҳам таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаси мавжуд.

Назоратнинг таълимий вазифасини ўқитувчи барча ўкувчиларни ўз ўртоғининг жавобини тингаашга, жавобдага хато ва камчиликларни тўғрилашга, тузатишишар ва қушимчалар киритишини таклиф этиш оркали таъминлади. Шу туфайли ушбу жараёнда ўкувчиларнинг ўзлаштирган билимлари тизимга солинади, таракорланади ва мустахкамланади.

Назоратнинг тарбиявий вазифаси унинг ўкувчиларни рағбатлантириши таъминлаш, тахсил олишидан маъсулият ва бурч таркиб топтириш, хиссиятни шаклланишида намоён бўлади.

Назоратнинг ривожлантирувчи функцияси ўкувчиларда барқарор диккат, хотирани мустаккамлаш, ўз-ўзини, назорат килиш ва баҳолаш кўнікмаларини эгаллашларида кўзга ташланади.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ САВОЛЛАРИ:

1. Интефаолликнинг моҳиятини тушунтиринг.
2. Ўқитишининг фаол методларининг ўзига хос хусусиятларини аникланг.
3. Муаммоли изланиш методларининг дидактик вазифаларини аникланг.
4. Ўқитишининг мантиқий методларининг ўзига хос хусусиятларини аникланг.
5. Мустаккш ишлаш методлари амалий методлардан қайси хусусиятлари билан фарқ килади?
6. Ўқитишида ўкувчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва асослаш методлари гурухига кайси методлар киришини аникланг.
7. Ўқитишидаги назорат ва ўз-ўзини назорат методларини таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи максадларини аникланг.

АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЯНЧ АТАМАЛАР:

Интерфаоллик, ўқитишнинг фаол методлари, муаммоли изланиш, мантикий методлари, мустакил ишилаш, ўқитишни рафбатлантириш ва асослаш методлари, ўқитиоддага назорат ва ўз-ўзини назорат методаари.

13-мавзу: Бишногаянинг ўқитиш воситалари.

Режа:

1.Ўқитиш воситаларининг таълим-тарбиявий аҳамияти

2.Ўқитиш воситаларининг системаси.

3.Кўргазмали куролларнинг хиллари:

а) табиий кўргазмали воситалари;

б) тасвирий кўргазмали воситалари;

г) ўқитишнинг овозли экран воситалари;

д) авдио-видеолар.

Асосий тушунчалар, таянч билимлар.

Таълим бериш воситалари.

Ўқитиш воситасининг хиллари.

1.Ўқитиш **восихаларининг таълим-тарбиявий** аҳамияти,

Бевосита идрок килиш мумкин бўлган нарсалар асосида олиб бориладиган таълим кўргазм&чи таълим деб аталади. Таълим бериш воситаларининг роли бенихоят катта. Атокли рус педагога К.Д.Ушинский болани эёида бирор нарсанинг маҳкам ўнашиб колишини хоҳловчи педагог боланинг сезги аъзоларини мумкин қадар кўпроғини: кўзи, кулоғи, товуш органи, мускул сезги ва хатто иложи бўлса хиддаша ва таъм билиши органларини эслада туғиб колиши жараёнда катнаштиришига характер килиши керак деган эди.

Кўргазмали воситалари таълимини онгли бўлишида ниҳоятда катта аҳамиятта эга. Биология хаёт тўғрисвадага фан. Бинобарин биология ўқитиш жараёнда табиий кўргазмали воситалар-ўсимликлар, хайвонлар, замбурувлар, прокариот организмлардан кенг фойдаланиш табиий бир хол. Кўрсатмали таълим факат табиий кўргазма воситаларипина эмас, шу билан тасвирий кўзгазмали воситаларига хам асосланади.

Кўрсатмали восита бўлган тақдирдагана ўқувчи табиатдаги нарса ва ходисаларни ўзаро таққослаши, уларнинг ўзаро ўҳшапмиклари, тафутвларни аниқдай олиши мумкин.

Кўргазмали воситалар ёрдамида ўқувчи ўрганилган ўқув материалини анализ, синтез, абстракциялаш, умумлаштириш конкретлаштириш, системалаштириш, холоса чиқариш каби ақдий операцияларни амалга ошириши мумкин.

2.Ўқитиш **воситаларининг системаси.**

Ўқитиш воситалари: табиий, тасвирий ва оғзаки ёки вербаль воситаларга бўлинади. Ўқитиш воситаларини уч хилга ажратиш билиш назарияонга ва ўқувчиларнинг тафаккурини ривожланиш стадияларига мосдир. Биология курсига кирувчи ўқув фанларини ўқитиш 5- синфдан бошланади. Бу ўқувчиларнинг ўсмирик даврига тўғри келади. Ўсмирик даврица болаларни билиш фаолиятида кўргазмали характер устунлик киласи. Кечки ўсмирияк

даврида тасвирий кўргазмали асосида фикр юритиш яъни табиий нарсаларга эмас, уларнинг тасвирларига асосланиб идрок, тасаввур хоил килиш ривожланади. Юкори синф ўқувчиларининг аклий фаолиятда абстракт-назарий тафаккур етакчи роль ўйнайди.

Таълим воситаларининг барчasi билопи мазмуни ва ўкув фаолиятининг ташкил килиш усусларини ифода киласи.

Табиий кўргазма воситалари-микропрепаратлар, тирик ёки фиксиранган ўсимлик, хайвонлар уларнинг айрим бўлаклари, коллекциялар тулуплар, гербарийлар, биосистемалар (тўқай, тоғ олди, яйлов чўл) бўлиб, улар билан ўқувчилар бевосита дарсда ёки экспурсия мобайнида танишадилар. Табиий кўргазмали воситалар факат кўриши оркали эмас, балки эшиши, хид, таъм билиш органлари ёрдамида идрок килинади. Табиий кўргазмали воситалар ўрнига тасвирий кўргазмали юситалар бўзган чунончи хужайра, организм экосистемалар тузилиши, моддаларнинг даврий айланishiда оид табликалар, схемалар, моддалар, фото суратлардан фойдаланилади. Компьютер, мультимедийлар, тасвирий кўргазмали воситаларнинг алоҳида гурху санаяди.

Оғзаки ёки вербал воситалар - булар дарсликлар, илмий-оммабон китоблар, ўқитувчининг сўзи, телевизиёны ёки кинокадрлардага диктор матни, компьютер дастурлари (видеокадрлар, модеялар,) тестлар, дидактик карточкалардир.

Табиий ёки тасвирий воситаларни ўқувчи томонидан вдрок килиниши, улар устида кузатиш, ўтказиш ёки фаолият харакати ёрдамида амалга ошиди.

Мактабларда ўтказилган маҳсус психолог педагогик тадқиқотлар ўқитиш самарадолиги ошшии кўп жиҳатдан ўқувчи сезги органларини дарс жараёнда жалб этишга боғлиқ эканлигани кўрсатмокда. Укув материалини идрок этишида ўқувчининг канчалик кўп сезги органлари иштирок этса, уни ўзлаштириш шунчалик пухта бўлади. Бу жараён аллакачон дидактиканинг кўрсатмали принципида ўз ифодасини топган. Я.А.Коменский ўқитишида ўқувчининг барча сезги органларини жалб этиш дидактиканинг «Олтин қоидаси» деб айтгани бежиз эмас. Ўрга умумий таълим ўкув юртларидаги биология ўқитишнинг барча босқичларида кўргазмалилик таълим бериш воситаси эканлигини унитмаслик керак- Лекин «кўргазмалилик» атамасига табақалашгандаги ҳолда ёндошиш керак, чунки у ҳар хил педагогик тушунчаларни ўзидаги ифода киласи. Масалан «кўргазмалилик принципи», «кўргазмалилик ўқитиш воситаси», «кўргазмали курол» тушунчаларни фарқлаш керак.

Кўргазмалилик пиринципи дейилганда биологаяни ўқитмис жараёнда. Ўқитувчи амач қиласидаги дидактик принцип тушунилади. Кўргазмалилик бир вактнинг ўзидаги сезиш, мантиқ, конкрет, абстракт йўли билан билишни ўзидаги бирлаштириб абстракт тафаккурни ривожланишига ёрдам беради ва кўп Ҳолларда унинг таянчи ҳисобланади.

Кўргазмалик ўқитиш воситаси сифатида ўқувчилардан статистик ва динамик образлар хосил килишга каратилган бўлади. Кўргазмалик ўқитиш воситаси ўз мазмунига кўра кўргазмали курол тушунчасига яқин, лекин хажмига кўра унга нисбатан кенг. Масалан бўғланишга оид тажриба ёки тетек-ўрсатуб, синф тахтасида ишланган расм кўргазмали воситаси бўлиб кўргазмалик курол хисобланмайди. Кўргазмали курол бу дарсда ўқитувчи томонидан кўлланилган конкрет нарсадир. У тулуп, коллекция, гербария, тирик ўсимлик, хайвон, таблицадаги расм, схемалар шунингдек муляжлар

диафильмлар, тарқатма материал, двдактик карточкалар шаклида бўлади, Ўрганилаётган нарса ва ходисаларнинг биолопж мазмунини ифода килувчи кўргазма куроллар ўқитиш асосий воситалар, ҳар хил асбоблар чунончи пробирка, колба, тароз ва шу сингарилар кўшимча воситааар хисобланади. Ўқитиш самародорлигини оширишда амалий машгулот ва намойиш кишинадиган тажрибаларни ўтказишига ёрдам берувчи хусусан микроскоплар, лупалар, штативлар, реактивлар асбоблар иситувчи асбоблар, пинсет, препаратов ниналар, ўқитишнинг техник воситалари - кодоскоплар, телевизорлар, компьютерлар, овоз ёзувчи ва эшитирувчи - аппаратлар, магнитофонлар хам ўқигиши воситаларига киради.

Техник воситалари ораоиди аудиовшуал ва бошка табиий тасвирий воситалар шу билан устушк қиласиди улар ўрганилаётган ходиса ва жараёнларнинг барча боскичларини изашшик билан кўрсата олади. Телекўрсатувлардан биология ўқитишда фойдаланиш тирик табиагдаги воея, ходисаларни синфда ўрганиш сифатини бир неча марта ошириш имконини беради. Ўқитиш жараёнида компютерларни кўллаш ўкув материалини мустакил ўзластириш ва назорат килиш имконини туғдиради.

Кўргазмали воситалардан биология ўқитишнинг барча жараёнларкда, масалан янги ўкув материалини тушунтираётганда уни мустахкамлаётганда, ўкув кўнимма - малакаларни шаклантираётгавда, у вазифасини бажарайтганда, ўкув материлини назорат килаётганда кўлланилади. Ўқитиш воситаларини дарсда эмас, балки синфдан ташқари дарслар хам кўллаш мумкин.

3.Кўргазмали куролларнинг хиллари.

Ўз таснифи ва ахамиятига кўра биология ўқитишда кўлланиладиган кўргазмали воситалар асосий ва ёрдамчи хилларга ахратилиси. Асосий гурухи - табиий, тасвирий, оғзаки хилларга ёрдамчилари - ўқитишни техник воситалари ва лаборатория асбоб ускуналарвdir.

Табиий кўргазма куроллар ўз навбатда тирик, ўлик ва фиксиранган, тасвирий кўргазма куроллар текис ва хажмли хилларга ахратилиди. Табиий кўргазма куроллар мактаб тирик бурчагидаги тирик хайвонлар-балиқдар хашаротлар, күшлар, хона ўсимликлари, котирилган, куритиягай, фиксиранган кўргазма куроллар бўлиб уларга тулупларни, умурткасиз хайвон коллекцияларини куритилган суюкларни, микропрепаратларни, тарқатма материалларни киритиш мумкин.

Тирик ўсимлик ва хайвонларни дарс жараёнда намойиш килиш учун авваддан тайёргарлик кўриш лозим. Уларни танлашда ўкув дастур талаблари, маҳаллий шароит ва табиатни муҳофаза килиш талаблари эътиборга олиниши керак. Гербарий, коллекцияларни кўрсатаётганда шуну ёдда тутиш керакки, улар тирик организмлар тўтрасида тўлик тасаввур хосил килмайди. Шуну эътиборга олиб улар бошка кўргазма воситалар билан биргалиқда намойиш этилиши лозим. Худди шувдай холатни фиксиранган хўл" препаратларга нисбатан хам айтиш мумкин. Чунки улар узок вақт давомида ўзларини рангларини йўқотган бўладилар. Табиий кўргазмали воситаларнинг бирни микропрепаратлар хисобланади. Улар кичик организмлар - бактерия, замбуруғлар, бир хужайали хайвонлар, ўсимликларнинг хужайравий тузилишини ўзведа ифода килади. Вактинча микропрепаратларни тайёрлаш кўнимкасини хамма ўкувчилар эгаллашлари керак.

Кўпгина табиий кўргазма воситалари лаборатория ва амалий машгулотларни ўтказиш учун зарур.

Табиий равиша барча дарсларда ўсимликлар, хайвонлар ва бошка табиий обьектларни кўрсатиб бўлмайди. Кўпгина хайвон, ўсимликларни, тирик табиагнин ривожланиш жараёнлари, конуниятлар маҳсус тайёрланган тасвирля кўргазма куроллар ёрдамида тушунтирилади.

Тасвирий кўргазмали куроллар ниҳоягда хилма-хил. Улардан мулажлар, статик, динамик моделлар, ранги жадваллар, расмлар, дидактик карточкаларни кўрсатиб ўтиш ўринилди. Кўшимча кўргазма куролларга ҳар хил асбоблар, ўқитишнинг техник воситалари киритади.

Билимни назорат килиш учун саволлар.

- 1.ЎҚИТИШ воситаларнинг қандай таълим-тарбиявий аҳамияти бор?
- 2.Ўқитиш воситалар қавдай системалардан иборат.
- 3.Кўрсатмалик атамаси ўзида қандай тушунчаларни ифода қиласи.
- 4.Кўргазмали куроллар қандай турларга бўлинади?
- 5.Кўргазмали ўқитиш воситаси, кўргазмали курол орасида қандай фарқ бор?
- 6.Асосий кўргазмали куролларга нималар киради?
- 7.Ёрдамчи кўргазмали куролларгачи?
- 8.Табиий кўргазмали куролларни тушунтиринг.
- 9.Тасвирий кўргазмали куролларга мисоллар келтиринг.

14-мавзу. Биологияни ўқитиш шаклларининг системаси.

Режа:

- 1.Ўқигишининг шакллари.
- 2.Ўқитиш шаюкарининг ўзаро боғланиши.

Асосий тушунча ва гаянч сўзлар.

Система, ўқитиш шакллари, ўқитиш шаклларининг боғликдиги, биология ўқитиш шаклларининг тарбиявий таъсири.

«Система» юон тилида нарсалар, ходисалар, тушунчаларнинг маълум мантикий тартибдаги бир бутун бирикмасини ифодалайди. Методикада система тарбиявий таълим жараёвд ва унинг таркибий элементларининг бир бутунига хамда ривожланиш принциплари билан такозо қлиниади.

Мактабда ўкувчиларга таълим ва тарбия бериши ўкув ишларининг муайян шаклларида амалга оширилади. Ўқитишнинг шакли бу тарбиявий таълим жараёнида ўқитувчи томондан фойдаланидиган ўкувчиларнинг ўкув идрок Килиш фаолиятини уни ўтказилиши шароитларига мувофик колда ташкил Килинишидир.

Мактабда ўрганиладиган барча предметлар учун ўкув ишларининг асосий шакли дарслар. Дарсларда давлат дастури ва маълум даражада дарслик оеитилаган ўкув материали ўқитилади. Дарсларга катнашиши ўкувчашар учун мажбурийдир.

Биология ўқитишнинг асосий шакли-дарсларга кўшимча холда мактаб амалиётва ўқитувчининг ўкувчилар билан олиб борадиган ўкув ишларининг ошса шакллари тарихан вужудга келган. Дастрлаб мажбурий бўлмаган

синфдан ташқари ва мактабдан ташқари мапиуотлар, экскурсиялар ўқитиш системасига кўйилган.

Хозирга вактда методика ва мактаб амалиётвда биология бўйича ўкувчилар билан олиб борилингандан ўкув ишларининг кўйидага шакллари кабул килинган: дарслар ва улар билан боғлиқ бўлган экскурсиялар уй ишлари, дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари ишлар.

Методик жihatдан тўтири ташкил килинган таълим жараёнида шу ўқитишнинг барча шакллари - ўқитишнинг асосий шаклси бўлган дарс билан узвий боғлиқдир, улар биологик тушунчаларни, дунёкаршини, тафаккурни ва амалий кўнникмаларни ривожлантиради.

Синфдага дарсларда биология предметининг хаммаси ўқитилади. Дарслар курс мавзулари бўйича материалнинг изчилини бўйича ўқитишини маънай изчилилгага жойлашиди. Дарсларда ўқитувчи барча ўқитиши методларини: оғзаки, кўргазмали, амалий методларни кўллавди. У ўсимлик ва хайонларни намойиш килиди ва амалий ишлар бажариш йўли билан ўкувчиларни айрим организмларнинг ташкилларни изчилиши билан таништиради. Лекин дарсда тирик организмларнинг ривожлашини, биоценозларда хар хил организмларнинг биргаликда ишланиши кўрсатиб бўлмайди. Шунинг учун хам биология ўқитиши методикасида дарсларни тўлдириувчи маҳсус шаклларни кўллавиди. Экскурсиялар ўкувчиларни габиатда табиий турхулар, фермер хўжаликлар ёки музейларда, ўсимлик ва хайонлар билан таништиради. Экскурсиялар дарс билан узвий боғлиқдир. Экскурсияда ўрганилган обьектлар курс давомидаги кўп марта эсга олинади, тўплангандар нарсалар намойиш килинади. Экскурсияларда ўкувчилар олдинги билимларни мустахкамлаб, табиат ҳакидаги укувларини ривожлантириб топшириклар асосида кузатишлар ўтказадилар ва материал йигадилар.

Уй вазифалари экспериментал характерда бўлшипи билан дарслар билан боғлиқдир. Ўкувчилар уйда унча мураккаб бўлмаган тажрибалар кўядилар. Дарсда олинган тасаввурларни гасдиклаш учун синфда ўтказилган тажриба, амалий ишларни таъориғлайдилар ёки уларни охирига етказадилар.

Олдиндан уошибирлигандан ўй ишлари алоҳовда кизикиш касб этиди. Бунда ўкувчи шу ходисани синфда ўрганинча тажриба кўяди ёки кузатишлар олиб беради ва шу мавзу бўйича дарсга иш натижаларини олиб келади.

Эксперименглар тартибдаги ишлардан ташқари фикр юритиш учун, келгуси дарсда, яъни материал билан боғланиш ўрнатиш максадида илгари ўтилган мавзулар бўйича масалалар ва саволлар берилиши мумкин.

Дарслан ташқари ишлар ўй ишларига нисбатан мураккаброк бўлиб, уларни бажариш учун тегишли ўсимликлар, маҳсус асаблар ва бошқа жихозлар талаб килинади. Дарслан ташқари ишларга: биология хонаси, тирик табиат бурчагидаги, ўкув тажриба участкасвдаги ва табиатдаги ишлар киради. Биология кабинети ва тирик табиат бурчагидаги ўтказиладиган ишлар учун ўкувчиларга топширикларни дарсларда куронинг барча мавзулари бўйича ўкув йили давомида бериб борилади. Ўкувчиларнинг ўкув-гажриба участкасидаги ёзи топширикларнинг натижалари хам барча синфлар бўйича кузда ўтказиладиган дарсларда фойдаланилади. Дарслан ташқари ишлар маҳбурийдир ва бунинг учун ўкувчилар баҳо оладилар.

Синфдан ташқари машғулотларнинг мажбурий бўлмаган, кўнгиллари шакллари; индивидуал ишлар синфдан ташқари ўқишлар ёки табиатшунослар тўгарагининг иш, оммавий кечалар, ижтимоий фойдали меҳнатлар кенг кўлланилади.

Синфдан ташқари ишлар ўкув материали асосида унга бопшқ ходда уошибирлидади. Бирок унинг мазмунини такрорламавди, дастур доираси бнгаан чекланмайди. Аммо уни тўлдиради. Ёш табиатшунослар тўгараги биология дарсаянда намойиш килиш учун курс бўйича кулай ва керакли тажрибалар кўйиб беради.

Синфдан ташқари ўқитилар, агар ўкувчиларнинг ўқиганлари дарсларда, экскурсияларда, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларда жой олса, яъни ўқитиши жараёнига узвий кирса, яхши беради: ўкувчилар ахборот ва докладлар билан чикадилар, ўқиганлари ҳакида мақалалар ёзадилар.

Мисол учун «кон» ва «кон айланиш» мавзуларини ўтишда ўқлтувчи турли методлардан фойдаланади. Айни пайтда ўқитувчи ўкувчи группалари: диффузия ва осмос ходисанинг ўрганишга оид тажрибачар кўйиши, одам ва бақа конидан препарат тайёрлаш, коннинг шаклини элементларини модетини ясаш, кон гурухларини аниқдаш, артерияларда пульси санаши каби топшириклар беради. Ўкувчилар бу топширикларни дарсдан ташқари вактларда бажарилилар. Имконияти бўлганда ўқитувчи кон кўйиш институти, тибиёт музейига экскурсия ташкил этиди. У экскурсия мазмунига оид ўкувчиларга саволлар беради. Экскурсияда кайси масалачарга кенгрок эътибор беришни кўрсатиб беради. Экскурсиядан кейин ўкувчилар расм ва схемалар билан таъминланган қисоботлар тайёрлайдилар. Укувчилар экскурсия мавзусига оид деворий газеталар тайёрлайдилар. Энг яхши ҳисоботлар таъориғланишида фойдаланилади. Буларнинг барчасида ўкув шакллар билан тўғри ва тескари боғланиши кўринади. Ўкувчиларнинг иш натижалари манбай сифатида дарсга киритилганда, ўкувчиларнинг ўзлари бу тескари боғланиши таълимотига эмас, балки алоквда тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Дарс ўкув ишларининг ташкил килинган барча шаклларини камраб олуви бутун тарбияловчи таълим жараёнининг марказий қисмидир.

Кўпинча ўқитиши шакллари тўғриовдага тушунчаларни методлар тўғрисидаги тушунча билан аралаштириб юборадилар, масалан, экскурсияни «Экскурсия методи» деб аталади. Бу тўғри эмас, чунки ўқитишининг хар бир шаклида методлар кўлланиши мумкин.

Биология ўқитиши системаси асосан тарбияловчи таълим асосий элементларнинг ривожланишидан, ўқлтишнинг барча шакллари ўргасидаги боғланишлардан иборатdir. Дарсда иммий биологик тушунчалар ва амалий ўкувлар ривожлантирилиши, улар уй ишларидаги хам экскурсияларда хам ривожланишида давом этади.

Уқитиши шаклларини хар бири унинг ўзига хослиги, предметнинг мазмуни, табиявий таълимнинг умумий принциплари билан белигаланган ўзининг системасига эга.

Уқитиши шаклларининг ўзаро боғланиши кўйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Уқитишининг шакли	"Уруғ" мавзуси	"Илдиз" мавзуси
Дарс (амалий иш)	Икки ва бир паллали ўсимликлар уруғини аниқлаш. Уруғнинг тузилишини, таркибини, унувчанлигини аниқлаш. Урут кисмларини	Илдиз системаларини аништади. Илдизларни таъкорлашади. Илдиз туклари ва кисмларини микрос-копда ўрганишади.

	такъолаш.	
Экскурсия	Ёввойи ва маданий ўсимликларнинг уруғини кузатиш ва йигаш.	Илдизнинг ўсишини кузатиш. Бир ва икки паллалилар илдизини йифиши.
Үй ишлари	Урӯғнинг бўртишини кузатиш. Уруғларни хар хил шароитда ундириш.	Сувда ўсимликларни ўстириш. Кўшимча илдизларни хосил бўлишини кузатиш.
Тирик табиат бурчагвдага ишлар	Уруғларнинг экиш чукурлгини аниқдаш. Мевачарни стратификация килиш. Унувчанлик фоизини аниқлаш.	Турли шароитларда илдизнинг ривожланисини кузатиш. Илдизмеваларни тақкослаш.
Ўкув-тажриба участкасидаги ишлар	Экишнинг энг яхши усууларини аниқдаш. Уруғларни қалин ва сийрак экиш, натижаларини кузатиш.	Гвдропоника усуульда ўсимликлар нгандизини ривожланисини кузатиш. Тупрок унумдорлигани аниқлаш.

Билимни мустахкамлаш учун саволлар.

1. Биология ўқитиш шаклларига нималар киради?
2. Биология ўқитиш шаюшари таълим-тарбдавий аҳамияти нимадан иборат?
3. Дарс ўқитишнинг бошқа шакллари билан қандай боғланади?
4. Ўқитиш шакллари ўртасида тўғри ва тескари боғланишлар мавжудми?

15-мавзу. Биологиядан йиллик истикбол ва мавзули режа тузиш йўллари.

Режа :

1. Биологиядан йиллик истикбол ва мавзуя-таквим режа тузишнинг аҳамияти.
2. Ўкув дастуридага дастуридаги боблар ва мавзулар ўкувчиларда биологик тушунчаларни шакллантириш тизими эканлиги.
3. Биологиядан лаборатория ва амалий машгулотларнинг мақсади, вазифалари, таълим-тарбия жараённida тутган ўрни.

Маълумки, умумий ўрта таълим мактабларида биологияни ўқитишнинг асосий шакли дарс саналади. Дарсда ўкув фани юзасидан асосий ўкув материали ўрганилади, лекин дарс ўқитишнинг бошқа шакллари бўлган дарсдан ташқари ишлар, синфдан ташқари машғулотлар ва экскурсиялар билан узвий боғлик. Дарсдан ташқари ишлар масалан, табиатда, уйда ва тирик табиат бурчагида олиб борилган кузатишлар ва ўтказилган тажрибалар натижалари, экскурсияда тайёрланган гербарийлар ва коллекциялардан дарсда фойдаланилади. Синфдан ташқари машғулотлар ўкувчиларнинг биологая ўкув фанларидан ўзлаштирган билим ва кўникмаларини мустахкамлашга, кенгайтиришга, ривожлантиришга, касбга онгли радиша йўллашга хизмат килади.

Демак, биологияни ўқигишида дарс, дарсдан ташқари ишлар, синфдан ташқари машғулотлар ва экскурсиялардан ўз ўрнида режали ва самарали

ташкил этилиши, яъни ўқитишга тизимли ёвдошувни амалга оширилиши лозим.

Ўқитувчи ушбу мапнүотларни бир-бири билан узвий радища ташкил этиш асосида биологик таълим самарадорлигига эришиш, ўкувчиларда илмий дунёкашни шакллантириш, умумбиологак ва хусусий тушунчалар хамда ўкув-амалий кўникмаларни изчил радища таркиб топтириш, мантикий фикр юритишига ўргатишни назарда тутади.

Биологияни ўқитишда тизимли ёндошувни амалга ошириш учун ўқитувчи ўкув ийли бошвда истикбол режа тузиши лозим. Мазкур режа биологиини ўқиташнинг барча шаклларини узвий радища камраб олиши, ўкув дастуридан ўрин олган боблар ва мавзулар бўйича дарслар тизими, ўкув йилидаги чораклар ва таътиллар хисобга олинган ҳолда ўтказиш муддатлари, фанлараро боғланишлар, экскурсиялар, дарсдан ва синфдан ташкари ишлар акс этади.

Биология ўқитувчи истикбол режа тузиши учун:

- Ўкув дастуридаги хар бир бобнинг дидактик мақсадини, шунишдек, бобдаги мавзуларнинг таълими, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини аниқ тасаввур килиши;
- Мавзуларни ўқигишида йил фасллари, мавзунинг таълими, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари, ўкувчиларда шакллаятириладиган биологик тушунчалар, таркиб топтириладиган кўникмаларни хисобга олган ҳолда ўқитиш методлари, кўргазма воситаларини танлаши;
- Ўкувчилар томонидан ўтказиладиган кузатиш ва тажрибаларнинг мазмуни ва муддатларини аниқлаши;
- Дарсда намойиш этиладиган тажрибаларни аввалдан тайёрлаш муддатларини беягилаши;
- Хар бир дарсда таълим-тарбиянинг узвийлига, боблар, мавзулар ва фанлараро боғланишларни амалга ошириш ѹйларини белгилаши;
- Ўкувчиларнинг мустакил ишлари учун дидактик ва тарқатма материалларни тайёрлаш, мустакил ўқиш учун қўшимча адабиётларни танлаши;
- Амалий ва лаборатория машғулотлари, экскурсияларни ташкил этиш учун зарур бўладиган лаборатория жихозлари ва асбобларини аниқдаши лозим.

Хулоса килиб айтгавда, ўқитувчи истикбол режада ўқитиш жарабанинг яхлитлигини назарда тутиши, ўз педагогик фаолиятини шу режа асосида ташкил этиши, унда ўқитишнинг барча шаклларининг узвийлигини таъминлаган ҳолда уларни ўтказиш муддатлари кўрсатилган бўлади.

Биологияни ўқитишда фойдаланиладиган истикбол режани тузиш учун КЎЙидаги жадвал намуна сифатида берилмокда.

Боблар ва мавзула	Соат	Муддат	Фанлараро боғланиси	Экскурсия	Сингран ташкар и ишлар
—!	I)'	"[[

Укув йили учун тузилган истикбол режа қагый эмас, унга йил давомида муайян холатларни хисобга олган ҳолда гегашли ўзгартиришлар

киритиш, экскурсия ва синфдан ташкари ишларни ташкил этиш ва ўтказш муддатлари ўзгартрилиши мүмкун.

Ўқитувчи истиқбол режага асосланиб ўқитиши ташкил этиш учун мавзули таквим режага тузади. Мазкур режани тузиша:

- Хар бир ўкув фани дастури мазмун ва моҳиятига кўра изчилилди жойлашган боблардан иборат эканлига;
- Дастурдан ўрин олган хар бир боб мантикий жихатдан бир-бирига узв боғлик бўлган ўкув материалларини бирлаштириши;
- Хар бир боб мантикий жихатдан узвий боғланган дарслар тизимиш иборат эканлига;
- Хар бир мавзу мазмунига кўра, ўкувчиларда муайян биологи тушунчаларни шакллантириш ва кўнікмаларни таркиб топтиришига замш тайёрлашини назарда тутиши лозим.

Маълумки, биологияни ўқитишида мавзу матнвда устунлик клувлеч тушунчаларга кўра, морфологик, анатомик, физиологик, систематик гагаеник, экологик, эмбриологик, цитологик ва х.к. мазмундаги дарсларни ажратилиди. Дарсларнинг бундай гурухларга ажратилиши ўкувчиларда тушунчаларни шакллантириш ва кўнікмаларни таркиб топтириши жараёнини ўйнунлаштириш ва уларни узвий равишда ривожлантириш имконини беради.

Дарс мазмуни таркибидаги тушунча ва кўнікмаларни ўкувчилар томонидан мустаҳкам ўйлаштиришлари учун ўқитувчи кўргазма воситалари ва ўқитиши методларини танлайди.

Морфологик, анатомик, систематик тушунчалар (табиий обьектларни аниклаш, уларнинг органларини ажратиш, микропрепараторларни микроскоп ёрдамида кўриш, ўсимлик ва хайвонларни кайси систематик гурухга мансублигани аниклаш ва х.к.) асосан, лаборатория жихозлари, кўргазма ва тарқатма материалларни, методлардан амалий методларни, физиологик ва экологик мазмундага дарслар тажриба ва кузатишлар ўтказиш, кўргазма воситалари, кинофильм, видеофильм, мультимедиаларни намойиш қилишни методлардан кўргазмали методларни, мавзулар бўйича умумлашган, умумбиологик тушунчаларни ривожлантиришига мўжжалланган мавзулар мантикий метод (таккослаш, ўхшашлик ва фаркларни анишлаш, умумлаштириш ва хулоса чиқарши ва х.к.) ларни такоза этади.

Хар бир боб якунида ўтказиладиган умумлаштирувчи дарсларда, дарснинг таълими, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларига мос холда муайян кўргазма воситалари ва методлардан фойдаланилди. Биология дарсларида тасвирий кўргазма воситалари билан бир каторда табиий обьектлардан фойдаланиш максадга мувофиқ, шу сабабли ўқитувчи узок вакт давом этадиган кузатиш ва тажрибалар учун зарур бўлган муддатларни хисобга олган холда ўз вактвда масалан, «Баргда органик модааларнинг хосил бўлиши»ни ўрганиш тажрибаси ўн кун аввал, «Урууларштг униб чиқдиш шартшароитлари» тажрибаси, инфузория-туфелькаси кульгураси бир хафта олдин тайёrlаши лозимлиги хисобга олиниши зарур.

Шундай килиб, мавзули режа ўкув фани бўйича дарсларнинг тизимини, мазмуннинг мантикий ривожланиши, методларнинг турлари, кўргазма воситалари, дарслар ташкари ишлар, ўкувчиларнинг мустакил тахсилини ўз ичига олади. Бувдан ташкари ўқитувчи мавзу бўйича ўкувчилар томонидан бажариладиган ўй вазифалари, дарслар ташкари ишларнинг мазмуни ва характеристи, мустакил ўкиш учун кўшимча адабиётларни аниқлашни зарур.

Ўқитувчи хар бир бобда тушунча ва ўкув-амалий кўнікмаларни ривожлантириш ючилигани, шунингдек, татдим-тарбиянинг узвийлигани амалга ошириш йўлларини белгилайди, зарур холларда мавзули таквим режага тегашли ўзгартришлар киритади. Куйида ботаникадан «Поя» боби» бўйича тузилган мавзули режани намуна сифатида тавсия этилади.

Дарс №	Дарснинг мавзуси, асосий тушунчалар	Фойдалани технология	Кўргазма воситалари	Дарслар ташкари ишлар	Мустакил таълим
18	Поя. Новда. (морфологик тушунчалар)	Модули таълим технологияси	Еввойи, маданий ўсимликлар гер. вегетатив ва генератив новдалар жад.	Дараҳт, ўт ўсимликлар поясини таккослаш	
19	Куртак (анатомик, морфологик, экологик, генетик тушунчалар)	Хамкорли кда ўқитиш технологияси	Куртакли новдалар, генрабрий жадваллар	Вегетатив, генератив, учки ва ён новдаларнитак қослаш	
20	Пояларнинг хилма-хиллиги (морфологик, анатомик тушунчалар)	Хамкорли кда ўқитиш технологияси	Пояларнинг хилма-хиллиги акс этган гер, жад.	Усимлик поясининг хили, шакли ўзгарган новдаларни аниклаш.	
21	Поянинг ички тузилиши (анатомик, цитологик, экологик тушунчалар)	Анъанавий таълим технологияси	Ёғоч поянинг ички тузилиши жад. «Поянинг тузилиши» ўкув к/ф	Дарсликда берилган топширикларни и бажариш	
22	Поянинг бўйича ўсиши. (анатомик.морфологик, экологик, цитологик тушунчалар)	Анъанавий таълим технологияси	Хона ўсимликлари, гербарий жадваллар	Поянинг учки ва ён ўсиши нуктасини топиш, тез ва секин ўсадиган ўсимликларни кузатиш	
23	Поянинг энига ўсиши. (анатомик.морфологик, экологик, цитологик тушунчалар)	Анъанавий таълим технологияси	Поянинг эни ва бўйига кесиги, поянинг тузилиши жад.	Усимликларнинг нисбий ва мутлоқ ёшини, ийил хачкаларини аниклаш.	
24	Пояда ~озик моддаларнинг »ғакатланиши.	Анъанавий таълим технология	Картошка тугунағи, пийз, йод эритмаси,	Пиёзбош, тугунак, илдизпояларн	

(анатомик, морфологик, экологик, цитологак)	си	гербарий жадваллар	ва	и таққослаш ва вазифаларини аникдаш	
---	----	--------------------	----	-------------------------------------	--

Биология ўкув дастурида ўкувчиларнинг ўзлаштирган билимларини мустахкамлаш, уларни амалиётта кўллаш оркали биологак, амалий ва ўкув меҳнати кўншишларини таркиб топтириш максадида лаборатория маниулотлари киритилган. Кўйида, «Одам ва унинг саломатлига» ўкув фани дастурдан ўрин олган лаборатория машгулотлардан намуналар берилмокда.

Боб	мавзу	Лаборатория машгулоти!"
Одам организмининг умумий обзори	Тўқималар. Эпителиал, бириктирувчи, мускул ва нерв гўқималари	1-лаборатория машгулоти. Тўқималарнинг тузилиши: эпителиал, бириктирувчи, мускул ва нерв тўқималари 2-лаборатория машгулоти.
Таянч-харакатланиш системаси	Мускуллар ва уларнинг функцияси.	1 -Мускулларнинг динамик ва статик ишини кузатиш. 2. Таянч-харакат системаси шикастланганда биринчи ёрдам кўрсатниш
Кон	Коннинг шаклии элементлари	3-лаборатория машгулоти. Коннинг шаклии элементларини ғораниш

Ўқитувчи лаборатория машгулотларини талаб даражасида ўтказиш учун:

- Лаборатория маннупотларининг двактик мақсадини аниклаши;
- Лаборатория машгулоти учун зарур бўладиган жихозларни гайёрлаши;
- Лаборатория машгулотида ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш йўлларини беягалаши ва шу асосда машгулотнинг боришини лойихалashi;
- Ўкувчиларнинг тажриба ва кузатиш ўтказиш жараёнида зарур бўладиган топшириклар учун кўрсатмалар тайёрлаши;
- Лаборатория машгулоти топшириклари бўйича ўкувчилар томонидан тайёрланадиган ахборотни расмийлаштириш йўлларини аниклаши лозим.
- Лаборатория машгулотининг бориши ва олинган натижаларни тахлил килиши, зарур холларда тегашли ўзгартиришлар киритиши лозим.

Биология ўкув дастуридан ўкувчиларнинг ўкув ва амалий меҳнат кўнникмаларини ривожлантириш мақсадида амалий машгулотлар ҳам ўрин

олган. Ўклтувчи мазкур амалий машгулотларнинг самарадорлигани ошириш максадида кўйнагиларга эътаборини қаратиши лозим:

- Ўкув дастуридан ўрин олган амалий машгулотларни истикбол ва тақвим мавзули режадаги ва таълим-тарбия жараёнида тутган ўрнини аниклаши;
- Амалий машгулотларининг дидактик мақсадини аниклаши;
- Амалий машгулотини ўтказиш учун зарур бўладиган жихозларни тайёрлаши;
- Амалий машгулотда ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш йўлларини белгалаши ва шу асосда машгулотнинг боришини лойихалashi;
- Ўкувчиларнинг тажриба ва кузатиш ўтказиш жараёнида зарур бўладиган топшириклар учун кўрсатмалар тайёрлаши;
- Амалий машгулотнинг бориши ва олинган натижаларни тахлил килиши, зарур холларда тегиши ўзгартиришлар киритиши лозим.

Хуроса килиб айтганда, биология ўқитувчиси ўкув йили бошида ўкув фанини ўқитишини режали ва тизимили амалга ошириш мақсадида истикбол режа тузиши, унда фанларро боғлишишлар, экскурсия ва синфдан ташкари ишларни белгилаши, шу асосда мавзули-таквим режа тузиши зарур. Мазкур мавзули-таквим режада дарс, дарслан ташкари ишлар, лаборатория ва амалий маниулотларни белгилаши, дарс ва машгулотларни талаб даражасида ташкил этилиши ва ўтказишига эришиши лозим.

Асосий тушунчалар ва таянч билимлар:

Биологиядан йиллик истикбол ва мавзули-таквим режа тузиш, боблар ва мавзуулар ўкувчиларда биологик тушунч & чарни шакллантириш тизими, дарс, лаборатория ва амалий машгулотларнинг мақсади, вазифалари, таълим-тарбия жараёнида тутган ўрни.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ САВОЛЛАРИ:

- Биологиядан йиллик истикбол режа тузишнинг аҳамиятини аникланг.
- Мазкур режани тузища ўқитувчи нималарни назарда тутиши лозим?
- Биологиядан мавзули-таквим режа тузишнинг моҳиятини аникланг.
- Мавзули-таквим режа тузища ўқитувчи нималарга эътиборини қаратши зарур деб хисоблайсиз?
- Ўкув дастуридага дастуридаги боблар ва мавзуулар ўкувчиларда биологик тушунчаларни шакллантириш тизими эканлият!ни аникланг.
- Биологиядан лаборатория ва амалий машгулотларнинг мақсади, вазифалари, таълим-тарбия жараёнида тутган ўрнини белгланг.
- Биология ўкув фанларининг дастурларини та\пил килинг ва истикбол, мавзули-таквим режа тузинг.

16-мавзу. Биология дарсларида замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Режа :

1. Педагогак технологиялар хакида тушунча.
2. Биологияни ўқитишида двдактик ўйинли дарслардан фойдаланиш.
3. Биологияни ўқитишида муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш.
4. Модули таълим технологиялари ва модули дарсларнинг ўзига хос хусусиятлари.
5. Биология дарсларида хамкорликда ўқигиши технологияларидан фойдаланиш.
6. Биология дарсларвда ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалдага иккинчи сифат боскичи таълим муассасаларвда ўқитиладиган барча ўкув фанларини илфор педагогик технологиялар билан таъминлашни кўзда тутади. Шу сабабли барча ўкув фанлари каби биологияни ўқитишида хам педагогах технологиялардан фойдаланиш замон талаби саналади.

Педагогик технология атамасига хар бир двдакг олим ўз нуктаи назарвдан келиб чиккан хода таъриф берган. Хали бу тушунчага тўлиқ ва ягона таъриф кабул килинмаган. Ушбу таърифларнинг ичида энг максадга мувофиғи ЮНЕСКО томондан берилган таъриф саналади.

Педагогик технология - ўқитиши шаклларши оптималлаштириш максадида ўқитиши ва билимларни ўзлаштириш жараёнинда инсон салоҳияти ва техник ресурсларни кўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Бу ерда, иноон салоҳияти дейилганда, ўқитувчининг педагогик ва ўқувчиларнинг ўкув-билиш фаолияти, техник ресурслар дегандা ўқитиши методлари ва воситалари назарда тутилмоқда.

Бизнинг назаримизда, педагогик технология - таълим жараёнининг самарадорлигани ошириш максадвда ўқитиши ва билимларни ўзлаштириш жараёнинда ўқитувчининг педагогик ва ўқувчининг ўкув-билиш фаолиятини ўйун равишда ташкил этиши, мазкур фаолиятни фаоллаштириши максадида, самарали ўқитиши методлари, воситалари ва шаклларни кўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқдаша имкон берадиган тизимлар мажмуаидир.

Педагогик технологияларнинг учта даражаси мавжуд:

1. Умумий методик даражада. Умумий педагогик (умумидидактик, умумтарбиявий) даражада педагогик технологиянинг умумий қонуниятлари, концептуал асослари, ўқитувчи ва ўқувчининг билиш фаолиятини ташкил этиши ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ишлаб чиқилади.
2. Хусусий методик даражада муайян бир ўкув фани, курсни ўқитиши жараёнининг максади ва вазифаларини амалга ошириш максадида таълим мазмунини ўкувчилар онгига сингеришида фойдаланиладиган ўқитиши методлари, воситалари ва шаклларининг мажмуаси тушунилади.
Асосий тушунчалар ва таяниш сўзлар.

Ўкув гажриба участкасининг таглим ва тарбиявий аҳамияти. Модций базада ўкув тажриба участкасини тутган ўрни. Ўкув тажриба участкасининг асосий бўлимлари. Участкада олиб бориладиган тажрибалар ва ўкув ишлар.

1. Ўкувчиларга аниқ пухта, мантикий тузиленган план асосида ишлаш укувини сингдириш зарур. Бунинг учун мактаб ўкув тажриба участкасида катта педагогик имкониятлар бор. Участка териториясида ташкил этишинг, экин ва қўчатлар экишининг педагогик ўйланган режасини тузишни биринчи ўринга кўйилиши керак.

Ўкувчилар мактаб участкасида иишаб, биологиадан олган бишмларини янги олинган ўсимлик ва хайвонлар мисолида мустахкамлайдилар. Улар кишлек хўжалик экинларини этиширишнинг ва хайвонлар парваришининг ёнг мухим агрономик усуслари тўғрисвда тасаввурлар ҳамда улар билан ишлашнинг муайян системадага кўнгилмаларни хосил киладилар. Участкадаги ишлар ўкувчиларда ташкилотчилик, жамоатчилик кўнгилмаларини, меҳнат

маданиятини, эстетик туйгуларни, ўсимликни кўпайтириш билан табиатни кайта ишлаб чиқариш кўнгилмаларни тарбиялаши керак. Ўкув тажриба участкасида кузда, баҳорда ботаника, зоология ва умумий биология бўйича дарслар ва амалий машғулотлар, ёзда, кузда ва баҳорда тажрибалар кўйиш ва кузатишлар ўтказиш, ботаника, зоология ва умумий биология дарсларга тарқатиладиган ва демонстрация материаллари тайёрлашлаш бўйича дарсадан ташкири ишлар ўтказилади. Участкада ёш табиатшунослар иш олиб боради ва мактаб, синфдан ташкири тадбирлар: хосил куни, bog куни, кушлар куни, кўргазиалар, оға-оналар, бошқа мактаб ўкувчилари учун экокурсиялар ва шу кабилар ташкил килинади. Мактаб участакасида, мактабда ўрганиладиган ўсимликлар: дала, полиз, резавор мевалар, манзарали ва ёввойи ўсимликлар бўлиши керак. Шунга мувофик, участка аниқ чегараланган: дала, полиз, резавор мева, манзарали, биологик ва зоологик бўлимларга эга бўлиши зарур. Участкада метрологик станция, аудитория барпо этиш зарур. Ҳар бир бўлимда ўсимлик коллекцияси ва улар устида тажриба ўтказиш учун жой ажратилади.

Дала бўлими икки: коллекция ва тажриба кисмларга бўлинади.

Коллекция кисми кўйидаги далаларга ажратилади: биринчи далага - сули, ўтлар; иккинчи далага - дононг экинлар: жавдар буёд, арпа, тарик, макхажӯкори; учинчи далага - дуккакли экинлар: нўхот, ловия, соя ва ем хашиб ўтлари, беда; тўртинчи далага - толали экинлар: зигир, каноп, мойли экинлар: кунгабоқар, канакунжут, ёрёнгок; бешинчи далага - чопик талаб экинлар: картошка, канд ва хашибаки лавлагилар; олтинчи далага - эфири ва доривор ўсимликлар ялпиз; еттинчи далага - техниска экинлари: гўза, каноп экинлари.

Тажриба вадсмларидаги биринчи далада кора шудгорда бегона ўтларни пайдо бўлиши ва уларга карши кураш, яшил ўйтлар билан ўтилганган ва ўтилганмаган ерда келгуси йилда фалла экиш. Иккинчи далада экишининг яхши усулини аниқлаш. Учинчи далада беда ва унга араплаштирилган пичан хосили. Тўртинчи далада картошканларнинг ер уотки тутунакларини хосил килиш, чопикли таъсири, картошкани кўпайтириш усуслари, картошкадан юкори хосил олиш.

Сабзовот экинларини бўлимида - алоҳида участкага кўп йиллик экинлар кашлекцияси: ернок шавеяъ, равоч ўтказилади. Бўлиминг колган майдоноши сабзовот алмашлаб экиш учун 4 та далага ажратилади. 1-Далада: гўнг билан янги ўтилганган ерга барғли экинлар, хар хил навлни карам: мөш ва клоил карам, гуя карам, помидор, пиёз. 2-Далада: мевали экинлар. 3-Далада: минерал ўштлар билан ўтилганган ерга илдиз мевали: сабзи, лавлаги, шолғом, редиска. 4-Далада: дуккакли экинлар: ловия, нўхат ва эртнга картошка экилади.

Сабзовот экинлари устида ўтказриадиган тажрибалар кўйидагалар улиши мумкинхрага кўшимча ишлов беришнинг таъсири. Каламчадан купаитириш, чатиштириш, новдаларнинг чилпишнинг таъсири, яхши усуимларни уруғдик учун ажратиш, асосий экиачар: карам, помидор, лавлага, пиёз, бодринг ва бошкалардан юкори хосил этишириш.

Ўтитида тажрибада Ринг барчасдан ботаника У-У1 синфлардага мавзуларни "санит^Тен Гикт³" ва "Ч⁴ лекция" "Ч⁵" мавзуларини ўтишда фойдаланилади.

Резавор- мева экинпари бўлимининг катта вдтсми мевали боғ учун, кичикроқ кисми резавор-мева экинлари ва яитомник учун ажратилади.

Коллекция учун бокка олча, нок, дўлана ўсимликларини экиш керак.

Резавор- мева бўлимини ташюш килишда катта ёшли мева дараҳтлари улар устида кузатиш олиб бориш учун, тез ўзгарувчан ёш, шакл бериладиган дараҳтларга унчалик кизиқарли бўлмавди. Шунинг учун мактаб участкаснца питомник бўлиши зарур. Резавор- мева экинлари гулларни сунъий чанглатиш, мевали дараҳтларни куртак ва исказа пайванд қилиш, резавор - меваларни пархишлаб ва қаламчалардан кўпайтириш бўйича тажрибалар ўпсазилади. Вегетатив кўпайтириш кўнкималарига алоҳида эътибор бериш керак.

Манзарали ўсимликлар бўлимида куйидаги ўсимликлар бир йилликлардан: -бахмалгул, тамаки: икки йилликлардан: -картошкагул, гулсафср. Бугалардан: сирень, чирмашиб ўсадиган ўсимликлар-ёввойи ток, пеҷактуд. Манзарали ўсимликлар билан У-У1 ва IX синф ўкувчилари ёввойи ўсимликларни маданийлаштириш бўйича, чатиштириши, пайвандлаш пархишлаб кўпайтириш, кун узунлигини тасири, ўтгилаб сугоришининг тасири, шоналарни чилиши билан ўсимликни гулаши вактини ўзгартириш бўйича тажрибалар ўтказадилар.

Ўсимликлар биолопмси бўлими, ботаника, зоология, умумий биология курслари бўйича аҳамиятга эга бўлган ўсимликлар биологаси бўлими мактаб ўкув тажриба участкасида бўлиш керак. Бу ерда энг муҳим биология конунжаларини аниқлаштируви тажрибалар кўйилади. Ёввойи ўсимликларни ўтказади ўкувчиларни эътиборини ўраб олган табиатни билаб олишга қаратилади.

Зоология бўлимида тажрибалар ва амалий ишлар учун кўёнлар, вольерларда ёки товукхоналарда товуклар бўлиши шарт. Хайвонларнинг ўсимлик мухити билан бўлган табиий боғланиши ишини тушунтириш учун участканинг ўсимликлари бўлган турли бўлимлардан фойдаланилади. Мисол: сабзовот бўлимида ўкувчилар баъзи бир заракунандалар ривожланишини кузатиш учун ажратиб кўйиладар. Резавор-мева бўлимида мева дараҳтларнинг заракунандаларини устида кузатишлар олиб борилади.

Метеоролог станция учун ер, дараҳтлар ва иморатлардан узокроқда жой ажратилади: уни ўсимликлар биологаси бўлимининг олдида ёки дала ўсимликлари бўлимининг ўргасида жойлаштирилган макъул. Одам ва унинг саломатлик курсини ўқитиши процессида участканан фойдаланиш мумкин. Чунончи VIII синфда ўкувчилар устидан уларнинг меҳнат фаолиятида алоҳида кузатишлар олиб бориш мумкин. Мактаб участкасида тўғри ва нотўғри ритмда ишлаганда чарчаш даражасини хисобга олиш мумкин.

Участкада ёпик жой бўлиши зарур, унинг остида ўкувчилар ёмғир ёғаётган вактда яширинадилар кузда эса ўсимликларни кутиши учун фойдаланилади. Мактаб участкасида асбобларнинг сакланадиган асбоблар омбори бўлиши шарт, у ерда белкурак, метин хашқаш, арра, болға, боғ қайчиси бўлиши шарт. Участкадага ишлар ўкувчиларга ташкилотчилик, жамоатчилик кўнкималарини, меҳнат маданиятини эстетик туйулашини, ўсимликларни кўпайтириш билан табиатни қайта ишлаб чиқариши кўнкималарни тарбиялаш керак. Мактаб участкасида мактабда ўрганиладиган ўсимликлар: дала полиз, резавор-мева, манзарали ва ёввойи ўсимликлар бўлиши керак.

Билимни текшириш учун саволлар.

1. Мактаб ўкув тажриба участкасида қандай таблим ва тарбиявий аҳамият бор? маҳтаб ўкув тажриба участкасида қандай бўлимлар бўлиши керак?
2. Дала ўсимликлар бўлими қандай кисмларни ўз ичига олади?
3. Резавор-мева экинлари бўлимида қандай ўсимликлар экилади?
4. Ўкув тажриба участкасида кавдай экспериментлар ўтказашги мумкин?

24-мавзу: Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида биологияни ўқигининг ўзига хос хусусиятлари

Режа:

1. Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларвда биологик таълим мазмуни.
2. Биологядан давлат таълим стандартларининг таҳтили.
3. Биологияни ўқитишида қасбий йўналтирилганлик.
4. Биологияни ўқитишида тизимли ёндошувни амалга ошириш.

Узлуксиз таълим тизимининг мустакил тuri бўлган ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида биологияни умумтамим фани сифатвда ўқитиши ягона ўкув дастури асосида ташкил этилса-да у икки йўналишида амалга оширилади.

Академик лицей ўкувчиларнинг интеллектуал кобилиятларини жадал ўтишиш, уларнинг чуқур, табакалаштирилган билим олишларини таъминлайдиган муассаса эканлигани хисобга олган холда, биологияни ўқитишида илмий-назарий масалаларга кенг ўрин бериш, ўкувчиларнинг чуқур ўзлаштираётган фани билан фанлараро боғланишларни амалга ошириш, уларнинг кизиқишилари ва эхтиёжлари, мустакил, ижодий ва мантикий фикр юритиш, тажриба кўйиш ва кузатиш кўнкималарини ривожлаштириш, илмий дунёкаришини кенгайтириш масалаларига эътиборни каратиш, илмий тадқидот институтларида олиб борилаётган илмий изланишлар мазмуни ва натижалари, биолог олимларнинг хаёти, уларнинг фан ривожига кўшган хиссалари билан танишиши, учрашувлар ташкил этиш тавсия этилади.

Қасб-хунар коллежларининг ўкувчилари танлаган қасблари бўйича ихтиосслик олишларини назарда тутган холда биологияни ўқитишида кўпроқ амалий масалаларга, айниска кишилек хўжалик, тибиёт, ўрмончилик, баликчилик, озиқ-овқат, енгил саноат, ҳамда ҳалк хўжалигининг бошча соҳаларида биологиянинг тутган ўрнига аҳамият қартилади. Ўкув юртнинг ихтиосслигига боғлик холда жамоа, фермер, ўрмончилик хўжаликлари ва тиъсiet муассасаларига ўюшибтириш, табиатни муҳофаза килишининг назарий ва амалий масалаларига эътиборни караташ лозим.

Урта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида биологик таълим 1^7¹ц дайвад таълим стандартлари билан меъёрланган, шу асосда ўкув ТайерЛанГан Ва ^ ^ " ^ Ф 118 - * 0. Д^а Дарсликнинг янги авлоди яратишган

Биол фоаллаштирилган^{опм} ^ Р^оЧ^у* ўкувчиларнинг ўкув-билиш фоалиятини билимлапин¹¹ч¹ Мустакил¹ ишлари ва ижодий фикр юритиш, ўзлаштириган Р назорат килиши ва ўз-ўзини баҳолаш, мантикий фикр юритиш

операцияларини бажариш натижасида биологик билимларни онгаи ўзлаштириш кўнікмаларини эгаллашларига замин тайёрланган.

Ўқитувчи биологик тамим самарадорлигига эришиш ва ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариши учун тамғам мазмунининг таркибий кисмлари ва уларни ўкувчилар томонидан ўзлаштириш усусларини билиши лозим.

Таълим мазмунининг таркибий кисми бўлган билимлар ўкувчилар томонидан ўкув материалаш сезги органлари орқали қабул қилиш, тасаввур қилиш, абстракт фикр юритиши, ўрганилган маълумотларни ёдда сакпаш, билимларни таниш одатий ва янги кутилмаган вазиятларда қўллаш боскичлари ёрдамида ўзлаштирилади.

Ўкувчиларда фаолият турлари - кўнікма ва малакаларни шакллантириш кўнікма таркибига кирадиган иш усусларни аниклаш ва уларни бажариш, кўрсатмага биноан шу иш усусларини такрор машқ қилиш, кўнікмаларни таниш, одатий ва кутилмаган янги вазиятларда ижодий кўллаш каби боскичларни ўз ичига олади.

Таълим мазмунининг учинчи таркибий кисми бўлган ижодий фаолият тажрибалари ўкувчиларнинг мустақил ва ижодий фикр юритишига замин тайёрлаб, уни ўқитувчининг тайёр ахбороти орқали шакллантириш мумкин эмас. Ўкувчиларда ижодий фаолият тажрибаларни шакллантириш учун улар ўкув материалини мустаклл равишда ўзлаштиришлари, ўкув топшириқдарини бажариш жараёнинда муаммоларни идрок этиши, тасаввур қилиши, абстракт фикр юритиши, ўрганилётган обьектларни тахлил ва синтез қилиши, таккослаши, ўҳшашлик ва умумий томонларини аникдашлари, фикр ва гояларни умумлаштириб, хулоса ясаш орқали билим, кўнікма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллашни ўрганишлари лозим.

Таълим мазмунининг тўртинчи таркибий кисми хисобланган кадриятлар тизими ўқитиши жараёнинда таълим-тарбиянинг узвийлиги, миллий ва умумисоний кадриятларнинг устуворлигини таъминлаш, ўкувчиларда табиат ва бутун ҳорлиқка нисбатан онгли муносабатни таркиб тоғтиришга хизмат киласи. Ўкувчилар мазкур таркибий кисмни ўзлаштиришлари учун аввал, ўзлаштирган билим, кўнікма ва малахаларни янги кутилмаган вазиятлар ижодий кўллашлари, бир сўз билан айтганда фаол ўкув-билиш фаолияти талаб эгилади.

Таълим мазмунининг таркибий кисмлари давлат таълим стандартларининг асосини ташкил этади.

Давлат таълим стандартлари тахлили унинг куйидаги таркибий кисмлардан иборатлигани кўрсатди:

1. Асосий кисм - таълим-тарбия жараёнидан кўзланган максад ва вазифаларни амалга оширишга имкон берадиган биологик билим, кўнікма ва малакаларнинг маъмуаси саналади. Таълим мазмунининг асосий кисми билимлар, фаолият турлари - кўнікма ва малакалардан иборат бўлади.
2. Кенгайтирувчи таркибий кисм - ўкувчиларнинг биологик билимлари ва мустақил хаётта тайёрларигини ортиришга имкон берадиган, шахс ёки гурӯх кизикишларини ривожлантиришга ўйнали-рилган таълим мазмунинг бир кисми. Бир кисм таълим мазмунининг ижодий фаолият тажрибалари ва кадриятлар тизимини ўз ичига олади.
3. Ёрдамчи кисм - биология курсининг мантикий структурасининг яхлитлигини таъминловчи таълим мазмунинининг маълум бир бўлими. Ўкувчиларнинг кизикишлари, истаги ва эҳтиёjlари асосида дарсдан ва

синфдан ташқари ташкил этиладиган машгулотларнинг мазмунини ташкил этади.

4. Кўшимча таркибий кисм - ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мудассасалари йўналиши ва маҳаллий хусусиятларини хисобга олган ҳолда амалга ошириладиган таълим мазмунининг бир кисми.

ДТС нинг асосий ва кенгайтирувчи таркибий кисмлари ўзгармас бўлиб, ўкув фанининг асосий фундаментал ва амалий масалаларини ёритади, ёрдамчи ва кўшимча таркибий кисмлари ўкувчиларнинг кеягусида эгаллайдиган мутахассисликларига боғлиқ ҳолда ўкув фанининг ўзгариб турадиган кисми саналади.

Куйида ДТС нинг хар бир кисми ачоҳида кўриб чиқилади.

Юкорида кайд этилганидек, ЎМКХТ мудассасаларида биологияни ўvdтишда давлат таълим стандартларининг асосий кисмини куйидаги тушунчалар, кўнікма ва малакалар ташкил этади.

Биологая ўкув фанида шакллантирилайдиган тушунчачарни уч гурухга ажратиш мумкин:

- I. Умумбиологик тушунчалар.
- II. Гносеологик тушунчалар
- III. Касбга йўналтирувчи тушунчалар.

1. Умумбиологик тушунчалар ўз навбатида куйидаги учта йўналишга ажратилиди:

1. Организм биологик система.
2. Экологик системалар.
3. Органик олам эволюцияси.(5- жадвалга каранг)

5- жадвал

Организм биологик система	Экологик системалар	Органик олам эволюцияси
Генетик инженерия, хужайра инженерияси, ирсиятнинг мод-дий асослари, штамм, клон, трансформация, трансдукция, юрчубири, юрчубири генетик элементлар, фагуплифор генлар, трансмиссибл ва автоном плазмидлар, рекомбинат ДНК, геипарни клонлаш, вектор конструкция, рестриктазалар, трансген ўсимликлар, гибридомалар, поликлонал ва моноклонал антитаналар, ирсий касаллик-ларнинг ген ген ДЕВАФрида ташхиси	Ташки мухитниннабиотик, биотик ва антропогенез омиллари. Биоценоз, биогеоценоз озиқ занжири, производепланлар, консументлар, редуцентлар. Биоценозда модда ва энергия алмашиниви. Агроценоз. Антропоэкология, адаптив тип турларни. Биосфера, биомасса. Биосферада моддаларнинг даврий айланishi ва энергия ўзгариши. Биоген миграция. Биосфера ва унинг ривожланиши. Биогенез, молекуляр асослари, бошқариш, натижаси. Биогенез,	Организмларнинг мослашган-лиги Сунъий танлаш, яашаучун кураш хиллари, Табиий танланиш. Мутациялар, рекомбинатив ўзлашчанлик, Микроэволюция ва макроэвол-ция. Тур, кенжা тур, популяция, тур критерийлари, структураси, тур хосил бўлиши. Эволюция далиллари, органик оламнинг ривожланиши, Эволюция омиллари, йўна-яишлари, молекуляр асослари, бошқариш, натижаси. Ерда хаётнинг пайдо

биотехнологияси, ген дактилоскопияси, «янга» органлар яратиши технология-си.	ноогенез, ноосфера.	бўлиши ривожланиши. Аятропогенез.	ва
--	---------------------	-----------------------------------	----

II. Гносеологик тушунчалар ҳам икки гурухга ажратилади:

- I. Биологак гоя, кашфиёт ва назарияларнинг тарихи ҳақидаги тушунчалар. Бу тушунчалар туркумига эволюцион назария, эволюция далиллари, биогенетик конун, физиомбриогенез назарияси, хаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақидага назариялар, биосфера ва унинг эволюцияси назариялари, нуклеин кислоталар, трансформация, трансдукция, кўчиб юрувчи генетик элементлар, рекомбинат ДНК, трансген ўсимликлар, хайвон габридомаларининг кашф этилиши, ироиатнинг моддий асосини ўрганиш тарихи, ген инженерияси ва биотехнологиянинг ривожланишига хисса кўшган кашфиётлар, Ўзбекистонда ген инженерияси соҳасида қўлга киритилган ютуклар киради.
- II. Методологик яъни борликри илмий билиш методлари ҳақидаги тушунчалар. Биология ва экологияни ўрганишга фойдаланиладиган методлар, ўсимлик ва хайвон ирсиятини ўзгартаришда, ДНК ни бўлакларга ажратиш, рекомбинат ДНК, трансген ўсимлик ва габридомалар олицида кўлланилган методлар шулар жумласидандир.

III. Касбга йўналтирувчи тушунчаларни уч гурухга ажратиш мумкин:

1. Технологик тушунчалар. Бу гурухга хужайрада ДНК, РНК синтези, оксиллар биосинтези, генетик инженерия ва биотехнологияда амалга ошириладиган жараёнлар, трансген ўсимлик ва габридомалар олиш, ирсий касалликларнинг ген инженерлик ташхиси биотехнологиясини ишлаб чикилиши ҳақидаги тушунчалар мисол бўлади.
2. Иктисодий тушунчалар. Мазкур гурухга сунъий танлаш ёрдамвда янги нав, зот, штаммларни яратиш, генларни клонлаш, трансген ўсимликлар ва габридомаларнинг истикболлари, улардан халк хўжалигига фойдаланишдан кўриладиган фойда асосида шакллантириладиган тушунчалар киради.
3. Табиатни муҳофаза килишга оид тушунчачар. Республикаизда табиатни муҳофаза килиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ва меъёрий хужжатлар, «Қизил китоб», экологик мухитнинг тирик организмларга кўрсатган таъсири, турли касалликлар ва мутацияларнинг келиб чикиш сабабларини тушунтириши орқали ўкувчиларда табиатга нисбатан онгли муносабат таркиб топтирилади ва табиатни муҳофаза килиш тушунчалари шакллантирилади.

Биологияни ўқитища тушунчаларни шакллантириш баробарида кўнкималар ҳам таркиб топтирилади. Ушбу кўнкималарнинг энг асосийлари амалий ва ўкув меҳнати кўнкималари 6-жадвалда берилмокда.

6-жадвал

Амалий ва ўкув Меҳнати кўнкималари	Кўнкималар таркибига кирадиган усуслар
---------------------------------------	--

Лаборатория жихозлари ва асбоблари билан ишаш кўнкималари	Катталаштирувчи асбоблар бишан ишлаш, микропрепаратларни тайёрлаш, уларни микроскоп ёрдамида кўриш, бактериялар учун озиқ мухигини тайёрлаш, бактерияларни клонлаш, лаборатория машгулати учун керакли жихозларни танлай олиш ва асраш.
Ўсимликлардан гербарий, ҳашаротлардан мажмуя тайёрлаш кўнкималари	Ўсимликлар ва ҳашаротларда яшаш учун кураш, мослашишлар, табиий танланиш ва вдиоадаптацияни ўрганиш бўйича ўтказилган кузатишлар асосида гербарийлар, коллекциялар тайёрлаш, уларни талаб даражасида расмийлаштириш. Ҳашаротлarda мослашиш, яшаш учун курашга овд мажмуалар тайёрлаш ва уни жихозлаш.
Ўсимликлар устида кузатиш ва тажрибалар ўтказиш кўнкималари	Ўсимликлар ва ҳайвонларда яшаш учун кураш, табиий танланиш ва ирсият конунларини ўрганиш бўйича кузатиш ва тажрибалар ўтказиш.
Объектларни таниш кўнкималари	Эволюция далиллари, озиқ занжирини ташкил этувчи организмлар, организмлардага мосланиш турлари, трансген ўсимликлар ва габридомаларни ажратা олиш.
Ўкув меҳнати кўнкималари	Дарсликда ва бошка кўшимча ўкув адабиётлардаги матнни мустаклл ўзлаштириш, асосий гоя ва тушунчаларни ажратা олиш, расм, жадвал, схемаларни изохлаш, саволларга жавоб топиш, ўз фикрини киска ва лўнда баён этиш, асослаш, мисоллар ёрдамида душвай олиш, ўкув материалини кайта ишлаш, киска матн тузиш, маъруза, реферат тайёрлаш ва уларни талаб даражасида расмийлаштириш.

ДТС нинг иккинчи кенгайтирувчи таркибий кисми ўкувчиларда ижодий фаолият тажрибаларини шакллантиришга мўлжалланган бўлиб, мустакил ва ижодий фикр юритишига асос бўлиб хизмат килади.

Ўқитувчи янги мавзу бўйича ўкув тоширикларини тузганда ўкувчиярнинг ўрганилаётган объектини аввал ўрганилган объектилар билан таккослаши, ўхшашлик ва фарқдари, ўзига хос хусусиятларини аниклаши, мазкур объектилар ўртасидаги умумийлик, ўрганилаётган объектининг ўзига хос томонлари, энг мухим жиҳатларини тогюши бунинг учун аввал ўзлаштирган билимлари ва кўнкималарини янги кутилмаган вазиятларда кўллаб янги мавзу мазмунини ўзлаштириш имкониятини назарда тутмога лозим.

ДТС нинг учинчи таркибий ёрдамчли кисми ўкувчиларнинг биология ўкув фанига бўлган кизшидиларни ва эхтиёжлари асосида ўқитувчи томондан олиб бориладиган дарсдан ва синфдан ташқари машгулотлар ҳамда ўкувчиларнинг мустакил таълимими ўз ичига олади.

«кўучиларнинг мустакил таълими кўшимида ўкув адабиётлари, интернер, мультимедиалар воситасида муайян мавзуларда изланишлар олиб бориши, маъруза ва рефератлар тайёрлаши, ўсимликлар, ҳайвонлар ва

микроорганизмлар устуда кузатшп ва тажрибалар ўтказиши, уларнинг натижаларини изоҳлаш ва расмийлаштиришлари, республикамиздаги соглом турмуш тарзини шакллантириш борасвда ва экологик муаммоларни хал этишга оид ташкил этиладиган турли танловлар учун материаллар тайёрлаш, олимпиадаларга тайёргарлик кўриш кабиларни ўз ичига олади.

ДТСнинг бу таркибий қисмининг самарадорлига ўкув муассасасининг ўйналиши, ўкувчиларнинг келгусвда эгаллайдиган мутахассислига ва уларнинг эхтиёжи, қизиклши, ўқитувчининг педагогик билим, маҳоратига боғлиқ бўлади.

Биологияни ўқитишида касбга йўналтириш.

ДТСнинг тўртинчи кўшимча таркибий қисми биология таълимининг касбга йўналтирилишини назарда тутувчи қисми хисобланади.

Решубликамида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими куйидаги 8-та билим соҳалари ва академик лицейлар бўйича ташкил этилган бўлиб, уларда биология ягона дастур асосида ўқитилади. Биология ўқитувчиси таълим муассасасининг ўйналишини хисобга олган ҳолда таълим мазмунининг Кўшимча таркибий қисмiga эътиборни қаратиши, яъни биология таълимни касбий йўналтириши лозим.

8-жаддияд

Таълим соҳаси	Биологияни ўқитишида эътиборни қаратиш зарур бўлган масалалар
Таълим	Ўкувчиларни акдий, ахлоқий, эстетик, меҳнат, жинсий, экологик, иктисолий, гагаеник ва жисмоний жихатдан етук килиб тарбиялашда, уларнинг илмий дунёкашини кенгайтириш, шахс камолотининг табиат билан уйтунлиги, табиатга нисбатан меҳрумхабат түйгуси ва онгли муносабатни таркиб топтириша табиатнинг тутган ўрнини
Гуманитар фанлар ва санъат	Табиатни муҳофаза килиш бўйича маънавий-маърифий ишларни олиб бориши, табиат барча санъат турларини ривожлантирувчи манба эканлиги
Ижтимоий фанлар, бизнес ва хукук	Шахс камолотининг табиат билан уйғунлиги, ишлаб чиқариш ва агросаноатни ривожлантириш, хом ашёдан олинадиган товарлар, уларни ишлаб чиқаришда микробиология усусларидан фойдаланиши, ген дақтилоскопияси ва генлар спекгри ёрдамида шахсни анилаш технологиясининг яратилганлиги
Фан	Экологик муаммолар, сув, хаво, тупрок, кишлек хўжалиги, одам экологяси, уларни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар, табиий бойликлар ва улардан унумли фойдаланиш йўллари ва чиқиндисиз технологияларни жорий этиш муаммолари.
Мухандислик, ишлов бериш ва курилиш тармоклари.	Биосферада модда ва энергиянинг давра бўйлаб айланиши, экологик тоза манбалар энергиясидан фойдаланиш, бионика асослари, табиий ва сунъий хом ашёлардан фойдаланиш, агро-муҳитни муҳофаза килиш, Ер усти ва ости табиий бойликлари ва улардан унумли фойдаланиш йўллари, чиқиндисиз технологияларни жорий этиш муаммолари. Сунъий

Кишлек хўжалиги

танлаш асосида ўсимлик навлари хосивдорлиги, хайвон зотлари маҳсулдорлигини ошириш йўллари, микробиология ва биотехнология асослардан кишлек хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда фойдаланиши, иккиласми сув ва ичимлик сувини тозалашда сув ўтлардан фойдаланиш, биологик билимларнинг ўсимликшунослик, чорвачилик, асаларичилик, ўрмончилик, мўйначилик ва баликчиликни ривожлантириш, бог, паркларни барпо этиш, кўкаламзорлаштириш, ўсимликларни химоя килишдаги ахамияти, курилиш, йўллар барпо этиш, курилиш материалларини тайёрлашда табиат мувозанатини асрарш.

Биологик конуниятлар кишлек хўжалиганинг илмий-назарий асоси эканлиги, кишлек хўжалига маҳоулотларини етиштириш, сакдаш ва қайта ишлаш, ўсимликларни химоя қилиш, зоотехника ва ветеринария, ўрмончиликни ривожлантирища биологик билимларнинг ахамияти, тупрок ва ер ости сувларидаги пестицидларни парчаловчи ва зарарсизлантирувчи трансген ўсимлик яратиш, пахта толаси сифатини яхшилашга йўналтирилган биотехнология, хайвонларни клонлаш, гибридомалар олиш истиқболлари.

Ген, хужайра инженерлиги усулларини кўллаб қатор юкумли ва ирсий касалликларнинг ген инженерлиги ташхиси биотехнологияси, ирсийянини конуниятларини ўрганиши ва оддини олиш борасида олиб борилаётган изланишлар, «асоо» хужайралардан «янги» органлар яратиш технологияси, «Соғлом авлод учун»

Давлат дастури, оналик ва болаликни асрарш ва тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш бўйича давлат карорлари.

Туризм, спорт, сервис, оммавий байрамлар ўтказиши, ҳалқ оғзаки ижодини ривожлантириша табииёт фанларининг ролини кўрсатит лозим.

Соғликни саклаш

Хизматлар

Юкорвда кайд этилган вазифаларни хал этиш ва анъанавий таълим тизимидағи камчиликларга барҳам бериш, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш учун ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ялпи ўқитиш билан бир каторда, ивдиввудал ва кичик турхуларда ўқитишини ташкил этиш максадга мувофик.

Ўкувчиларнинг билиш фаолияти индивидуал тарзда ташкил этилгавда укувчилар ўкув материалини мустакил ўзлаштирадилар, уларнинг акпий ривожланиши, қизикиши, эхтиёжи, иктидори, билимларни ўзлаштириш даражаси хисобга олинган ҳолда тузилган ўкув топширикларини мустакил оажаради ва ўз билиш фаолиятининг субъектига айланади.

Ўкув топширикларини индивидуал бажариш жараённида ўкувчиларнинг акпий фаолияти жадоб этилади, ўз билими, кучи ва кобилятига бўлган ишонч ортади ва хар бир шахс ўз имконияти даражасвда ривожланади. Шу тарзда

ташкил этилган билиш фаолияти оркали вактдан унумли фойдаланилади, самарадорлик оргади.

Биологиянинг ўқитишида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини инди-вудуал тарзда ташкил этиш асосан дарс билан биргаликда дарсдан ва синфдан ташкари ишларда хам фойдаланилади. Масалан, ўқувчиларнинг уй вазифасини бажаришида уларга таюфутлаб ёвдашиб имкониятлари мавжуд. Ўқувчиларга муйян мавзулар бўйича кроссвордлар тузиш, кузатиш ва тажрибалар ўтказиш, мавзуза ва рефератлар, турли мавзуларда ўтказиладиган танловлар учун материаллар тайёрлаш шулар жумласидандир.

Ўқувчиларнинг билиш фаолияти кичик гурухларда ташкил эгилганда гурухдага хар бир ўқувчи иктевдори, қизиқиши, билим савиёси, билимларни ўзлаштириш даражасини аниклаш, ўқувчилар ўргасида хамкорлик, ўкув мулокоти, баҳси, мунозара, ўзаро ёрдамни амалга ошириш кўзда тутилади.

Биология дарсларида ўқувчиларнинг билиш фаолияти ялпи ўқитишини ивидидуал ва кичик гурухларда ишлар шакллари билан уйғунлаштирилгавда жуда юқори самара беради.

Маълумки, биологияни ўқитиши дарс, дарсдан ташкари ишлар, синфдан гашкари ишлар ва эккурсиялар шаклида ташкил этилади.

Ўрта маҳсус, касб таълими муассасаларида биология ўкув фанини ўқитишининг самарадорлигини оширишнинг мухим шарти таълим-тарбия жараёнига тизимли ёндошув саналади, шу сабабли ўкув дастурдан ўрин олган хар бир мавзунинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсади хисобга олинган холда биологияни ўқиттица куйидаги дарс турлардан фойдаланиш тавсия этилади:

ва ўқитувчиларга куйидаги дарс турлари тавсия этилади:

1. Маъруза (кириш маърузаси, мавзули маъруза, умумлаштирувчи маъруза) дарслари.
2. Семинар (башшмларни мустахкамловчи, янга билимларни мустаклл эгаляшга мўлжалланган) дарслари.
3. Модули дарс.
4. Муаммоли (акдий хужум) дарслар.
5. Мунозарали дарслар.
6. Диадактик-ўйинли (сюжетли-ролли, ижодий, ишбилармонлар, конференциялар, ўйин машқлар) дарслар.
7. Синов (диадактик карточкаяар, тест тошириклиари, ўзаро назорат варафи ёрдамида, ЭХМ назорат дастурлари воситасида ўтказиладиган) дарслар.
8. Амалий мадвулотлар
9. Лаборатория маднүолти
10. Умумлаштирувчи дарслар.

Асосий тушунча ва таянч атамаяар:

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўйналишлари, биологик таълим мазмунининг таркиби кисмлари, биологиядан давлат тамим ставдартларининг таркиби кисмлари, умумбиологик, гаосеологик, касбий ўйналтирилганликни амалга оширувчи тушунчалар, амалий ва ўкув меҳнати кўнимкчари, биологияни ўқитишида тизимли ёндошув, дарс турлари.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ САВОЛЛАРИ
1. Академик лицейларда биологияни ўқитища нималарга эътиборни каратиш зарур?

2. Касб-хунар коллежларида биологияни ўқитишининг ўзига хос хусусиятларини аникланг.
3. Биоло^г Г^{ан}тальим мазмунининг таркиби кисмларининг ўзига хос хусусиятларини аникланг.
4. Биологиядан давлат таълим ставдартларининг таркиби кисмларини аникланг.
5. Биологик таълимнинг касбий ўйналтирилганлик масалаларини урганинг.
6. Биологияни ўқитишида кандай ярс турларидан фойдаланиш тавсия этишшоқда? Ҳар бир дарснинг дидактик мақсади ва боришини лойихаланг.

25-мавзу: Биологиядан факультатив машгулотларни ташкил этиши.

Режа:

1. Биологиядан ўтказиладиган факультатив машгулотларнинг дидактик мақсади ва вазифалари.
2. Факультатив машгулотларнинг мазмуни ва моҳияти.
3. «Ўсимликлар ҳаёти» факультатив машнулотининг мазмуни ва ўтказиш юзасидан тавсиялар.

Узлуксиз таълим тизимида биологиядан ўқувчиларнинг фан асосларини мустахкам ва чукур ўзлаштиришга бўлган кизиқлшлари ва эхтиёжларини ривожлантириш, ўзлаштирилган билимларни амалиётда кўллаш, касбга ўйналтиришни амалга ошириш, тажриба кўйиш ва кузаташ ўтказиш, кўшимча адабиётлар устида мустакил ишлаш кўнинмаларини шаклантириш, табиатга нисбатан онгли муносабатни таркиб топтириш мақсадида ўқитиши жараёнининг янги шакли факультатив машгулотлар ташкил этилади.

Факультатив машнулотлар камидан 34 соатга мўлжалланган бўлиб, ўкув иили давомида хафтасига 1 соат ёки ярим ийлда хафтасига 2 соатга мўлжалланган бўлиб, мазкур машгулотлар дарсгача ёки дарсдан кейин ўтказилади.

Биология ўқитувчиси факультатив машнулотларнинг гурукларини ўқувчиларнинг ҳоҳиш-истага асосида бир синф ёки парайлел синф ўқувчиларидан тузади, гурухларда ўқувчилар сони 10 тадан кам бўлмаслиги керак.

Факультатив машгулотлар учун ўкув соатлари харакатдага ўкув режадага мактаб ихтиёрига берилган соатлар хисобидан ажраттади.

Факультатив машгулотларнинг самарадорлигани ошириш учун ўқитувчи ўқувчиларнинг билимларни фоаллаштирадиган, мантикий, мустакил ва ижодий фикр юритиши кўнинмаларини ривожлантиришга имкон берадиган ўқитиши методлари, воситалари ва шаклларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Факультатив машнулотларда ўқувчиларнинг мустакил ва ижодий ишларига кенг урин бериши барабарида маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машнулотлари, эккурсиялардан фойдаланилди.

- Факультатив машнулотларнинг дидактик мақсади:
• иология фанининг турли соҳалари бўйича ўқувчиларнинг билимларини уқурлаштириш ва кенгайтириш, биологияни ўрганишга бўлган кизиқишиларини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимининг кейинги турларда ўқиши давом этириш учун танлашга ёрдам бериш;
• ўқувчиларнинг дунёкарашини кенгайтириш, табиатнинг моддий бирлигани нинг яхлитлигани илмий тасаввур килиш, табиатда содир бўлаётган воқеа

ва ходисаларнинг табиий-шший сабабларини билиш, сабаб-оқибат болгаюшгаарни тушунишга имкон яратиш;

- Ўсимликларни парвариш килиш ва хайвонларни бокишининг илмий асосларига эътиборни каратиш, ўкувчиларни мавсумий дала шиларига, мактаб тажриба ер майдончаларида, боғ ва полиз экюшари майдонларнага ишларга жалб этиш орқали уларнинг касб танлашига, жумядан, кишлек хўжалик, медицина, ветеринария ва х.к. каби ихтинослислар билан танишишига шароит яратиш;
- Ўкувчиларнинг экологик маданиятини такомиллаштириш, табиятга нисбатан онги ва омилкорона муносабатини таркиб топтириш;
- Ўкувчиларнинг ўз организми, соғлигини асрар, профилактика чора-тадбирлари, врач келгунча биринчи ёрдам кўрсатиш, саноат корхоналари ва кишлек хўжалиги шплаб чиқаришицага хавфсизлик чора-тадбирлари, ишни илмий асосда ташкил этиш хакидага билимларни кенгайтириш;
- Ўкувчиларнинг гагаеник таълим-тарбиясини амаяга ошириш, галодинамия (кам харакат килиш), чекиш, алкоголь, нотўти овқатлаш, кун таргигибга амал кильмаслишинг зарарини тушунишга ёрдам бериш;
- Ўкувчиларда шаркона одоб-ахлоқ, инсоний фазилатларни шакллантириш, улар онги ва қалбига миллий истиқбол ғояларини сингдириш, миллий ва умуминсоний кадриятларга хурмат, Она-Ватанга садоқат руҳвуда тарбиялаш саналади.

Умумий ўрта таъям мактабларида биологиадан қўйидага факультатив машгулолар ташкил этиш тавсия этилади.

N	Факультатив машгулолар	Соатлар	Синфор
1.	Ўсимликлар хаёти	34	VІ синфор
2.	Хайвонлар хаёти	34	VІІ синфор
3.	Оlam физиологияси	68	VІІІ синфор
4.	Экология асослари ва табиятни мухосабатони	34	VІІІ синфор
5.	Олий ярв фаолияти физиологияси	34	VІІІ синфор
6.	Кишлек хўжалиги хайвонлари физиологияси ва зоотехника асослари	34	IX синфор
7.	Умумий биология	68	IX синфор
8.	Генетика ва селекция асослари	68	IX синфор

Ўрта маҳсус, касб-хунар тавдими муассасаларida биологиадан қўйидага факультатив машгулолар ташкил этиш тавсия этилади.

N	Факультатив машгулолар	Соатлар	Боғчилик
1.	Органик олам эволюцияси	68	I-КРС
2.	Генетика ва селекция асослари	68	I-КРС
3.	Молекуляр биология	68	I-КРС
4.	Биотехнология асослари	68	I-КРС

Факультатив машгулоларнинг хиша-хиллиги ўкувчиларнинг кизикиш ва эҳтиёжларини тўларок қовдириш, биология фанининг энг истиқболли йўналишлари, биологиянинг шимий-тадқиқот методлари билан таништириш, биология донир билимларни амаяиётга кўллаш ва маҳаллий шароитнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларини коплаш имконини беради.

Қўйида У1-синфлар учун мўлжалланган «Ўсимликлар хаёти» факультатив машгулотининг мазмуни бертаади.

«Ўсимликлар хаёти» факультатив машгулоти курсини ўрганиш ўкувчиларни ўсимликларнинг хаётий жараёнлари, ёввойи ва маданий вакилларининг хилма-хиллиги, инсон хаёти ва табиятдаги аҳамияти билан таништириш, табиий биогеоценозлардага ўзаро алоқалар қақидаги билимларни чукурлаштиришга имкон беради.

Ўсимликларнинг тарихий ривожланиши, ўсимлик организмининг хужайравий тузилиши ва хаётий жараёнларнинг моддий асослари ҳакидаги билимлар ўкувчиларнинг шший дунёқарашини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Ўсимликларнинг табиятдага ва инсон хаётидаги аҳамияти, инсон фаолиятининг ўсимликларнинг алоҳида турларига ва табиий гурухларнинг яшаш мухитига таъсирини ўрганиш ўкувчиларни табиятга маъсуллият билан муносабатда бўлиш, уларга экологик, иқтисодий, эстетик, ахлоқий тарбия бериш имконини яратади.

Ўсимликларни экиш, парвариш килиш ва кўпайтиришнинг илмий асослари ҳакидага билимларни кенгайтириш ўкувчиларнинг касб таълимига, меҳнат ва иқтисодий тарбиясини амалга оширишга ёрдам беради.

Курс давомида шиб борилган машгулотлар ўкувчиларнинг нафакат биологик билим, кўнимка ва малакалари, балки кузатиш ва тажриба ўтказиш, амалий ва ўкув меҳнати кўнинмаларининг ривожлантиришга замин яратади.

Курснинг мазмуни ўқитишининг турли шакл ва методлари: маъзуза, лаборатория машгулотлари, экскурсия, кузатиш ўтказиш, тажриба қўйиш, амалий ишлар, ўкув тажриба ер майдонида ижтимоий-фойдалари меҳнатдан ўз ўрнида самарали фойдаланишни талаб этади.

Шунингдек, ушбу курсни ўтказиша ўкувчиларнинг табиятшунослик, география ва 5-синфда ботаникадан олинган билимлари асос бўлиб хизмат қилиши, фанларро ва мавзуларро боғланшишларни амалга ошириш ўқитувчининг диккат марказида бўлмаги лозим.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синф ўкувчилари учун мўлжалланган «Ўсимликлар хаёти» факультатив машгулотини ўтказиш 34 соатта мўлжалланган бўлиб, шундан «Кириш» мавзусига 2 соат, «Ўсимликларнинг тузилиши ва хаёти фаолияти» мавзуси ўсимлик хужайраси ва тўқималарининг тузилиши ва хаёти фаолияти, озиқданиш, ўсимликларнинг нафас олиши, ўсимликларда моддаларнинг ҳаракатланиши, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва кўпайиши каби масалаларни камраб олган бўлиб, уларни ўрганишга 20 соат, «Ўсимликларнинг хилма-хиллиги. Уларнинг яшаш мухитига мослашганлига» мавзуси ўсимликлар оламининг хилма-хиллига, табиий гурухларда ўсимликларнинг хаёти каби масалаларни мужассамлаштириб уни ўрганишга 12 соат вакт ажратилган.

Ушбу мавзуларни машгулотларга қўйидагача тақсимлаш тавсия этшади.

«Ўсимликлар хаёти» факультатив машгулотининг намунавий режаси.

Машгу лот N	Мавзу	Лаборатория машгулоти
1.	I. Кириш (2 соат, шундан 1 соат экспурсия)	

2.	1-экскурсия. Ўсимликлар хаётида куз.	
	II. Ўсимликларнинг тузилиши ва ҳёт фаолияти (20 соат). Ўсимликлар хужайраси ва тўқималарининг тузилиши ва ҳёт фаолияти (4 соат)	
3.	Ўсимликларнинг хужайравий тузилиши, унинг хайвонлар хужайрасидан фарқи.	1-лаборатория иши. Ўсимлик хужайра ва тўқималариш микроскопда кўриш.
4.	Ўсимлик хужайрасининг кимёвий таркиби. Фитоцидлар.	
5.	Цитоплазманинг харакати	2-лаборатория иши. Цитоплазманинг харакати.
6.	Хужайранинг ўсиши ва бўлиниши	3-лаборатория иши. Пиёз илдизасидан тайёрланган препаратдан хужайранинг бўлиниш фазаларини кўриш.
	Ўсимликларнинг озикланиши (5 соат)	
7.	Ўсимликлар озиқданишининг хусусиятлари ва унинг ахамияти	4-лаборатория иши. Ўсимликлар кулининг ишёвий таркибини аниклаш.
8.	Ўсимликларни тупроқсю ўстириш. Гидропоника.	
9.	Фотосинтез. Фотосинтезнинг табиатдаги ва халк хўжалиги-даги ахамияти. Иссяхоналарда фотосинтез жараёни интенсивлигани тартибга солиш.	5-лаборатория иши. Пигментларнинг спиртли сўримини олиш ва уни ажратиш. 6-лаборатория иши. Хлорофиллинг спиртли сўримини тайёрлаш, 7-лаборатория иши. Ўсимлик баргига крахмал хосил бўлишини ўрганиш.
10.	Минерал моддаларнинг ўсимликлар хаётидаги ролини аниклаш.	
11.	2-экскурсия. Иссяхоналарда ўсимликларни ўстириш.	
	Ўсимликларнинг нафас дайши (3 соат)	
12.	Ўсимликларнинг нафас олиши ва унинг ахамияти	
13.	Хаюнинг ифлосиянишига карши кураш чоралари.	
14.	Урут ва сабзвотларни саклашнинг илмий асослари.	
	Ўсимликларда моддаларнинг харакатланиши (4 соат)	
15.	Ўсимликларда сув ва минерал моддаларнинг харакатланиши	

16.	Юксак ўсимликларда ўтказувчи системанинг ривожланиши.	
17.	Органик моддалар, уларнинг ўсимлик хаётидаги ахамияти.	8-лаборатория иши. Ўсимликларнинг турли органларвда органик моддаларни топиш.
18.	Ўруг, мева ва илдизеваларда органик моддаларнинг захира холда тўпланиши. Ўсимликларнинг ўсиш, ривожланиши ва кўпайиши. (4 соат)	9-лаборатория иши. Ўсимликлардаги оксил, мой, углеводларни аниклаш.
19.	Ўсимликларнинг вегетатив органларининг ўсиши. Ўсимликларнинг ўсишини аниклаш методлари	10-лаборатория иши. Илдизлар геотропизмини кузатиш.
20.	Ўсимликларнинг ривожланиши. Онтогенез боскичлари	11-лаборатория иши. Фототропик эгакликлар.
21.	1-амалий иш. Ўсимликларни кўчириб ўтказиши ўрганиш.	
22.	2-амалий иш. Хона ўсимликларини хар хил усулда кўпайтириш.	
	III. Ўсимликларнинг хилма-хиллиги ва яашаш мухитига мослашганлиги. (12 соат) Ўсимликлар оламининг хилма-хиллиги. (6 соат)	
23.	Ўсимликлар классификацияси	
24.	Турларни хилма-хиллиги ва яашаш мухитига мослашганлиги.	
25.	Ўсимликлар турининг хилма-хиллиги ва яашаш мухитига инсон фаолиятининг таъсири.	
26.	Маданий ўсимликларнинг хилма-хиллиги.	
27.	Хар хил табиий зоналарда, турли экологик шароитда ўсадиган ўсимликлар турлари ва маданий ўсимлик навлари.	
28.	Гулли ўсимликларнинг хилма-хиллиги	12-лаборатория иши. Хар хил оиласларга мансуб ўсимликларни аниклаш.
	Табиий гурухларда ўсимликларнинг хаёти. (6 соат)	
29.	Табиий гурухларда ўсимликлар, хайвонлар, замбуруғлар ва бактериялар хаётининг ўзаро боғликлиги.	
30.	Табиий гурухларда ўсимликларнинг хилма-хиллиги.	

31.	Табиий гурухларда ўсимликлар, хайвонлар, замбуругаар ва бактерияларнинг биргаликда яшашга мослашганлига.
32.	Инсон фаолиятининг турхадардаги ўсимликлар турининг хилма-хиллигига таъсири.
33.	Усимликларнинг яшаш мухити ва табиий биоценозларни муҳо- ^з аза килиш. «Қизил китоб»
34.	3-амалий иш. Табиий гурухлардаги озиқ занжирини тузиш.

Хулоса қилиб айтгавда, факультатив машғулотлар биологияни ўқитишининг зарурий шакли бўлиб, юқорида кайд этилган дидактик мақсадларни амалга оширишга хизмат клади.

Асосий тушунча ва атамалар:

Биологиадан ўтказиладиган факультатив машғулотлар, ўқувчиларнинг бишш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ САВОЛЛАРИ:

1. Биологиадан ўтказиладиган факультатив машғулотларнинг дидактик мақсади ва вазифаларини аникланг.
2. Факультатив машғулотларнинг мазмуни ва моҳиятини ўрганинг.
3. «Ўсимликлар хаёти» факультатив маппуплотининг мазмунидага лаборатория, амалий машғулотлар ва экскурсияларни аниқданг.
4. Лаборатория, амалий машғулотлар ва экскурсияларни ўтказиши юзасвдан тавсиялар тайёрланг. «Генетика ва селекция асослари» факультатив машғулотининг намунавий иш режасини тузинг.

Мувдарижа.

1. Кириш 3.
2. Биологик таълимнинг роли 7.
3. Шарқ уйғонин даврида таълим ва тарбия масалалари 10.
4. Туркистон жадидчилик ҳаракатида таълим ва тарбия 14.
5. Биология ўқлиш методикасининг ривожланиши тарихи 18.
6. Биологик таълим жараёнининг яхлитлиги, ўқитиш принциплари ва конуниятлари 24.
7. Биояогаядан давиат таълим стандарти ва ўқув дастури 31.
8. Биология дарсларининг таҳлили 35.
9. Умумий ўрта таълим ўқув юртларида биология таълим мазмуни 40.
- Ю.Биологияни ўқитишида ўқувчиларда мустакил ва изходий фаолиятини таркиб топтириши 44.
- П.Биологияни ўқитишида фойдаланиладиган методлар 50.
- 12.Биология ўқитишининг фаол методлари 58.
- В.Биологиянинг ўқитиш воситалари 64.
- 14.Биологияни ўқлиши шаклларининг системаси 67.
- 15.Биологиядан йиллик истикбол ва мавзули режа тузиш йўллари 70.
- 16.Биология дарсларida замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиши 76.
- П.Дарсан ташкари ишлар 94.
- 18.Синфдан ташкил машғулотлар 103.
- 19.Биологияни ўқитишида таълим-тарбиянинг узвилиги 111.
- 20.Ўқувчи-ёшлар онги ва калбига миллий истикпол гоясини сингдириши йўллари 124.
- 21.Мактабда биология хонасини ташкил этиши 127.
- 22.Тарих табиат бурчаги 130.
- 23.Мактаб ўқув тажриба участаси 134.
- 24.Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассаларида биологияни ўқитишпнинг ўзига хос хусусиялари 137.
- 25.Биологиядан факультатив машғулотларни ташкил этиши 145.

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1 И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида», «Ўзбекистон» 1997Й.
- 2.И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари», «Ўзбекистон» 1998Й.
- 3.«Кадрлар тайёрлаш миллий дасту^зи», «Тошкент» 1997й.
- 4.И.А.Каримов «Баркамол авлод - Узбекистон тараккиётининг пойдевори», «Ўзбекистон» 1997Й.
- 5.^«Умумий ЎР^{га} таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури», «Шарқ» нашриёти матбаа концерни.
5. А. 1.гофуров, Толипова Ж. «Умумий биологияни ўқитишининг норасмий уоуд ваشاҳлари», «Тошкент» 1990Й.
6. ^-(ут¹⁰⁸⁸) ^-Т-Фоғуров «Биологиядан янга педагогик технологиялар»
7. А. 1.гофуров ва бошқалар. Генетик билимларни пухта ўзлаштириш ва масалалар ечиш методикаси. 2000Й.

8. А.Т.Фофуров, М.Махкамов «Ботаникадан экспедициилар ўтказиш методикаси», «Ўқитувчи» 1991Й.
9. АЛ\Фофуров, СХабирова «Биологиядан синфдан ташқари машғулотлар», «Ўқитувчи» 1978Й.
- Ю.Н.М.Верзилин, М.Корсунская «Биология ўқитишнинг умумий методикаси», «Ўқитувчи» 1983Й.
- П.А.Қодиров, Қ.Хавдаров «Биология ўқитиш методикасдан лаборатория машғулотлари», «Ўқитувчи» 1989Й.
- 12.Ш.А.Амонашавкли, С.НЛисенкова ва бошқалар «Педагогик изланиш», «Ўқитувчи» 1990Й.
- 13.Сафо Очил, Комилжон Хошимов ва бошқалар «Ўзбек педагогакаси, антологияси», «Ўқитувчи» 1999Й.
- 14.А.Зуннунов ва бошқалар «Ўрта Осиёда педагогик фикр тараккиётидан лавҳалар», «Фан» 1996Й.
- 15.И.Азимов ва бошқалар «Биология методик қўлланма», «Ибн Сино» 2002Й.
- 16.Е.Бельская «Ботаника дидактикаси», «Ўқитувчи».
- 17.Ж.Толипова ва бошқалар «Ботаника» 5-6 синфлар методик қўлланма. 2003Й.
- 18.В.Ф.Шалаев ва бошқалар «Биология ўқитиш методикаси», «Ўқитувчи» 1983Й.
- 19.И.Пономарёва ва бошқалар «Биология ўқитишнинг умумий методикаси», «Москва» 2003Й.
- 20.Ж.Толипова, А.Т.Фофуров «Биология ўқитиш методикаси» методик қўлланма. Академ лицей ва касб хунар коллежлари учун 2004Й.
- 21.А.Т.Фофуров, О.М.Носиров «Мактаб биология курсида табиат муҳофазаси тушунчасини шакллантириш», «Ўқитувчи» 1985Й.

127 - буюртма 200 нусха. Ҳажми 9,6 б.т.
2005 йил 17 ноябрда босишига рухсат этилди.
Низомий номидаги ТДПУ Ризографида
нашр қилинди.